

“БОШЛАНГИЧ СИНФЛАРДА
МАТЕМАТИКА ҮҚИТИШ
МЕТОДИКАСИ”
МАВЗУСИДА ТУЗИЛГАН
МАЪРУЗА МАТНЛАРИ

22.1
7-87

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта
максус таълим вазирлиги

Термиз Давлат Университети

**“БОШЛАНГИЧ СИНФЛАРДА
МАТЕМАТИКА ЎҚИТИШ
МЕТОДИКАСИ”
МАВЗУСИДА ТУЗИЛГАН
МАЪРУЗА МАТНЛАРИ**

Термиз - 2001



Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта
максус таълим вазирлиги ва
Термиз Давлат Университетининг илмий - услугубий
кенгаши чоп этишга тавсия этган.

Тузувчи:

С. Тўраев

Тақризчилар:

педагогика фанлари
доктори, профессор

О. Ҳайтов

педагогика фанлари
номзоди, доцент

Э. Жумаев

“Бошланғич синфларда математика үқитиши методикасы”
мавзусида түзилгандар мәдениеттегі жаңылықтардың орталығы

Умумий методика

№	Мавзулар	соаты
1	Бошланғич математика үқитиши методикасы, предмети, вазифалари, мазмұны, фан сипатида эканнлиги	2 с
2	I-IV синфларда математика предметининг вазифалари	2 с
3	Математика үқитиши методикасида құлланиладыган илмий - тадқиқот методлари	2 с
4	Бошланғич синфларда асосий математик түшүнчаларни шакллантириш үйрелуде	2 с
5	Бошланғич математика курсининг түзилиши ва мазмұны	2 с
6	Бошланғич математика үқитишида құлланиладыган методлар	2 с
7	I-V һәм V-VI синфларда математика үқитиши орасидаги изчиллік	2 с
8	Бошланғич синфларда математикадан үқув ишиниң үшіншілік	2 с
9	Бошланғич синфларда математика дарсі ва уннинг турлари	2 с
10	Бошланғич синф математикасынан баъзи дарс турлари. Дарсда индивидуал ва группавий ишлар	2 с
11	Бошланғич синфларда математикадан синфдан ташқары ишлар	2 с
12	Үқувчиларни математикадан билим ва малакаларини текшириш методлари	2 с
13	Бошланғич математика дарсларында күргазмалиицисининг ақамияти ва уни құллаш	2 с
14	Бошланғич синфларда дарсликлар ва үқув құлланмалари	2 с
15	Оз комплектли мактабларда математика үқитишининг хусусиятлари	2 с

Хусусий методика

№	Мавзулар	соати
1	Бошлангич синфларда номанфий сонларни ўқитиш методикаси	2 с
2	“Үнлик”, “Юзлик”, “Минглик” ва “Кўп хонали сонлар” мавзусида сонларни номерлаш	2 с
3	Асосий миқдорлар устида ишлаш методикаси	2 с
4	“Вақт” ва юза ўлчовлари билан танишириш методикаси	2 с
5	Арифметик амалларни ўрганиш методикаси	2 с
6	“Юзлик” ва “Минглик” мавзусида арифметик амалларни ўрганиш	2 с
7	“Кўп хонали сонлар” мавзусида арифметик амаллар	2 с
8	Алгебра элементларини ўқитиш методикаси	2 с
9	Тенглик ва тенгсизликларни ўқитиш методикаси	2 с
10	Геометрия материалларини ўқитиш методикаси	2 с
11	Каср тушунчаси билан танишириш методикаси	2 с
12	Арифметик масалалар ва уларнинг турлари	2 с
13	“Юзлик”, “Минглик” “Кўп хонали сонлар” мавзуларида масалалар ечиш	2 с
14	Математика ўқитиш методикаси тарихи ва унинг келажакда такомиллашуви ва ривожланиш йўллари	2 с

Адабиётлар:

1. Л. Ш. Левенберг ва бошқалар. “Бошлангич синфларда математика ўқитиш методикаси”. Т., 1985.
2. М. А. Бантова ва бошқалар. “Бошлангич синфларда математика ўқитиш методикаси”. Т., 1994.
3. Под. ред. Л.Н. Скаткина. “Методика начального обучения математики” 1972.
4. М.И.Моро, А.М.Пышкало, “Методика обучения математике в 1-3 классах”.
5. Бикбоева Н.У. ва бошқалар. “Бошлангич синфларда математика ўқитиш методикаси”. Т., 1996.
6. Математика. 1 - синф.
7. Математика. 2 - синф.
8. Математика. 3 - синф.
9. Математика. 4 - синф.
10. Бошлангич синфлар учун “Математика дастури”.

Тушунтириш хати

Хозирги замон ёшларини фан асослари билан куроллантириш, уларнинг ақлий тафаккурларини юқори даражада ривожлантиришига эришиш умумтаълим мактаблари олдида турган энг муҳим вазифалардан биридир. Шу вазифаларни амалга ошириш мақсадида бошлангич синф ўқитувчиларини тайёрлаш учун олий таълимни қайта қуриш бўйича турли ишлар қилинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг “Таълим-тарбия ва кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, баркамол авлодни вояга етказиш тўғрисидаги” ги фармонидан ва Олий Мажлис томонидан қабул қилинганд “Таълим тўғрисидаги қонун ва “Кадрлар таёrlаш миллий дастури”да таълим тизимини назорат қилиш ва мониторинг тизимини шакллантиришга катта эътибор берилган. Уларни ҳётга тадбиқ этиш ишлари давлат сиёсатининг устивор йўналишларидан бири деб ҳисобланаётган бугунги кунда ҳалқ таълими соҳасидаги муаммоларни ва уларни вужудга келтирувчи омилларни аниқлаш ҳамда уларни чуқур илмий таҳлил қилиш зарур бўлади.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишда энг аввало бошлангич таълим ишини тўғри йўлга қўйиш муҳим аҳамиятга эга дейилган.

И.А. Каримов “Тафаккур” журнали бош муҳаррирининг саволларига берган жавобларида қайд этадики, “... таълим - тарбия тизимини ўзгартирмасдан туриб онгни ўзгартириб бўлмайди. Онгни, тафаккурни ўзгартирмасдан туриб эса, биз кўзлаган олий мақсад-озод ва обод жамиятни барпо этиб бўлмайди. Кўриб турганимиздек, буларнинг барчаси бир-бири билан занжир каби боғлиқ масаладир. ...Ислоҳотларнинг тақдири ва самараси биринчи навбатда кадрларнинг савиясига, уларнинг замон ва тараққиёт талабларига нечоғлиқ жавоб беришига тақалиб қолар эди! (“Тафаккур” журнали, 1998 йил, 2-сон, 10-11-бетлар).

Методика фанларини ўқитиши ишларида, жумладан, математика фанини ўқитиши методикаси курсини ўқитиши қайта кўриб чиқиб, ҳозирги кун талабларига мослаштириш зарурати вужудга келди. Бу ишлар бўлгуси бошлангич синф ўқитувчиларини таёrlаш ишларини такомиллаштиришда, талабаларни ўқитувчилик касбига таёrlашда муҳим бўлган билим, кўникма ва малакаларни ҳосил қилишда зарур бўлган ўқув - тарбия ишларини ташкил қилишда катта ёрдам бериши зарур.

Математика ўқитиши методикаси курси маълум микдорда мавзуу, амалий - семинар машғулотлари ва педагогик амалиёт орқали амалга оширилади.

Маърузада асосан методика фанининг асосий илмий изланишлари натижасига таянган ҳолда илфор ўқитувчиларнинг иш тажрибаси билан бойитилган материаллар асосида баён қилинади. Амалий семинар машғулотларида эса талабалар турли-туман методик манбаларни таҳлил қилиш ва уни тузатиш ва ҳ.к.) ўрганиш билан бирга бу манбалардан методик адабиётларга ижодий ёндашиб, улардан ўқитишишларини ташкил қилишда, илмий изланишлар олиб боришда фойдаланишга ўргатилади. Бу машғулотларда талабалар дарс изланишларини тузиш, турли методик йўналишга оид мавзуларни ёзиш ва уни ҳар бир мавзуга қай йўсинда ёндашиб муҳим аҳамиятга эга эканлигини ҳар томонлама муҳокама қилиш билан шуғулланадилар. Талабалар ўз мавзуларида мулоҳазалари, кузатишлари ва ҳоказолардан bemalol фойдаланиш имкониятларига эга бўладлар.

Мавзу бошқа турдаги машғулотлар турли ўқув-кўргазма қуроллари ва техник воситалар билан жиҳозланиши керак.

Бошланғич синф ўқувчиларини замон талаби даражасида тайёрлашда талабаларнинг педагогик амалиёти, курс ва битирув ишлари ёзиш, маҳсус курс ва семинарлар ташкил қилиш, илмий тўгарак ва анжуманларга жалб қилиш кабиларнинг ҳам аҳамияти катта.

Дастур икки қисмдан иборат:

- I. Методиканинг умумий масалалари.
- II. Методиканинг хусусий масалалари.

Методиканинг умумий қисми хусусий қисмини ўқитища яна қайта қурилади ва конкретлаштирилади.

Бу тақсимот албатта мавзуга ажратилган вақти, уларни ўрганиш кетма-кетлиги белгиланиши нуқтаи-назаридан тахминийдир. Шарт-шароитга кўра мавзуу белгилангандан бироз ортиқ ёки камроқ вақт ажратиб, уни ҳисобига у ёки бу мавзуга камроқ ёки ортиқроқ белгиланиши ижрочи ихтиёрига ҳавола. Худди шундай мавзуни ўргатиш кетма-кетлиги ҳам ихтиёрий равишда ўзгартирилиши мумкин.

Ўзгартирилган мавзуларнинг ўзлаштирилиш даражасини аниқлаш учун ўқув йили давомида 2-3 та ёзма текшириш тизимларини ташкил этиш мумкин. Бунга соатларни амалий машғулотларга ажратилган қисмидан олиш мумкин.

Талабаларнинг тайёргарлигини оширишда юқоридаги мактубалардан ташқари курс ишлари ва битирув ишлари тарзида ёзилган мустақил ишларини маҳсус курс ва семинар ҳамда илмий тадқиқодга йўналтирилган тўгаракларни, талабаларни конкурс ишларини илмий конференсияларини ташкил этилиши ҳам самарали натижа беради. Бундан ташқари айrim мавзуулар талабаларга мустақил ўрганиш учун берилиб, унинг натижаси маъруза, реферат тарзида ёзма топширилиши кўзда тутилади.

Бу дастур республикадаги мавжуд бошланғич синфларнинг умумтаълим мактабларига мўлжалланган материаллар намунавий дастури асосида тузилган деб ҳисоблаймиз.

Дастур

(Низомий номидаги Тошкент Давлат Педагогика Университетининг Илмий-Методик кенгашида 1995 йил 15 октябрь № 2 қарори билан тасдиқланган).

I қисм. Бошланғич синфда математика ўқитиш методикасини умумий масалалари

1. Бошланғич синфда математика ўқитиш методикаси фанининг вазифалари

Бошланғич синфда математика ўқитиш методикасининг фан сифати олдига қўйган вазифалари. Ўқитишнинг методик системаси (тизими) ва унинг турлари (1-5 та). Методика фанининг бошқа фанлар билан ижтимоий, фалсафа, математика ҳамда логика ва бошқа аниқ фанлар билан боғлиқлиги. Педагогик фанининг бошқа бўлимлари ҳамда ёшлар психологиясига, бошланғич синф методикаси боғлиқлиги.

Методика фанларининг илмий-тадқиқод методлари (кузатиш, эксперимент ва бошқалар). Уларнинг илмий изланишларида қўлланилиши.

**2. Бошланғич математика курси-ўқув фани сифатида.
Унинг мазмуни ва узвийлиги ҳақида**

Бошланғич синфда математика ўқитишнинг тарбиявий, таълимий ва ривожлантирувчи мақсади. Бошланғич синфда математика курси тузилишининг ўзига хос хусусиятлари, унинг мазмуни. Номанфий бутун сонлар арифметикаси, миқдорлар ва уларнинг ўлчов бирликлари, алгебраик ва гиометрик материаллар, каср ҳақида маълумот, арифметик масалалар. Бу материалларни мактаб математика курсидаги ишғол этган ўрни.

Барча материалларни ўрганишдаги узвийлик. Математик тушунчалар ҳақида тасаввур ҳосил қилишда назарий маълумотларнинг ўрни. Кўникма ва малака ҳосил қилишда курснинг амалий йўналиши.

Кичик ёшдаги болаларнинг боғчадаги математик тайёргарлиги. Бошлангич синф математикаси ва математика ўқитишнинг келгуси босқичи орасидаги узвийлик.

Ўкувчиларни ҳар бир ўкув йили охирида билими, кўникма ҳамда малакаларига қўйилган дастур талаби асосида ҳар бир босқич учун мўлжалланган дастур таҳтили.

3. Бошлангич синфда математика ўқитиш методлари

Метод (услуб) тушунчаси. Унинг турлари ва таснифи. Ўкувчилиш фаолиятини ташкил қилиш услуги ва улар орасидаги боғлиқлик. Ўкувчиларнинг мустақил ишлари ўқитиш методи сифатида. Ўқитишни ташкил қилишда дидактик ўйин методидан фойдаланиш. Ўқитиш методини, ўқитиш мақсади, мазмуни ва бошқаларга боғлиқлиги. Уларни болаларнинг ёш хусусиятларига боғлиқлиги. Ўқитиш самарадорлигини оширишда қўлланиладиган методлар. Ўкувчилар фаолияти даражасини ўзgartириш самарасини аниқлаш методлари. Дастурлаштирилган таълим. Ўкувчиларнинг фаоллик даражасига кўра қўлланиладиган методлар. Муаммоли, қисман изланиш услублари ва ўкувчиларни унга жалб қилиш. Ўкувчилар ўзлаштириш даражасини аниқлашда қўлланиладиган методлар. Математика дарсида ёзма ишлар ва уларни ташкил қилиш, ўкувчи дафтарини олиб борилишини текшириш методлари.

4. Бошлангич синфда математика ўқитишни ташкил қилиш формалари

Бошлангич синфда математика дарсининг тузилиши ва дарс тизими. Ҳозирги замон талабига мос дарс ва унга қўйиладиган талаблар. Дарсда ўқитишнинг самарадорлигини ошириш услубининг қўлланилиши, дарсда (дидактик) ўйин элементларидан фойдаланиш.

Ўқитувчиларнинг дарсга таёргарлиги. Мавзу мазмунига хос ўқитиш методи, воситаларини танлаб ўқитишнинг ташкилий форма (якка, гурухларга бўлиб, оммавий)ларини ўқитишни тарбия, таълимий ҳамда ривожлантирувчи мақсадларга мослаштириб дарс ишланмасини тузиш. Муаммоли (проблемали) дарс ва уни ташкил қилиш усуллари.

Таълимнинг дарсдан ташқари ёрдамчи формалари: узлаштиромовчи ўқувчилар билан ишлаш, ўқувчиларнинг уй вазифалари, уни ташкил қилишда қўйилган талаблар, уни текшириш методлари, дарсдан ташқари машғулот турлари, уларнинг ўқувчиларини билим савиясини кенгайтириш, фанга бўлган қизиқишини орттиришдаги ўрни. Иқдидорли ўқувчилар билан ишлаш. Иқдидорли синфлар, лицей, гимназияларнинг бошлангич синфда математика дарсини ташкил қилиш.

5. Математикадан дарс жараёнини ёритиш учун қўлланиладиган ўкув воситалари ва уларнинг вазифалари

Ўқувчи ва ўқитувчи учун ўкув воситалар мажмуаси, уларнинг хусусиятлари ва фойдаланиш методи, унга қўйилган талаблар. Математикадан бошлангич синфлар учун дарсликлар, унинг мазмuni, тузилиши. Турли қўлланмалар ва улардан фойдаланиш. Турли воситалардан фойдаланиш ва қўлда ясалган кўргазмали куролларни таёrlаш. Микрокалькулятор. Уларнинг тузилиши ва фойдаланиш услубиёти.

6. Оз комплектли мактабларда математика ўқитиш хусусиятлари

Оз комплектли мактабларда математика ўқитишни ташкил қилиш хусусиятлари. Математика дарси. Унинг дарс жадвалидаги ўрни, бошқа дарслар билан бирлиги. Ўқувчиларнинг мустақил ишлари ва уни ташкил қилиш хусусиятлари. Ўкув жараёнини ёритиш хусусиятлари. Мустақил ишни ташкил қилиш учун дарс ишланмаси ва машқлар тўпламини тузиш.

II қисм. Бошлангич синфларда математика ўқитишнинг хусусий масалалари

7. Бошлангич синфларда номанфий бутун сонларни номерлашга ўргатиш

Ўқувчиларни мактабгача бўлган даврда математикага таёргарлик даражасини аниқлаш ва уларни тартибга солиш. Номерлашга ўргатишга таёргарлик. Соn ва саноқ тушунчасини шакллантириш босқичлари. Ўнг саноқ системасининг хусусиятлари ва номерлашга уни асос қилиб олиниши. Концентлар бўйича номерлашга ўргатиш методи. Дарсни ташкил қилиш, кўргазмалик

ҳамда дидактик материаллардан фойдаланиш. Номерлашга ўргатишида математик дидактиканинг роли.

8. Асосий миқдорлар ва уларнинг ўлчов бирликларини ўргатиш методикаси

Бошланғич синфларда ўрганиладиган асосий миқдорлар: узунлик, юза, масса, нарх, баҳо, масофа, вақт, тезлик. Ҳар бир миқдорларини ўлчаш, ўлчов бирликларининг турлари ва улар орасидаги боғлиқликлар, амаллар бажаришга ўргатиш методиткаси. Пропорционал боғланган миқдорларни ўргатиш масалалар (масалалар ечиш намунасида) М: нарх, баҳо, миқдор сони ва бошқалар. Буларни шакллантиришда қўлланиладиган воситалар, ўйин машғулотлар таёrlаш.

9. Номанфий сонлар устида арифметик амалларни ўргатиш методикаси

Арифметик амалларни ўргатиш методикасининг умумий масалалари. Кўшиш ва айириш ҳамда кўпайтириш ва бўлиш амали маъносини очиб бериш ва уни босқичлаб конпонентларда бажарилишини ўргатиш. Амал хоссалари, компонентлар ва улар орасидаги боғланиш билан таништириш. Арифметик амал бажарилиши тўғрилигини текшириш усуллари. Ҳисоблаш малакаларини ҳосил қилиш. Кўпайтириш ва кўшиш жадваллари, уларга мос бўлган ва айириш ҳолларини ўргатиш. Оғзаки ҳисоб йўлларини ўргатиш. Ёзма ҳисоблаш алгаритмини ўрганиш. Ҳисоблаш натижасини микрокалькулятор ёрдамида текшириш. Ҳисоблаш малакаларини текшириш учун ёзма ишлар тўпламини тузиш. Ҳисоблашда ўқувчилар йўл қўйиши мумкин бўлган хатоларни аниқлаш ва уни бартараф қилиш йўлларини излаш. Оғзаки ва ёзма ҳисоблашга доир дидактик (ўргатувчи) ўйинлар тўпламини тузиш, ўйин машғулотларини ташкил қилиш.

10. Алгебраик материалларни ўргатиш методикаси

Сон ва ифода тушунчаси. Ифода ва ғонли ифода. Ўзгарувчи қатнашган ифода. Ифода ва муносабат белгилари. Тенглик ва тенгсизлик. Сонлик тенглик ва тенгсизлик уни ечишга ўргатиш усуллари, методикаси. Тенглама ва уни ечишга ўргатиш усуллари, турли боғланишлар ва уларнинг берилиш методлари.

11. Геометрик материалларни ўргатиш методикаси

Фигура (учбурчак, кесма, нұқта) түшунчаси ҳақида тасаввурни шакллантириш ва уларнинг шаклини тизиш, айрим хоссалари билан таништириш методи. Содда геометрик ясаш ишлари билан таништириш, фазовий тасаввурларини ривожлантириш. Фигураларни фарқлай олиш, қисмларга бўлиш, қисмлардан фигураларда ҳосил қилишга кўпбурчаклар периметри ҳамда юзасини ҳисоблашда периметр ва юза ўлчов бирликлари ва улар орасидаги боғланишга доир масалалар ечиш.

13. Арифметик масалалар ечишга ўргатиш методи

Масала ва унинг элементи. Масалани математик түшунчаларини маъносини очиб беришдаги ўрни. Масала тузиш ва уни ечиш. Масала ечишга ўргатиш босқичлари унинг мантиқий асосий масалалар турлари ва улар устида ижодий ишлаш. Концентрал бўйича масалалар ечиш устида ишлаш. Масала ечишга ўргатишга умумий усуллари устида ишлаш. Турли мавзуда масалалар ечаётганда ўқувчилар йўл қўядиган хатоликлар ва улар устида ишлаш методи. Проблемали (муамммоли) масалалар турли ва ечишга эга бўлган шеърий топишмоқ тарзида масала устида ишлаш (тузиш ва ечиш). Масала устида ижодий ишлашга ўргатиш.

14. Математика ўқитиш методи тараққиёти тарихи ҳамда унинг келажақда такомиллашуви ва ривожланиш йўллари

Математика ўқитиш методикасининг пайдо бўлиши, тараққиёти даврлари ва уларнинг асосчилари. Ҳозирги замонда бу фан тараққиёти йўналишлари ва давр талаби. Бу фанга келгусида тараққиёт ва такомиллашув режалари. 2000 йилги бошланғич синflарда математика фани ўқитишнинг тахминий мазмуни.

Талабаларнинг курсни ўрганишда олган билим ва кўниkmalariiga қўйилган асосий талаблар

Талаблар:

- бошланғич синф математика курсининг тузилиши, хусусиятлари, мазмуни вазифаси ва мақсади.

- бошланғич синф ўқувчиларини асосий математик тайёргарлигини синфлар бўйича қўйилган асосий талабларини ва уларнинг билим, кўнирма ва малакаларига қўйиладиган баҳо мезони.

- асосий ўқув воситалари: дарслик, ўқув қўлланма ва бошқа воситаларни ҳамда уларни қўллаш методи.

- математика ўқитилишида қўлланиладиган барча услуб ва усулларини фарқланиши.

- ўқув билиш фаолиятини ташкил қилишда асосий ва ёрдамчи формаларини билишлари керак.

- дарс ишланмасида ўқув жараёнини (ўқув материали унга мос услуб, восита ва ўқитиш формасини) танлаб ривожлантириш.

- математик мазмунда тўгарак, олимпиада каби ва бошқа дарсдан ташқари машғулотларни олиб бориш.

- дастур асосида жорий режалаштиришни.

- дастур, дарслик методик қўлланма тавсияларни таҳлил қилиб, қисқача тақриз ёза олишни.

- дарсдан ташқари машғулотларни ўйин машғулотлари тарзида ўтказишни.

- ўзлари қизиқкан йўналиш, мавзу асосида илмий изланишнинг бажарилишини уddyalay олишлари зарур (курс ва битирув иши тарзида).

1-мавзу

Бошлангич математика ўқитиши методикаси предмети, вазифалари, мазмуни фан сифатида эканлиги

Режа:

1. Бошлангич математика ўқитиши методикасининг предмети.
2. Ўқитишининг мақсадлари, мазмуни, методлари, формалари иоситалари орасидаги узвийлик.
3. Бошлангич синфларда математика ўқитиши методикаси фан эканлиги.
4. Бошлангич синф математикасининг мазмуни, тузилиши.

1. Бошлангич математика ўқитиши методикасининг предмети

“Методика” - грекча сўз бўлиб, “метод” дегани “йўл”, “услуб” деган маъноларни англатади. Математика ўқитиши методикаси педагогика фанлари системасига кирувчи педагогика фанининг тармоғи бўлиб, жамият томонидан қўйилган ўқитиши мақсадларига мувофиқ математика ўқитиши қонуниятларини математика ривожининг маълум босқичида тадбиқ қилинадиган фандир.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда ўрта мактабда математика ўқитиши бутун системасида ўз кўлами ва аҳамияти жиҳатидан ниҳоятда катта бўлган ўзгаришларни амалга оширади ва оширмоқда. Айниқса, республикамизнинг мустақиллигидан, мактаблар тўғрисидаги қонун ва фармонларнинг чиқарилиши бунинг яққол исботидир. Масалан, 1997 йил 27 августдаги “Таълим тўғрисидаги қонун” нинг 12-моддаси I-IV синфларни ўқитишига бағишлиланган. 1997 йил 6 октябрдаги “Ўзбекистон Республикасида кадрлар таёrlаш миллий дастури”нинг 3.3.1 пункти узлусиз таълимни ривожлантиришда I-IV синфларда ўқитишини ташкил қилишнинг режалари кўрсатилган. Айниқса, Президент И. Каримовнинг мавзусида бошлангич синф таълим-тарбиянинг асоси бўлиши, ундаги ўқитувчиларнинг сифатини яхшилаш борасидаги кўргазмалари яққол мисол бўлади.

Мактаб олдига принципиал янги мақсадларнинг қўйилиши математика ўқитиши мазмунининг тубдан ўзгаришига олиб келмоқда. Математика бошлангич курси мазмунида ҳам, дарслик ва кўлланмалар уни ўқитиши методикаси ҳам каттагина ўзгаришлар килади.

Бошлангич синф ўқитувчиларига математикадан самарали таълим берилиши учун бўлажак ўқитувчи бошлангич синфлар учун

ишлиб чиқариладиган математика ўқитиш методикасини эгаллаб чукур ўзлаштириб олмоғи зарур.

Математика бошланғич таълим методикасининг предмети қуидагилардан иборат:

1. Математика ўқитишдан кўзда тутилган мақсадларни асослаш (нима учун методика ўқитилади?).

2. Математика ўқитиш мазмунини илмий ишилаб чиқариш (нимани ўрганиш?). I-IV синф математикасининг мазмунига нималар киритилади, уларнинг саводхонлигини таъминлаш учун қандай мавзуни ўқитиш керак?

3. Ўқитиш методларини илмий ишилаб чиқиш (қандай ўқитиш керак?).

4. Ўқитиш воситаларини, дарслеклар, дидактик материаллар, кўрсатма-кўлланмалар ва техник воситаларни ишилаб чиқариш (нима ёрдамида ўқитиш?).

Таълимни ташкил қилишда илмий ишилаб чиқариш (Дарсни ва таълимнинг дарсдан ташқи формаларининг қандай ўтказилиши? Ўкув ишларининг қандай ташкилий методларда ўтказиш керак? Ўкув жараёни фақат билимлар жараёнигина бўлмай, балки ўқувчилар шахснинг таркиб топиши ва ривожланиш жараёни ҳам бўлиши учун ўкув ишларини қандай ташкилий методларида амалга ошириш керак, ўкув жараёнидаги таълимий ва тарбиявий масалаларнинг изчиллигини қандай қилиб самаралироқ ҳал қилиш керак).

2. Ўқитишнинг мақсадлари, мазмуни методлари, формалари, воситалари орасидаги узвийлик

Ўқитишнинг мақсадлари мазмуни, методлари, воситалари ва формалари методик системасининг асосий компонентларидир. Уни қуидаги системада тасвирлаш мумкин.



3. Бошлангич синфларда математика ўқитиши методикаси фан эканлиги

Хозирги вақтда илмий-техника прогресси асрида математика мұхым роль үйнайды. Шунинг учун кейинги 10 йилліктерде мактаб математикасини бир неча марта реформа қилишга тұғри келди. Шу сабабли 1969 йилдан бошлаб ва 1990 йилларда бошлангич синф математикасини ўқитиши ва унинг дастурига үзгаришлар кирилдиди. Яңги дастур бүйіча математикадан янги методик системаны ишлаб чиқди. Математика ўқитиши методикасы әнг аввало кичик ёшдаги ўқувчиларни умумий системада ўқитиши ва тарбиялаш вазифасини құяды.

Умумий методика бошлангич синф математикасининг мазмунини ва түзилишини очиб беради. Шунинг ҳар бир бўлимни ўқитишининг үзига хос ҳусусий методларини ўргатади.

Бошлангич математика ўқитиши методикаси бир неча фанлар билан чамбарчас боғлиқдир:

1. Ўқитиши асоси бўлган математика билан.
2. Педагогика.
3. Психология.
4. Бошқа ўқитиши методикалари билан (рус тили, мәжнат...).

Бошлангич математика ўқитиши курси ўқув предмети сифатидадир.

Бошлангич математика ўқитиши методикасининг ўқитиши вазифалари:

1. Таълим-тарбиявий ва амалий вазифаларни амалга оширади.
2. Назарий билимлар системасини ўрганиш жараёнини ёритиб бериш керак.
3. Ўқувчиларнинг сиёсий дунёқарашини шакллантириш йўлларини ўрганиш керак.
4. Инсонни тарбиялаш вазифасини ёритиб беради.
5. Математика ўқитиши жараёнида инсонни, мәжнатни севишга, үзининг қадр қиммати, бир-бирига хурмати каби фазилатларини тарбиялашни кўрсатиб беради.
6. Ўқитиши методикаси I-IV синфлар математикасининг давоми бўлган I-VI синф математикаси мазмунини билан боғлаб ўқитишини кўрсатади.

4. Бошлангич синф математикасининг мазмунуи тузилиши

Арифметик материал курснинг асосий мазмунини ташкил этади. Бошлангич курснинг асосий ўзаги натурал сонлар ва асосий миқдорлар арифметикасидан иборат. Бундан ташқари, бу курсга геометрия ва алгебранинг асосий тушунчалари бирлашади.

Бошлангич синф математика курси математика курсининг органик қисми бўлиб ҳисобланади. V-XI синфларда ўқитиладиган математиканинг энг асосий ва ўқувчилар ёшига мос бўлган элементлар тушунчалари берилади. Юқори синфларда шу тушунчалар кенгайтирилган, чукурлаштирилган ва бойитилган ҳолда ўқитилади. Демак, бошлангич синф математикасининг мазмуни юқори синф математикасининг мазмунини ҳам белгилаб беради. Бошлангич математикасининг тузилиши ўзига хос хусусиятларига эга:

1. Арифметик материаллар курснинг асосий мазмунини ташкил қиласди. У натурал сонлар арифметикаси, асосий миқдорлар. Алгебра ва геометрия элементларининг пропедивтик курслари асосий бўлим шаклида ўқитилмасдан арифметик материаллар билан қўшиб ўқитилади.

2. Бошлангич синф материали концентрик тузилган. Масалан, олдин I-ўнликни номерлаш ўқитилса, кейин 100 ичидаги номерлаш ва арифметик амаллар бажариш ўқитилади. Ундан кейин 1000 ичидаги арифметик амаллар бажариш, кейин кўп хонали сонлар ичидаги.

Буларни ўқитиш билан бизга номерлаш, миқдорлар, касрлар алгебраик ва геометрик материаллар қўшиб ўқитилади.

3. Назария ва амалиёт масалалари ўзаро органик боғланган характерга эга.

4. Математик тушунча, хосса, қонуний боғланишларни очиш курсда ўзаро боғланган.

5. Хар бир тушунча ривожлантирилган ҳолда тушунириллади. Масалан, арифметик амалларни ўқитишдан олдин унинг аниқ моҳияти очилади, кейин амалнинг хоссалари, кейин компонентлар орасидаги боғланиш, кейин амал натижаси, охирида амаллар орасидаги боғланиш берилади.

6. Асосий тушунчалар ва натижавий тушунчалар ўзаро боғланишда берилган. Масалан, қўшиш асосида кўпайтириш келтириб чиқарилган.



2 - мавзу

Бошлангич синфларда математика курси ўкув предметидир

Режа:

1. Бошлангич синфларда математика ўқитиши мақсадлари.
2. I-IV синфларда математика ўқитишининг вазифалари.
3. Ўқувчиларни математика курсини ўрганишга тайёрлаш.

1. Бошлангич синфларда математика ўқитишининг мақсадлари

Бошлангич синфларда математика ўқитишининг мақсадлари қуидагилар: унумтаълим мақсади, тарбиявий мақсади, амалий мақсади. Бу мақсадлар бир-бири билан узвий боғлиқ бўлиб, бир-бирини тўлдиради.

1. Унумтаълим мақсади ўқитувчидан қуидагиларни талаб қиласди:

а) Ўқувчиларга математик билимлар системасидан, билим, малака кўникма бериш;


б) ҳақиқий риал оламни математик методлар билан ўрганиш;

в) ўқувчиларни оғзаки ва ёзма нутқларини ўстиришни, унинг сифатли бўлишини таъминлаш;

г) ўқувчиларга математикадан шундай билимлар беришни таъминлаши керакки, бу билимлар орқали, актив билиш фаолияти орқали, билим, малака, кўникмалари ортиб борсин.

2. Тарбиявий мақсад. Математика ўқитиши ўқувчиларни саботлиликка, тиришқоқликка, пухталика, ўз фикри ва хулосаларини назорат қила олишга айниқса, кузатиш, тажриба ва фахмлаш асосида айтиладиган фикрларнинг равон бўлишига эришиш керак. Микдорлар орасидаги боғланишни ифодалаш учун математикада символлар ишлатилади. Мана шу математик символик тил ривожланиши керак. Ўқитувчининг вазифаси символик тilda ифодаланган математик фикрни она тилига кўчиришга ўргатишдан иборат бўлмоғи керак.

Билишга интилиш мустақил ишдан қаноат ҳосил қилиш туйгуларини тарбиялаш керак. Математика фанини ўқитишининг ўзи ўқувчиларда диққат ва фикрни бир нарсага тўплай-билишини тарбиялайди.



Ўқитувчи қуидагиларни таъминлаши керак:

- а) ўқувчи дунё оламидаги боғланишларни, миқдорларнинг ўзгаришини, бир-бири билан алоқасини фахмлаб ета билиш;
- б) ўқувчиларни математикани ўрганишга астойдил қизиқишини таъминлаш;
- в) меҳнатга, ватанга, инсонларга бўлган муносабатини тарбиялаш, эстетик дид ҳосил қилиш;
- г) ўзбек миллатининг тарихи, жумладан математика ўқитилиши тарихига эга бўлган дунёқарашни тарбиялаш;
- д) ўқувчиларнинг математик фикрлаш қобилиятини ва математик маданиятини тарбиялаш;

3. Амалий мақсад. Математикани ўқитишдан кузатилган амалий мақсад - ўқувчилар олган билимларни, амалда қўллай олишга ўргатишдан иборат. Олинган билимларни сонлар ва математик ифодалар, нуқталар устида бажариладиган амалларга тадбиқ қила билиш, ҳар хил масалаларни ечишда фойдалана билишга ўргатиш. Бу билимларни кундалик ҳаётда учрайдиган масалаларни ҳал қилишга қўллай билишга ўргатишdir.

2. I-IV синфларда математика ўқитишнинг вазифалари, ўқувчиларни курсни ўрганишга тайёрлаш

Бошланғич математика курсининг вазифаси мактаб олдига кўйилган “Ўқувчиларга фан асосларидан пухта билим бериш, турмушга касбларни онгли танлашга ўргатиш” каби вазифаларни ҳал қилишда ёрдам беришдан иборат.

Шундай қилиб, бошқа ҳар қандай ўқув предмети каби, математика бошланғич курси ҳам таълимий, тарбиявий ва амалий вазифаларни ҳал қилиши керак.

Математика ўқитишнинг асосий вазифаларидан бири ўқувчиларда ҳисоблаш, ўлчаш ва график кўникмаларнинг маълум аниқ системасини ҳосил қилишдан иборат, бошқача айтганда, бу система энг содда амалларни бажарышдан иборат бўлиб, кўп марта такрорлаш ҳисобига автоматизмгача етказилади. Бу вазифани етарлича баҳолай олмаслик амалда болалар билимлари сифатининг пасайишига олиб келади. Шунга қарамай, ҳозирги вақтда бошланғич математика курсини ўрганишни фақатгина кўникмалар ҳосил қилиш ва бир хилдаги фактларни ўзлаштириш билан алмаштириш ҳам мумкин эмас.

Ўқувчилар имкони борича мустақил равишда қонуният ва муносабатларни очишни, кучлари етган даражада

умумлаштиришлар қилишни ўрганишлари, шунингдек оғзаки ва ёзма холосалар қилишни ўрганишлари керак. Бошлангич мактаб математика дастури худди шунга йўналтирилади, унда ўқитишда назарийлик савиясини ошириш очик-ойдин ифодаланган, назарияни амалиёт билан узвий боғлиқлик роли сезилади.

Математика ўқитиш болаларни маълум билим ва малакаларинигина ўзлаштириб олишларини ўз вазифаси деб билмай, балки уларда идрок, хотира, тафаккур, тасаввур каби билиш қобилятларининг умумий ривожланишини ҳам назарда тутади. Бу йўналишдаги мақсадга мувофиқ иш уларга ақлий фаолиятининг муҳим усусларини ўрганиш (таҳлил, синтез, таққослаш, умумлаштириш, абстрактлаштириш, конкретлаштириш каби ақлий операцияларни бажариш)га имкон беради.

Болаларда мантиқий тафаккурни ривожлантириш масаласи билан узликсиз боғлиқ равишда оғзаки ва ёзма математик нутқни - бу нутқнинг ўзига хос ихчамлик, соддалик тушунарлилик, тўлиқлик каби барча сифатлари билан ривожлантиришни назарда тутади.

Мактабда математика ўқитиш бошқа ҳар қандай ўкув предметини ўқитиш каби таълим, тарбия ва амалий вазифаларини ҳал қилиш керак.

Математикани ўрганиш жараёнида энг аввало, ўқувчилар назарий билимлар системасини, шунингдек дастур белгилаб берган бир қатор ўкув ва малакаларини эгаллашлари керак. Ўқитиш ўқувчилар билимларини онгли эгаллашларини ва етарлича юқори даража умумлаштиришларини таъминлаши зарур. Бунга ўқитиш ривожлантирувчи бўлганида, яъни ўқитувчиларнинг ақлий ривожланишларини, уларнинг билиш қобилятларини ва қизиқишлиари юқори савияда таъминланган ҳолдагина эришиш мумкин.

Математика ўқитишда ўқувчиларда онгли дунёқараш асослари шакллантирилишига эришиш керак. Мактабда сон, арифметик амаллар, саноқ системаси, геометрик фигура ва бошқа математик тушунчалар дастлаб тилга олинган, бошлангич синфларда мактаб ўкувчиси куйидагича ишонч ҳосил қилиш керак; "...ҳоҳ сон тушунчаси бўлсин, ҳоҳ фигура тушунчаси бўлсин, мияда соф тафаккурдан пайдо бўлган эмас, балки улар факат ташки оламдан олингандир".

Соф математиканинг обьекти воқеий дунёning фазо формалари ва миқдорий муносабатларидир, демак - тамомила реал материалдир, шунинг учун математика ўқитишнинг турмуш билан боғланишини тўғри амалга ошириш жуда муҳимдир. Бир томондан мактаб ўкувчилари уларни ўраб турган атроф муҳитдаги

ходисаларда математик фактларни (абстакцияларни) -англаб олишга ўргатиш, иккинчи томондан эса математикани конкрет амалий масалаларни ечишга тадбиқ қилишни ўргатиш ва уларни ҳар бир кишига қундалик ҳаётда зарур бўладиган амалий (масалан, ҳисоблаш ёки ўлчаш, унча қийин бўлмаган ҳисоб-китоб ва ҳ.к) билан куроллантириш зарур.

Математика ўқитиш ўз Ватанини севадиган, жамиятимизнинг улуғвор мақсадларини тушуниб етадиган, ўз билимларини ҳаётга тадбиқ этиш учун сарф қилишга тайёр турган жамият кишисини тарбиялаш вазифасини амалга оширишга имкон яратиш керак.

Математика ўқитиш шахснинг меҳнатсеварлилик, ватанпарварлилик, каби ҳислатларини шакллантиришга доир вазифани ҳал қилиш, ўкувчилар иродаси, дикқат-эътибори, тасаввурини ҳар томонлама ривожлантиришига кўмаклашиш, математикага қизиқишини ўстиришни рафбатлантириши лозим. Болаларда ўқий билиш малакасини, материал устида ишлаш усуулларини шакллантириш ва мустақил ишлашга ўргатиши керак.

Бошлигич синфларда математика ўқитиш ўкувчиларининг билим ва ўкувларининг мустаҳкам асосини яратиш билан бирга уларнинг келгусида V-XI синфларда математикани ўрганишларига имкон яратади.

I-IV синфларнинг математик дастури “түшунтириш хати” да кўрсатилишича: “математика болаларда тафаккур, хотира, дикқат, ижодий тасаввур, кузатувчанликни ривожлантиришга ёрдам беради. Математика ўкувчиларнинг мантиқий тафаккурларини ривожлантириш, уларга ўз Фикрларини қисқа, аник, тушунарли ва тўғри баён қилишни ўргатиш учун мавжуд асосларни яратади. Ўқитувчиларнинг вазифаси математикани ўқитишида бу имкониятларидан тўлиқроқ фойдаланишдир”.

I-IV синфларда математика ўқитиши мазмунининг танлаши, бу материалнинг маълум системада жойлашиши, математика ўқитиши методларининг танланиши, математика ўқитишининг асосий вазифаларини ҳал қилишга бўйсимиши керак.

3. Ўкувчиларни математика курсини ўрганишга тайёрлаш

I-IV синфларда математика ўқитишининг асосий вазифаси бўлган таълим-тарбиявий вазифаларни ҳал қилишда улардаги математика курсини қандай даражада тайёргарлиги борлигига, болалар боғчаларининг тайёрлов гурухлари дастури орқали ҳамда уйларда мустақил математикани ўрганиб қандай билимларга эгалигига боғлиқ.

Шунинг учун 1-синфга келганларнинг билимларини аниқлаш, синф ўқувчиларининг билимларини тенглаштириш, яъни паст билимга эга бўлган ўқувчиларнинг билимларини яхши биладиган ўқувчиларга етказиб олиш вазифасини туради. Ўқувчи қуйидаги система билан ўқувчилар билимини маҳсус дафтарга ҳисобга олиб боради:

1. Нечагача санаши билади?
2. Нечагача сонларни қўшишни билади?
3. Нечагача сонларни айиришни билади?
4. $>$, $<$, $=$ белгиларни ишлата оладими?
5. Номаълумлар билан берилган қўшиш ва айиришда бу номаълумларни топа оладими?
6. Қайси фигуralарнинг номларини билади ва чиза олади?
7. Нечагача сонларни ёза олади?
8. Ўнга, чапга, кам, кўп, оғир, енгил, тенг кабиларни фарқлай оладими?
9. Пул, нарх, соат, минут, узунлик, оғирлик ўлчов бирликлари билан муомала қила оладими?

Болаларни тайёрлашда асосий иш методи таҳлил, синтез, таққослаш, умумлаштириш, табақалаш каби ақлий операцияларни бажариш малакаларини шакллантиришга қаратилган бўлиши керак. Бундай ишлар ўқувчиларнинг оғзаки ва ёзма нутқларини ривожлантиришга катта ёрдам беради, математик билимларни ўзлаштиришга қизиқиши кучая боради.

3 - мавзу

Математика ўқитиш методикасида қўлланиладиган тадқиқот методлари

Режа:

1. Илмий тадқиқот методлари ҳақида маълумот.
2. Кузатиш методи.
3. Эксперимент (тажриба).
4. Мактаб хужжатларини ўрганиш.
5. Суҳбат методи.
6. Анкеталаштириш методи.

1. Илмий-тадқиқот методлари ҳақида маълумот

Педагогик тарбиялашга оид иш тажрибаларни ўрганмай ва умумлаштиrmай, педагогик процессни чуқур тадқиқ қилмай туриб

педагогикани ривожлантириб бўлмайди. Ҳозирги таълим -тарбия педагогикани илмий билишнинг умумий методи билан куроллантиради, аммо бошқа ҳар қандай фан каби педагогика фанининг ҳам хусусий специфик тадқиқот методлари мавжуд.

Илмий тадқиқот методлари - бу қонуний боғланишларни, муносабатларни, алоқаларни ўрнатиш ва илмий назарияларни тузиш мақсадида илмий информацияларни олиш усуслариридир. Кузатиш, эксперимент, мактаб ҳужжатларини ўрганиш, ўқувчиларнинг ишларини ўрганиш, сұхбат ва анкеталар ўтказиш, илмий педагогик тадқиқот методлари жумласига киради. Сўнгги вақтларда математик ва кибернетик методлардан, шунингдек методлаштириш методларидан фойдаланиш қайд қилинмоқда.

Бошланғич математика ўқитиш методикасида бутун педагогик тадқиқотларда қўлланиладиган методларнинг ўзидан фойдаланилади.

2. Кузатиш методи

Кузатиш методи – одатдаги шароитда кузатиш натижаларини тегишлича қайд қилиш билан педагогик процессли бевосита мақсадга йўналтирилган ҳолда идрок қилишдан иборат. Кузатиш методидан ўқув тарбия ишининг ўёки бу соҳасидаги ишнинг қандай бораётганини ўрганиш учун фойдаланилади, бу метод ўқитувчи ва ўқувчиларнинг фаолиятлари ҳақида мажбур қилинмаган табиий шароитда фактик материал тўплаш имконини беради.

Кузатиш жараёнида тадқиқотчи ўқув процессининг одатдаги боришига аралашмайди. Кузатиш аниқ мақсадни кўзланган режа асосида узоқ ўёки яқин вақт оралиғида давом этади. Кузатишнинг бориши, фактлар, содир бўлаётган воқеалар, жиҳозлар кузатиш кундалигига бадиққат қайд қилиниб борилади.

Кузатиш туташ ўёки танлама бўлиши мумкин. Туташ кузатишида кенгроқ олинган ҳодиса (масалан, математика дарсларида кичик ёшдаги ўқувчиларнинг билиш фаолиятлари), танлама кузатишида кичик-кичик ҳажмдаги ҳодисалар (масалан, математика дарсларида ўқувчиларнинг мустақил ишлари) кузатилади. Қарор ёзиш ўёки кундалик юритиш кузатишларни қайд қилишнинг энг содда методидир. Аммо кузатишларни қайд қилишнинг энг ишончли методи техник воситалар, магнитафон, фото ва киносъёмкадан, телөэкрандан фойдаланишdir.

Фойдаланиладиган кузатиш методларидан бири илгор педагогик тажрибани ўрганиш ва умумлаштиришдан иборат. Бу

методидан муваффақиятли фойдаланишнинг мажбурий асосий шарти шундан иборатки, ўқитувчилар тажрибасининг тавсифи кўнигиган тадқиқот вазифасига жавоб берадиган бўлиши керак (бизнинг мамлакатимизда илгор педагогик тажрибани ўрганишга дебир катта иш олиб борилмоқда. Бу тажрибанинг умумлаштирилиши илмий амалий конференцияларнинг ва педагогика ўқишларининг материаллари тўпламларида, монографияларда ва журнал мақолларида ўз аксини топмоқда).

3. Эксперимент

Эксперимент - бу ҳам кузатиш бўлиб, маҳсус ташкил ишнинган, тадқиқотчи томонидан назорат қилиб туриладиган ва систематик равишда ўзгартириб туриладиган шароитда ўтказилади. Педагогик эксперимент ўқитишнинг ва тарбиялашнинг ўёки бу метод ёки усулининг, кўрсатма-қўлланмаларининг эфективлигини тадқиқ қилишда қўлланилади.

Эксперимент ўтказишдан олдин тадқиқотчи тадқиқ қилиши көрак бўлган масалаларни аниқ ифодалаб олиши, бундай масалаларни ҳал қилишни мактаб амалиётида ва педагогика фани учун аҳамиятга эга бўлиши керак. Эксперимент ўтказишдан олдин тадқиқотчи ўрганиш предмети бўлмиш масаланинг назарияси ва тарихи билан танишиб чиқади, шунингдек шу соҳа бўйича амалий иш тажрибаси билан танишиб чиқади. Тадқиқотда гипотезанинг ўрни катта роль ўйнайди. Бутун экспериментни ташкил қилиш гипотезани текширишга йўналтирилади. У материал тўплаш йўлларини белгилаш имконини беради, тадқиқотчининг фактик материалда чалкашиб кетишига йўл қўймайди.

Эксперимент натижаларини тахмин қилиш, таққослаш методи билан ўтказилади. Бунинг учун икки ёки бир неча группа тузилади, бу группаларга кирган ўқувчилар таркиби бўйича тийёргарлик даражалари ва бошқа кўрсаткичлар бўйича имкони борича бир ҳилда бўлиши керак. Бир хил (экспериментал) синфларда тадқиқотчи томонидан маҳсус ишлаб чиқилган экспериментал материал бўйича иш бажарилади. Таққослаш учун назорат синфлари танланади, бу синфлар ўқувчилар таркиби, уларнинг билим даражалари бўйича тахминан экспериментал синфларга тенг кучли бўлиши керак, бу синфларда математика экспериментал синфларда қўлланиладиган методлар, воситалар ва бошқалар қўлланилмайди.

Эксперимент натижалари ҳақида объектив маълумотлар олишининг бошқа усувларидан ҳам фойдаланилади:

1) экспериментал синфларда бошлангич шартлар назорат синфдагига қараганда бир мунча қулайроқдир; агар экспериментал синфларда бундай шароитларда яхши натижалар олинган бўлса, масалани экспериментал ҳал қилиш ўзини оқлаган ҳисобланади;

2) ўкувчиларнинг таркиби тахминан бир хил бўлган иккита синф олинади; тадқик қилинаётган масаланинг янги ечими шу синфларнинг биттасида қўлланилади, сўнгра бошқа мавзу материалларида иккинчи бир синф қўлланилади; агар бундай қўлланишдаги янги метод, усул яхши натижа берса, бу усул, метод ўзини оқлаган бўлади.

Экспериментни бошлашдан олдин, унинг оралиқ босқичларида ва охирида ҳамма синф ўкувчиларининг билимлари текширилади. Олинган маълумотларни таҳлил қилиш асосида тадқик қилинаётган методнинг, усулнинг ва ҳ.к. эфективлиги ҳақида хulosалар чиқарилади. Экспериментал ва назорат синфлардан олинган сифат ва микдорий натижаларни таҳлил қилиш асосида экспериментал хulosha чиқарилади. Микдорий катталикларни аниқлашнинг турли хил усуллари (ўзлаштирилиши бўйича, тўғри ва нотўғри жавобларни таққослаш ва ҳ.к.) мавжуд. Кейинги вақтларда шу мақсадда вариацион статистика методларидан, ҳар хил ҳисоблаш техникиси ва кибернетик воситалардан фойдаланилмоқда. Баъзи муҳим қоидаларни тажрибавий текшириш оммавий эксперемент йўли билан амалга оширилади.

Бошлангич синф ўкувчиларига мўлжалланган янги ўкув дастурлари ва дарсликларини текшириш бундай экспериментга мисол бўла олади. Бундай текширишларни бир неча йиллар давомида кўпгина вилоят, ўлка ва республикаларда Л.В. Занков, Д.Б.Эльконин ва В.В.Давидов раҳбарлигидаги лабораториялар вазирликнинг бошлангич таълим сектори, ҳамдўстлик мамлакатларининг педагогика илмий текшириш институтлари мактабларда иш олиб борди. Жумладан, бир неча йиллар давомида Ўзбекистонда ҳам бундай экспериментал текшириш олиб борилди. Дастлаб (1967 йил) бошлангич таълимнинг янги мазмуни ва уни амалиётга киритиш тадбири Тошкент ва Чирчик шаҳарларининг ҳамда Тошкент обласи мактабларининг 63 та биринчи синфларида текшириб кўрилди. Бу ишга Қори-Ниёзий номидаги Ўзбекистон педагогика фанлари илмий тадқиқот институти ходимлари раҳбарлик қилишди. 1968 йилда тажрибавий текшириш кенгайтирилди ва Ўзбекистоннинг ҳамма вилоятларида ўтказилди: дарслар рус тилида олиб бориладиган 138 та биринчи синф ва

шаралар ўзбек тилида олиб бориладиган 238 та биринчи синфда дироллар янги дастур бўйича олиб борилди. 1969 йилда кўшимча шин 439 ўзбек тилида ўқитиладиган биринчи синфлар янги дастурга ўтказилди. Шундай қилиб, 1969-1970 ўкув йилида республикамизда бошланғич синфларнинг 900 ўқитувчиси янги дастур бўйича ишлади. Мазкур оммавий эксперемент натижасида бошланғич синфлар (1969-1970 й) ўкув йилида янги дастур бўйича ишланишга ўтди.

4. Мактаб хужжатларини ўрганиш

Педагогик тадқиқотларнинг кенг тарқалган методларидан бири ўкувчилар ишлари ва хужжатларини ўрганишдан иборат. Ўкувчиларнинг ишлари уларни дастурнинг айрим бўлимлари бўйича таёргарлик даражасини аниқлаш, ўқитишнинг маълум лиши давомида ўсиши ва ривожланишларини кузатиш имконини беради. Масалан, маҳсус ёзма ва график ишлар шу мақсадда ўтказиладики, буларни текшириш натижасида болаларнинг математикадан олган билимлари ва малакалари аниқ кўриниши берак; маълум вақт оралиғида бундай маҳсус ишларни бажартириб туриш, ўкувчилар олға силжиётганини ва қандай даражада силжиётганини кўрсатади. Ўкувчиларнинг ёзма ишларида йўл кўйган хатоларни таҳлил қилиш муҳим аҳамиятга эга. Бундай таҳлил бутун синф ўкувчиларининг дуч келадиган мураккаб қийинчиликларини, шунингдек, ўкувчиларнинг математикани ўзлаштиришларидаги индувидуал хусуситларини аниқлаш имконини беради.

Ўкув хужжатлари (ўкув режаси, дастури, методик ишлар хужжатлари, ҳисоботлар ва ҳ.к) ўкув тарбиявий ишларни ривожланиш процесси ва ҳолатини акс эттиради.

Ўкувчиларнинг дафтарларини ўрганиш, илмий тадқиқот иши учун аҳамиятга эга. Узоқ вақт давомида ўкувчилар жамоасини қараб чиқиш ва таҳлил қилиш ўқитувчи иши системасини ўкувчилар ишининг ойнаси, ўқитувчи иши системасининг кўзгуси, деб бежиз айтилмаган.

5. Сұхбат методи

Педагогик тадқиқотларда сұхбат методидан ҳам фойдаланилади. Бу методдан фойдаланиш кузатишдан олинган маълумотларни тўлдирувчи ва аниқловчи материаллар олиш, экспериментал топширишлар бажариш имконини беради. Бу метод

муваффакиятининг асоси болалар билан алоқа ўрнатилиши, улар билан бемалол эркин мулоқатда бўлиш имкониятидан иборат. Акс ҳолда ҳар доим ўқувчиларнинг формал жавоблари хавфли, ишончсиз ва юзаки натижа олиш хавфи мавжуд.

Суҳбат учун унинг мақсадини белгилаш, дастур ишланмаси, йўналиши ва методикани асослаш жуда муҳимдир. Суҳбат методи бевосита берилган саволларга жавобларнинг ишончлилигини текшириш имконини берувчи бевосита ва билвосита саволларни киритиши назарда тутади. Ўқувчиларнинг жавоблари албатта маҳсус қарорга ёки магнитафон лентасига қайд қилинади. Бу ўринда жавобларни қайд қилишни болаларга билдирамасдан бажариш керак.

Суҳбат методи ўқитувчиларга, оға - онага қаратилган бўлиши ҳам мумкин, бу ҳолда айтиб ўтилган эҳтиёткорликнинг ҳожати йўқ, шу сабабли бунда тадқиқотчининг суҳбатдошига нисбатан муносабати очик - ойдин бўлиши мумкин.

6. Анкеталаштириш методи

Бирор масалага нисбатан фикрларни аниқлаш, баъзи фактларни тўплаш талаб қилинган ҳолларда анкеталаштириш методидан фойдаланилади. Агар жавоблар оғзаки олинадиган бўлса, у ҳолда жавоблар қарорга тўла ёзилади. Кўпчилик бир саволнинг ўзига жавоб берганда, бунинг устига ҳар ким мустақил жавоб берса, ёзма анкеталаш қимматли бўлади.

Анкетадан фойдаланилганда қуйидаги икки талабга амал қилиши зарур:

- 1) Анкетада саволлар кам бўлиши керак;
- 2) саволлар шундай бўлиши керакки, уларни ҳамма бир хил тушунсин, улар аник (мужмал бўлмаган) жавобларни талаб қилсин.

Илмий - педагогик тадқиқотларда назарий методлар етакчи роль ўйнайди. Ҳар бир тадқиқотда олдин ўрганиш объектини танлаш, назарий таҳлил асосида обьект қайси фактларда боғлиқлигини аниқлаш ва текшириш учун улардан етакчиларини танлаш керак. Тадқиқотнинг мақсад ва вазифаларини яқол аниқлаш гипотезасини тузиш шунга мос равишда тадқиқот ўтказиш методикаси ишлаб чиқиш, тадқиқотнинг боришида олинган фактларни тушунириш ва таҳлил қилиш усусларини танлаш ва холосаларни ифодалаш лозим. Бу ишларнинг ҳаммасини бажариш учун тадқиқ қилинаётган масаланинг илгари ва ҳозирги вақтдаги назарияси ва практикасини ёритувчи адабий манбаларни ўрганиш ва таҳлил қилиш керак. Назарий

методлар бошқа методлар билан бир қаторда математика методикасига оид ҳар бир тадқиқотга қўлланилади. Ҳар қандай шимий проблемани ҳал қилишда энг олдин қилинаётган масалага оид ҳамма адабиётни ўрганиш ва назарий тадқиқот ўтказиш керак. Ўбисиз у мақсаддага йўналтирилган бўлмайди, синаш баъзан хатолар пўли билан олиб борилади, шу билан бирга ҳар доим ҳам қўйилган масаланинг тўла жалб қилинишига олиб келинавермайди. Шу билан бирга адабиётни ўрганмай туриб ва назарий таҳлил қилмай туриб, фанда изчиллик таъминланмайди.

Математика методикасига доир тадқиқотларда бошқа методлардан ҳам фойдаланилади. Одатда, бу методларнинг ҳаммасидан биргаликда фойдаланиш, бу хил натижаларнинг ишончли бўлишини таъминлайди.

4-мавзу

Бошланғич синфларда асосий математик тушунчаларни шакллантириш йўллари

Режа:

1. Асосий математик тушунчалар ҳақида.
2. Ўқувчиларнинг ўкув математик фаолиятига раҳбарлик.
3. Ўқитувчи ва ўқувчиларнинг фаолияти орасидаги мослик.

1. Асосий математик тушунчалар ҳақида

Бошланғич математика ўқитишинг асосий вазифаларидан бири ўқувчиларда асосий математик тушунчаларни шакллантиришdir.

Тушунча - бу предмет тўпламларининг муҳим, умумий белгилари тўғрисидаги фикрdir. Тушунча ўқувчиларда предмет на ҳақиқий олам ҳодисаларининг ҳиссий образлари бўлган таассавурларни умумлаштириш асосида вужудга келади. Масалан: тўқри тўртбурчак формасига эга бўлган ҳар хил предметларни - таҳтача, қофоз вараги, стол усти, гишт ёки гугурт кутисининг ва шунга ўхшашлар, бадан, мускул сезгилари орқали идрок қилиш билан, ўқувчилар тўғри тўртбурчак тўғрисида аниқ тасаввурга эга буладилар.

Бу предметнинг қандай материалдан тайёрланганлигини, уларнинг оғирлигини, ранги ва бошқа хоссаларини эътиборга олмай бу тасаввурларни таққослаб ўқувчи унинг умумий, муҳим

хоссаларини умумлаштиради. Бу текис фигураларда 4 томон, 4 та түгри бурчак борлигини аниқлады.

Бу мисолдан кўринадики, геометрик тушунчаларнинг шаклланиш усулларидан бири қаралаётган предметлар тўпламига қарашли мос бўлмаган ҳар хил белгиларни чиқариб ташлаб, умумий, муҳим, белгиларни сақлаб қолишидан иборатдир. Бунда ўқувчилар ўқитувчи раҳбарлигида айрим хусусий кўринишлардан бошлаб текис геометрик фигуралар тўпламини қарашлари мумкин.

Квадрат- түгри тўртбурчак - параллелограмм - қавариқ тўртбурчак - ихтиёрий тўртбурчак ёки тескариси.

Ҳамма тўртбурчаклар тўпламидан қисм тўплами бўлган қавариқ тўртбурчакларни ажратиш, бундан эса уни қисми бўлган параллелограмм, ундан түгри тўртбурчак ва охирида квадратни ажратиш мумкин.

Бу тушунчалар орасида боғланиш, тушунчалар таърифида унинг яқин тури ва кўриниши, фарқларини кўрсатиш билан ифодалаш мумкин. Масалан: квадратни ҳамма томонлари кенг бўлган түгри тўртбурчак сифатида таърифлаш мумкин. Тўгри тўртбурчак - ҳамма бурчаклари тенг параллелограмм сифатида, параллелограмм эса - қарама-қарши томонлари параллел қавариқ тўртбурчак сифатида таърифлаш мумкин.

Кўрсатилган усул билан тушунчаларнинг шаклланишидан ташқари предметнинг орасидаги муносабатни аниқлаш ҳам мавжуддир. Масалан: геометрик форма тушунчаси юқоридаги усул билан вужудга келиши мумкин эмас.

Бошқа математик тушунчалар қаралаётган объекtlар орасидаги муносабатларни ўрнатиш билан шаклланади. Масалан: кесманинг узунлиги тушунчаси кесмаларнинг эквивалентлик муносабатларини ўрнатиш (устма-уст кўйганда мос тушувчи кесмалар эквивалент дейилади),

Кесманинг узунлигини ўзаро эквивалент бўлган кесмалар синфидаги характеристлайдиган умумийликдир. Натурал сон тушунчаси ҳам чекли тўпламлар орасида эквивалент муносабатлар ўрнатиш орқали ҳосил қилинади. Натурал сон чекли тўпламларни характеристловчи умумийлик сифатида қаралади.

2. Ўқувчиларнинг ўқув математик фаолиятига раҳбарлик

Дарсда ўқитувчи ўқувчиларни ўқитади, ўқувчилар эса ўқийди деган фикрни бошқа сўзларда куйидагича ифодалаш мумкин: ўқувчилар, ўқув малака ва билимларни эгаллайдилар, ўқитувчилар эса билимни эгаллаш жараёнида раҳбарлик қиласидилар.

Бу раҳбарлик ўқитувчининг ўқувчилар ўкув фаолиятини ташкил қилишдан иборат бўлиб ҳисобланади. Бунинг учун ўқитувчи көрикли материал танлайди, уни маълум кетма-кетликда жойлашириди, ўқувчиларнинг билим манбаларини тавсия қиласи, ўқувчиларнинг ўзлаштириш бўйича фаолиятини ташкил этади, билимни ўзлаштириш процесси қандай ўтишини назорат қиласи.

Ўқувчиларнинг математик билимларини ўзлаштириш арафёни қийин жараёндир. Буни математик тушунчаларнинг түжудуга келишини ҳаққоний тушунгандагина уни тўғри тушуниш мүмкин.

Нотўғри йўналишда турувчи педагоглардан бири В.В.Лайшундай дейди: “Математика билимлар ва унинг ҳақиқатлиги бизнинг атрофимизда турган нарсаларнинг мавжудлигига, уни кузатиш ва тажрибаларга боғлиқ эмас, кузатиш ва тажриба бизга фикр сонлар ва геометрик тушунчаларнинг ҳосил бўлишига майл бинишлади. Бу майллар бизнинг онгимизнинг қурилиши бўлади”.

Лекин, ҳақиқатни тасаввур қилишга асосан математик тушунчалар биздан ташқаридағи нарсаларнинг хоссаларини акс эттиради. Сон тушунчаси ёки фигура тушунчаси биздан ташқаридағи нарсаларнинг хусусиятларидан келиб чиқсан. Математик тушунчаларнинг вужудга келишини бундай тушуниш иш мактаб ўқувчиларининг ташки олам объектларига хос бўлган физиологий форма, миқдорий муносабатларни ўрганишларини гарбиялади.

Бола ҳали мактабга келмасдан туриб ўйин билан иш кўради-ю тўпламдан унинг айrim элементларини ажратади, элементларни тўпламга бирлаштиради, тўпламларни йиғади, тўпламдан унинг иисмини ажратади, тўпламларни таққослайди, тенг сонли тўпламларни ажратади.

Нарсалар тўплами билан олиб борилган ҳамма шу каби замалий ҳаракатлар, катталар билан доимий алоқа - натурал сон тушунчасининг шаклланишига олиб келади.

Кублардан, гиштлардан, лойлардан, ҳар-хил “ясашларни” бижариш, расм ва бошқа шу каби болалар фаолияти уларга форма, ўлчов, предметларнинг ўзаро жойлашишлари билан танишишга имкон беради, бу эса геометрик тушунчаларнинг шаклланишига асос бўлиб хизмат қиласи.

Шундай қилиб, болалар бошлангич математик билимларини, ушарининг катта бўлмаган шахсий тажрибаларида, мустақил лекин еттиталар билан муносабатнинг таъсири бўлган ҳолда әгаллайди.

Ўқитувчи бу болаларнинг билимларини аниқлайди, уларни туприлайди, тўлдиради ва шу фундаментга янги билимларни

Ўзлаштиришни ташкил этади. Янги билимларни бундай эгаллаш, янги фактат ва тушунчаларни кузатиш асосида мустақил ишлаши, шунингдек кишилар томонидан ишлаган билимларини эгаллаш билан олиб бориш мумкин. Бунда янги билимларни эгаллаш янги ва олдинги билимлар орасидаги таърифланган тушунчалар ва янги факлар орасидаги қарама-қаршиликларни ҳал қилиш асосида боради. Тушунчалар ўқувчи онгидаги ўзгаришсиз қолмасдан улар шаклан ўзгаради, ривожланади. Масалан: ўқув ва ҳаётдаги амалий тажрибалар асосида предметлар тўпламини таққослаш, солиштириш, кесмалар узунлигини солиштириш, шунингдек масалалар ечиш орқали болалар айришдан асосий белгиларни ўзлаштириб олади: айирма айришдан келиб чиқади ва бир соннинг иккинчи сондан қанча ортиқ ёки камлигини кўрсатади.

Шундай қилиб, ўқувчиларнинг ўқитувчи раҳбарлигига билимларини эгаллаш жараёнини қуидаги схема билан ифодалаш мумкин.

I. Боланинг шахсий ҳаётий тажрибаси ва олдин эгаллаган билимлари.

II. Мактабда ташкил қилинган тажриба: кузатиш, лаборатория ва бошқа амалий ишлар.

III. Кишилар томонида тўпланган тажриба, китобларда босилган билимлар.

IV. Билимларни ўқув - амалий ва ҳаётий - амалий ишларга кўллаш.

3. Ўқитувчи ва ўқувчилар фаолияти орасидаги мослиқ

Ўқувчиларнинг билим олишлари ва ўқитувчининг унга раҳбарлигини қуидагича кўрсатиш мумкин.

Ўқитувчининг фаолияти:

1. Ўқувчиларнинг билимларини сўраш, суҳбат, ҳисоблаш масалалар ечиш учун амалий топшириқлар бериш асосида ўқувчилар билимини аниқлаш.

2. Кўргазмали қурол ва воситаларни намойиш қилиш ва кузатишни ташкил қилиш.

Ўқувчилар фаолияти:

1. Ўқитувчи саволларига жавоб бериш, ўлчаш ҳисоблаш, масалалар ечиш ёрдамида топшириқлар бажариш.

2. Тавсия қилинган обьектлар устида кузатиш, тахлил, синтез, таққослаш, умумлаштириш, дедуктив хулосалар чиқариш.

3. Сұхбат түшунтиришларини боғланған ҳолда билимларни баён қилиш, китоб билан ишлашни уюштириш.

4. Машқларни уюштириш: үқувчиларнинг үқув-амалий ва ҳәётий-амалий ишларини ташкил этади.

5. Сұраш ва амалий ишларни бажариш бүйіча топшириқ бериш йўли билан үқувчилар билимини текшириш.

3. Ўқитувчининг баёнини тинглаш, китоб ўқиши, фактларни умумлаштириш ва эслаш.

4. Эгаллан: ан билимларни амалий ишларни бажаришга қўллаш, олдин эгалланған билимларни ўзгарган шароитда қўллаш.

5. Ўқитувчининг саволлари га жавоб бериш, амалий ишларни бажариш.

5 - мавзу

Бошланғич математика курсининг тузилиши ва мазмуни

Режа:

1. Бошланғич математика курси ҳақида.
2. Бошланғич математика курсининг тузилиш хусусиятлари.
3. Бошланғич математика курсининг мазмуни.

1. Бошланғич математика курси ҳақида

Бошланғич математика курси мактаб математика курсининг таркибий қисмидир. Шу сабабли бошланғич математикани муваффақиятли ўзлаштириш мактабда бутун математик таълимни тўғри йўлга қўйишга асос бўлиши тушунарли бўлиб қолди. Академик А.Н.Колмогоров V-IX синфлар дастурлари “натурал сонлар билан (аслида ҳар қандай катталикдаги) тўрт арифметик амални бажаришнинг пухта кўникмалари биринчи тўртта синфдаёқ ўзлаштирилади, деган фараз келиб чиқади” деб бежиз айтган эмас.

Маълумки ўкув предмети илгаригидек “арифметик” эмас, балки “математика” деб аталади. Фан номининг бундай ўзгарилиши бежиз эмас: бу ўзгариш ўзида мазкур ўкув предметининг мазмуни ва структурасини ўзгаришишни акс эттиради.

Математика дастурининг асосий ўзаги натурал сонлар ва асосий миқдорлар арифметикасидан иборат бўлиб, бу ўзак атрофида алгебра ва геометрия элементлари бирлашади, бу

элементлар арифметик билимлар системасига таркибан күшилиб, сон, арифметик амаллар ва математик амаллар ҳамда математик муносабатлар ҳақида тушунчаларнинг юқорироқ даражада ўзлаштиришига имкон беради.

Шундай қилиб бошлангич математика курси ўз структураси бўйича уч фанни ўз ичига олган бутун курсдир, унда арифметик, алгебраик ва гиометрик материалдан иборат қисмларни фарқ қилиш керак.

Зарурий умумлаштиришларни шакллантириш учун энг қулай шароитлар мақсадлари мазмунгагина эмас, балки ўқув материалларининг жойлашиш системаси ҳам жавоб беради. Ўқув материали дастурда ё чизиқли, ёки концентрик жойлашиши мумкин.

Алгебра элементларини киритиш чуқур тушунилган ва умумлашган ўзлаштириш мақсадларига жавоб беради: тенглик, тенгсизлик, тенглама, ўзгарувчи тушунчалари конкрет асосида очиб берилади.

Биринчи синфдан бошлаб сонли тенгликлар ва тенгсизликлар ($4=4$; $6=1+5$; $2 < 3$; $6+1>5$; $8-3 < 8-2$ ва ҳ.к.) қаралади. Улар концентрдан концентрга ўтган сари мураккаблашиб боради. Уларни ўрганиш арифметик материални ўрганиш билан боғланади ва уни чуқурроқ очиб беришга ёрдам беради. Шу ернинг ўзида соддароқ кўринишдаги $x+3=6$; $8-x=3$ ва ҳ.к. тенгламалар бошланади. Кейинроқ II синфдан бошлаб, мураккаброқ масала ($x+6=3+20$ ва ҳ.к. кўринишдаги тенгламалар) қаралади. Тенгламаларни ечишдан олдин танлаш методи билан сўнгра эса амалдаги натижалар билан компоненталари орасидаги боғланишларни билганилик асосида бажарилади. 2-синфдан бошлаб тенгламалар ечиш билан масалаларни таенгламалар тузиш йўли билан ечишга ўргатиб борилади.

2-синфда ҳарф ўзгарувчини белгиловчи символ ($a+b$; $15-k$ ва ҳ.к.) сифатида ўзгарувчили тенгсизликлар ($8-c>5$) киритилади; бунда тенгсизликлар танлаш йўли билан ечилади. Ўзгарувчи билан амалий таништириш ўқувчиларни функционал тасаввурларини эгаллашларига имкон беради.

Геометрик материал болаларни энг содда геометрик фигуналар билан таништириш, уларнинг фазовий тасаввурларини ривожлантириш, шунингдек арифметик қонунятларни, боғланишларини кўрсатмали конкрет иллюстрациялаш мақсадларига хизмат қиласди (масалан, тўғри тўртбурчакнинг тенг квадратларига бўлинган кўрсатмали образидан кўпайтиришнинг хоссасини иллюстрациялашда фойдаланилади ва ҳ.к.).

1-синфдан бошлаб дастур геометрик фигуранлар түгри ва
түгри чизиқлар, кесмалар, күпбүрчаклар ва уларнинг элементлари,
түгри бүрчак ва ҳоказолар киритилади.

Үқувчилар геометрик фигуранларни тасаввур қила олишни,
уларни аташни ва катакли қофозга содда ясашларни ўрганиб
олишлари керак. Бундан ташқари, улар кесма ва синиқ чизиқ
узунлигини, күпбүрчак периметрини түгри түртбүрчак, квадрат ва
умуман ҳар қандай Фигуранинг юзини (полетка ёрдамида) топиш
малакасини эгаллаб олишлари керак.

2. Бошланғич математика курсининг тузилиш хусусиятлари

Мактабнинг I-IV синфларида ўрганиладиган математика
курси мактаб математика курсининг асоси бўлиб, V-XI
синфларнинг математика курси бошланғич давоми-бошланғич
курс эса унинг бошланғич базаси деган сўз. Шу муносабат билан
математиканинг бошланғич курсига манфий бўлмаган бутун сонлар
ва асосий катталиклар арифметикаси, алгебра ва геометрия
элементлари киради.

Бошланғич математика курсининг тузилиши ўзига хос
хусусиятларга эга.

Биринчи хусусияти. Арифметик материал курсининг асосий
мазмунини ташкил этади. Бошланғич курснинг асосий ўзаги
натурал сонлар ва асосий миқдорлар арифметикасидан иборат.
Бундан ташқари бу курсга геометрия элементлари ва бошланғич
алгебра элементлари бирлашади.

Иккинчи хусусияти. Бошланғич курс материали концентрик
киритилади. Дастрлаб биринчи ўнлик саноқларини (уларни ўнли
хоналарга ажратиб бўлмайди) номерлаш ўрганилади, бу сонларни
ёзиш учун рақамлар киритилади, кўшиш ва айириш амаллари
ўрганилади. Сўнгра 100 ичидаги сонларни номерлаш қаралади,
хона тушунчаси, уни хоналарга ажратиш мумкин бўлган сонларни
ёзишининг позицион принципи очиб берилади, икки хонали
сонларни кўшиш ва айириш ўрганилади, иккита янги амал
кўпайтириш ва бўлиш киритилади. Кейинроқ 1000 ичидаги
сонларни номерлаш ўрганилади. Бу ерда кўп хонали сонларни
номерлашни асоси бўлган учта хонали (бирлар, ўнлар, юзлар)
қаралади. Арифметик амаллар түғрисидаги билимлар
умумлаштирилади, ёзма кўшиш ва айириш усуллари киритилади.
Ниҳоят кўп хонали сонларни номерлаш ўрганилади, синф
тушунчаси қаралади, рақамнинг ўрнига кўра қийматини билиш

умумлаштирилади ёзма ҳисоблашлар алгоритмлари киритилади. Шундай қилиб курсда түртта концентр үрганилади: үнлик, юзлик, минглик, күп хонали сонлар.

Учинчи хусусияти. Назарий ва амалий характердаги нарсалар ўзаро узвий боғланган. Күпгина назарий масалалар индуктив равишида киритилади, улар асосида эса, амалий характердаги масалалар очиб берилади. Масалан, күпайтиришнинг тақсимот хоссаси хусусий фактларни умумлаштириш асосида киритилади. Шундан сўнг бу хоссадан фойдаланиб ушбу күпайтириш усули очиб берилади:

$$17 \cdot 3 = (10 + 7) \cdot 3 = 10 \cdot 3 + 7 \cdot 3 = 51.$$

Тўртинчи хусусияти. Курсда математик тушунчалар хоссалари, қонунятлари ўзаро боғланишда очиб берилади. Бу факт арифметик, алгебраик ва геометрик материал орасидаги боғланиш бўлмай, балки курснинг турли тушунчалари, хоссалари, қонунятлари орасидаги ички боғланиш ҳамdir. Масалан, арифметик амалларни үрганишда уларнинг хоссалари орасидаги алоқа ва боғланишлар очиб берилади. Бу маълум қонунятларга эга бўлган арифметик амаллар тушунчасини чукур очиб беришга, болаларни функциянал тасаввурлар билан бойитишга имкон беради.

Бешинчи хусусияти. Математика курси шундай тузилганки, уни үрганиш жараёнида ҳар қайси тушунча ўзаро ривожланишда бўлади. Масалан, арифметик амалларни үрганишда дастлаб уларнинг конкрет маъноси, сўнгра амалларнинг хоссалари, компонентлар ва амаллар натижалари орасидаги ҳамда амаллар орасидаги боғланишлар билан биргаликда очиб берилади. Тушунчаларни киритишда бундай ёндошиш бошланғич синф ўқувчиларининг ёшига боғлиқ имкониятларига мос келади, математика материалини етарлича эгаллаш имконини беради.

Олтинчи хусусияти. Тажриба кўрсатишича, ўхшаш ёки ўзаро боғлиқ масалаларни таққослаб үрганиш мақсаддага мувофиқидир. Бу ҳолда муҳим ўхшаш ва фарқ қиласидан моментларни дарҳол ажратиб кўрсатиш мумкин бўлади. Бу эса ўқувчилар ўхшаш масалаларни аралаштириш натижасида йўл қўядиган хатоларнинг олдини олади. Шунинг учун дастур баъзи масалаларни бир вақтда үрганишни (масалан, кўшиш ва айириш амаллари бир вақтда киритилади), шунингдек илгари үрганилган ва унга ўхшаш масалалар таққосланган ҳолда янги масалаларни киритишни кўзда тутади.

3. Бошланғич математика курсининг мазмуни

Энди математика мазмуни ва энг асосий тушунчаларини очиб бериш хусусиятларини қараб чиқамиз.

Арифметик материал бутун манфий бўлмаган сонларни номерлаш ва улар устида арифметик амаллар бажариш, катталиклар ҳақида, уларни ўлчаш ва касрлар ҳақида, исмли сонлар ва улар устида амаллар тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олади. Бу материалларни ўрганиш ўқувчиларни математик тушунчалар системасини ўзлаштиришда, шунингдек пухта, онгли, ўқув ва малакаларини эгаллашга олиб келиши керак.

Бошланғич курсининг асосий тушунчаларидан бири натурал сон тушунчасидир. У эквивалент тўпламлар ўзининг миқдорий характеристикиси каби талқин этилади. Бу тушунча тўпламлар устида амаллар ва катталикларни (кесманинг узунлиги, масса, юз ва ҳ.к.) ўлчаш натижалари асосида очиб берилади. Тажриба шуни кўрсатадики, натурал сон тушунчасининг фақат предметларини санаш жараёнида эмас, балки катталикларни, миқдорларни ўлчаш жараёнида ҳам шаклланиши бу тушунчанинг мазмунини бойитади, бошидан бошлаб ўқитишини болаларнинг амалий фаолиятлари билан боғлиқ, улардаги сон тўғрисидаги мавжуд тасаввурларга таяниб ташкил этишга имкон беради.

Бошланғич курсда ноль сони бўш тўпламлар синфининг миқдорий характеристикиси сифатида талқин этилади. Математиканинг бошланғич курсига ноль сонининг ва рақамнинг киритилиши сонлар соҳасини ўзлаштиришларига зарур шароитларни яратишга имкон беради.

Математиканинг систематик курсини ўрганишга тайёргарлик куриш мақсадида бошланғич курсда каср ҳақида яққол тушунча берилади. I-синфда улуш тушунчаси (бутунни доирасининг бўлаги ва ҳ.к.) тенг бўлакларга бўлиш сифатида таъриф бериб киритилади. Улуш тушунчасининг моҳияти соннинг улушкини ва улушкига кўра соннинг ўзини топишга доир масалаларда очик-ойдин очиб берилгани сабабли, бу масалалар II синфда ўрганиладиган курсга киритилади. З-синфда каср улушларнинг тўплами сифатида киритилади, шунингдек, касрнинг ёзуви, кўргазмалилик асосида касрларнинг шаклини ўзлаштириш ва таққослаш ($1/2=2/4$; $3/5 < 4/5$) ҳамда соннинг касрини топишга доир масалалар киритилади.

Саноқ системаси тўғрисида тушунча курсининг концентрик тузилишида натурал сонларни номерлашни ва улар устида арифметик амалларни ўрганиш айтилганидек, хона, синф, хона

ва синф бирликлари, хонали сон тушунчаси концентрдан концентргача ривожланиб боради, яъни аста-секин янги хоналар ва синфлар, уларнинг номлари киритила боради ва шу муносабат билан уларнинг номи ёзилиши ва ўқилиши, ўнли таркиби қаралади.

Арифметик амаллар математиканинг бошланғич курсида марказий ўринни эгаллайди. У мураккаб ва кўп қиррали масала. У арифметик амалларнинг, амалларнинг қонунлари ва хоссаларининг амаллар компоненталари ва натижалари орасида ҳамда амаллар орасидаги алоқа ва боғланишларнинг конкрет маъносини очиб беришдан, шунингдек ҳисоблаш ўқуви ва малакаларини, арифметик масалалар ечиш ўқувларини шакллантиришдан иборатдир.

Бошланғич математика курсида ўқувчиларда ҳисоблаш малакаларини ишлаб чиқишига мўлжалланган машқлар системаси кўзда тутилади: жадвал ҳолидаги қўшиш ва кўпайтириш ҳамда уларга тескари амал бўлган айриш ва бўлиш тўла автоматизм даражасига олиб келинади, (ўқувчилар $3+8=11$, $7*6=42$, $12-5=7$, $56/7=8$ ларни тез ва тўғри ҳисоблашлари керак). Қолган амалларни бажариш ҳам автоматизмга олиб келади. Масалан, 18 ва 7 ни қўшишда $8+7=15$, $10+15=25$, ёки $7=2+5$, $18+2=20$, $20+5=25$ амаллар тез бажарилади. Арифметик амалларни хоссаларини ўрганиш ҳамда айrim амалларни бажариш билан бир вақтда тўпламлар ва сонлар устида амаллар асосида компонентлар ва арифметик амалларнинг натижалари орасидаги боғланиш (масалан, йифиндидан қўшилувчилардан бирини айрсак, иккинчи қўшилувчи ҳосил бўлади), компонентдан бирининг ўзгариши (масалан, қўшилувчилардан бирини бир неча бирлиқда ортади) очиб берилади.

Арифметик материални ўрганиш муносабати билан алгебра элементлари киритилади: конкрет мисоллар асосида тенглик, тенглизлик, тенглама, ўзгарувчи тушунчалари очиб берилади, 1-синфдан бошлаб сонли тенглик ва тенглизлик ($3=3$, $5=1+4$, $7+2>7$, $9-3<9-2$ ва ҳ.к.) қаралади, улар концентрдан концентрга мураккаблашиб борилади. Уларни ўрганиш арифметик материални ўрганиш билан бевосита боғлиқ бўлиб, уни чукур ўзлаштиришга ёрдам беради. Бу ерда яна дастлаб $x+6=9$, $10-x=2$ ва ҳ.к. кўринишда энг содда тенгламалар, кейинроқ эса 2-синфдан бошлаб мураккаброқ масалан ($48+x)-24=36$ кўринишдаги тенгламалар қаралади.

Геометрик масалалар асосан ўқувчиларни энг содда геометрик фигуналар билан таништириш ва уларнинг фазовий

тасаввурларини ўстириш мақсадида хизмат қилади. Шунинг учун 1-синфдан бошлаб математика курсига қуидаги геометрик фигурандар киритилган: түғри чизиқтар ва әфри чизиқтар, синиқ чизиқтар, нұқта, түғри чизиқ кесмаси, күпбұрчак (түртбұрчак, учбұрчак ва бөшқалар), уларнинг әлементлари (учлари, томонлари, бұрчаклари) түғри бұрчак, түғри түртбұрчак (квадрат), айлана, доира, доираниң маркази ва радиуси. Ўқувчилар бу фигурандарни бир-биридан фарқлаш, уларнинг номларини айтишнинг ҳамда ғызғыч, гүния ва циркуль ёрдамида катақ қофозда, чизиқсиз қофозда энг содда ясашларни бажаришларни ўрганишлари керак. Бундан ташқары улар кесманинг, шунингдек синиқ чизиқнинг узунлигини, күпбұрчакнинг периметрini, түғри түртбұрчак (квадратнинг) юзини топиш малакасига ҳам эга бўлишлари керак. Математика курси ўқувчиларнинг фазовий тасаввурларини шакллантиришга қаратилган геометрик характердаги турли-туман масалаларни ечишни ҳам кўзда тутади. Барча геометрик материал кўргазмалик асосида очиб берилади. Арифметик, алгебраик ва геометрик материални ўрганиш билан узвий боғлиқ равишида катталиқ (микдор) тушунчаси ва катталикларнинг ғояси очиб берилади. Узунлик, масса, вакт, сиғим, юз катталиклари уларни ўлчаш бирликлари ва катталикларни ўлчаш билан танишиш амалий асосида бажарилади ва сон, ўнлик саноқ системаси ва арифметик амалларнинг шунингдек геометрик фигура тушунчасини шакллантириш билан чамбарчас алоқада бўлади. Ана шундай боғланиш туфайли ўқитишини юқори даражага кўтариш ўқувчиларнинг амалий фаолиятлари билан боғлаб олиб боришига имкон туғдиради.

6-мавзу

Бошланғич математика ўқитишда қўлланиладиган методлар

Режа:

1. Бошланғич математика ўқитиш методларининг турлари.
2. Математика ўқитишда кузатиш.
3. Сұхбат методи.
4. Баён қилиш методи.
5. Машқ методи.
6. Таққослаш ва қарама-қарши қўшиш.
7. Дастурлаштирилган ўқитиш.

1. Бошлангич математика ўқитиши методларининг турлари

Дидактикага доир кўлланмаларда билимларни баён қилиш ва мустаҳкамлашнинг формалари сифатида қуидаги ўқитиши методлари қаралади: кузатиш, ўқитувчининг билимларни (баён, сұхбат, ҳикоя, машқ) ўқувчилар билан дарслек ва бошқа китоблар билан ишлаш, кузатиш, лаборатория иши, мустақил ишлар.

Бошлангич синфларда математика ўқитиши жараёнида ўқитиши материалининг мазмуни ва ўқув синфининг катта-кичиликлигига қараб бу методлардан турли ўринларда фойдаланиш мумкин.

2. Математика ўқитишида кузатиш

Ўқувчилар билан математик фактларни кузатиш мухим роль ўйнайди. Натурал сонларнинг хоссалари, арифметик амалларнинг хоссалари, геометрик фигуralарнинг хоссаларини ва ҳоказоларни кузатиш ўқувчиларнинг Фикрлаш қобилиятини ўстиради. Арифметик амаллар ва сонларнинг кўпгина хоссаларини қуий синфларда кузатиш билан тушунтирилиши мақсадга мувофиқдир. Масалан, 1-синф ўқувчилари қўшишининг ўрин алмаштириш хоссасини кузатиш орқали тез билиб олади.

$$5+3= , \quad 3+5= , \quad 6+1= , \quad 1+6= , \quad 2+7= , \quad 7+2= ,$$

Шундай мисолларни 1-синф ўқувчилари енганидан кейин бир қаторнинг ечимларини тенгглаштиришини ўқитувчи тавсия этади. $5+3=8$ ва $3+5=8$. Натижада қуидаги хulosани келтириб чиқаради.

Хулоса (мисоллар нима билан ўхшаш).

Бир хилда қўшиш амали бажарилади.

5 ва 3 бир хил қўшилувчилар.

8 ва 8 бир хилдаги натижалар.

Фарқи (нима билан фарқланади)

Қўшилувчининг қўшиш тартиби фарқ қиласди.

Шунга ўхшаш бошқа мисолларни ҳам ечиб ўқувчилар қуидаги умумий хулосаларга келадилар: қўшилувчиларнинг қўшиш тартибини ўзgartирган билан йиғинди ўзгармайди.

Қаралган ҳолда кузатиш методини қўллаш, шунингдек, ўқитувчи томонидан билимларни баён қилишда ҳам, ҳисоблашга доир масалалар ечишга доир босқичларда ҳам катта аҳамиятга эгадир.

3. Сұхбат методи

Үқитувчи бирор бир методни, масалан сұхбат методини құллаганда үқувчиларнинг билиш фаолиятini ҳар томонлама үстириш мүмкін. Масалан: 100 ичидә номерлашни үқитишида үқувчиларга қандай сонлар бир хонали ва қандай сонлар икки хонали эканлигини, ундан кейин иккита рақам билан ифодаланған сонларни икки хонали дейилишини айтиб үтиш лозим. Шунингдек, сұхбат жараённан нечта рақам билан ноль ифодаланишишини ва 1 дан 9 гача сон, 10 дан 99 гача нечта сон борлигини баён қилиш керак.

4. Баён қилиш методи

Баён қилиш методи икки турға бўлинади:

а) илюстратив баён қилиш. Бунда үқитувчи билимларни баён қилиш билан бирга унинг ҳақиқийлигини мисоллар билан илюстрация қилади.

б) проблемали баён қилиш. Бунда үқитувчи материалнинг проблемасини кўяди, уни ечиш йўлларини кўрсатади, асослайди ва исботлайди.

Масалан: агар кўпайувчи ва кўпайтувчининг ўрни алмаштирилиб кўпайтирилса кўпайтма қандай ўзгаради? Үқитувчи бу саволни тушунтиришида иллюстрацион кўргазмалардан фойдаланилади: $3 \times 4 = 12$ яъни $3+3+3+3=12$ ёки $4 \times 3 = 12$ яъни $4+4+4=12$. Демак, кўпайтма ва кўпайтувчиларнинг ўрнини алмаштирган билан кўпайтма ўзгармайди деган хулосани үқувчилар иллюстрацион ёрдамида келтириб чиқарадилар. Ҳар қаторда 3 тадан тугмани 4 қатор олинади.

2-синфдан дарсликдаги кўпайтиришнинг ўрин алмаштириш қонуни бир неча аниқ мисолларда қаралган. Үқувчиларга бир қаторда нечта қатор борлигини билишни буюради ва неча тугма борлигини ҳисоблашни талаб қиласди. Буни $4 \times 3 = 12$ ёзув билан ифодалайди. Иккинчи марта үқитувчи тугмани юқоридан пастга қараб санашни буюради ва юқоридаги пастга қараган нечта қатор борлигини аниқлаб нечта тугма борлигини билишни талаб қиласди. Натижаларни тенглаштириш билан $3 \times 4 = 12$ ва $4 \times 3 = 12$ ёзувни ҳосил қиласди. Шунга ўхшаш иккита мисол келтириб, кўпайтувчиларнинг ўрнини алмаштирган билан кўпайтма ўзгармайди деган умумий хулосани келтириб чиқаради.

5. Машқ методи

Математикани ўқитишнинг ўзига хос хусусияти шуки, янги материал билан танишиш ҳамда тегишли билим ўқув ва малакаларни ҳосил қилиш ўқувчилар томонидан машқлар системасини яъни маълум математик топшириқларни бажариш орқали амалга оширилади. Машқлар материал мазмунига ва математик структурасига қараб турлича бўлиши мумкин, ифодаларнинг қийматини топиш, тақсимлаш, тенгламаларни ечиш, масалалар ечиш ва ҳ.к. Машқлар ҳар хил бўлиши мумкин, дарсликдан олинган ва уни ўқитувчи ёздириши мумкин, одатдаги ёки қизиқарли кўринишда, дидактик ўйин шаклида ва ҳ.к.

Дарсда айниқса таёргарлик машқлари асосий роль йўнайди. Бу машқлар шундай характерда бўладики, унинг мазмунидаги олдинги ўқув материалини тақорглаш, мустаҳкамлаш ва янги материални ўрганишга фундамент тайёрлаш мумкин бўлади. Масалан, ўқитувчи олдин $8 \cdot 6 = 48$ $7 \cdot 9 = 63$ $6 \cdot 4 = 24$ $48 : 8 = 63 : 9 = 24 : 6 =$ машқларни ечиргандан кейингина $x \cdot 3 = 21$ кўринишдаги тенгламани ечишга ўтади.

Янги материал билан танишиш асосида ўқувчилар бажарадиган машқлар системаси орқали амалга оширилади. Машқларни ўринли бажаришнинг энг асосий йўли кўргазмали қилиб бажаришдир. Шунинг учун математик тушунчалар ва қонунятлар билан таништиришда тўпламлар устида амаллардан ва тегишли арифметик амалларнинг ёзилишидан фойдаланилади.

Масалан, $4+3$, ўқувчи 4 та қизил доирача ва 3 та қизил доирача олиб уларни бирлаштириб 7 та доирача ҳосил қилди. $4+3=7$ деб ёзди, кейин доирачаларни ранглар бўйича ажратиб $7-4=3$ ёки $7-3=4$ ни ҳосил қилди: агар йифиндидан қўшилувчилардан бирини айрса иккинчи қўшилувчи ҳосил бўлади.

6. Таққослаш ва қарама-қарши кўйиш

Математика ўқитишда бир-бирига ўхшаш масалалар жуда кўп. Масалан, қўшишнинг ўрин алмаштириш ва кўпайтиришнинг ўрин алмаштириш хоссалари $4+3=3+4$, $3 \cdot 4 = 4 \cdot 3$ ўқувчилар бу хоссаларни бир-бири билан таққослайдилар, фарқ қилувчи ва ўхшаш томонларини ажратиб оладилар. Янги материални тушунириш учун ҳам машқларни шундай танлаш керакки, улар олдинги дарсда ечилган машқлар билан бир хиллик ва фарқ қилувчи элементларни ажратиб олсин. Математика ўқитишда қарама-қарши масалалар ҳам масалан, қўшиш ва айриш учрайди.

Бу икки миқдорни түгри қўллаш билимларни умумлаштиришга, түгри хulosса чиқаришга олиб келади.

7. Даствурлаштирилган ўқитиш

Ўқув материалининг унча катта бўлмаган, мантиқан ўзаро боғланган қисмларини ўз ичига олган ва маҳсус ишланган топшириқлар бўйича материални ўрганиш даствурлаштирилган ўқитиш дейилади. Ҳар бир қисмнинг бажарилишини ўқитувчи ёки маҳсус асбоб назорат қилиб туради. Назоратнинг натижаси ўқитувчига айтилади. Түгри бўлса баҳоланади, нотўғри бўлса уни тузатиш тўғрисида кўрсатма беради.

Бу ўқитишнинг айрим хусусиятлари одатдаги ўқитиш методларидан ҳам мавжуд материални баён қилишда мантиқий амалларни бажариш ва масалаларни ечишда алгоритмлардан фойдаланиш.

Хозир бошланғич синфларда даствурлаштирилган ўқитиш учун маҳсус ўқув қўлланмалари бўлмасада, баъзи бир топшириқларни бажариш мумкин.

Мисоллар	Жавоблар	Шифр
56+23	55,49,79,61,85	1
70-24	...46...	2
36:12	...3...	3
74*4	296...	4
810:9	...90...	5

Ўқувчилар олдин мисолни ечадилар ва жавобларни берилган жавоб билан солишириб кўрадилар. Топган жавобни ечишган мисол тўғрисидаги шифрни ҳам ёзади. Нотўғри ечса, ўқувчи бошка топшириқ олмайди. Тўғри ечгунча ишлайди.

Бу метод ҳозирги пайтдаги тестга жуда ҳам ўхшашдир. Бунда топшириқларнинг 5 та жавоби ёзилади. Улардан 1 таси тўғри жавоб, шу тўғри жавобни топиб тўғри белгиласа балл олади. Масалан берилган тўртбурчаклар орасида ҳамма тўғри тўртбурчакларни топинг ва карточкалар ёрдамида уларнинг номерларини кўрсатинг.



1



2



3



4



5

A. 1,2,3,4,5

Б. 1,3,2

В. 2,4,5

Г. 1,2,3

Е. 2,3,4,5

Арифметик амалларни түгри бажарылғанligини текшириш мақсадида қуидаги мисолни оламиз. Мисол. Ҳар бир амал ўзи ёки тескари амал билан текширилади.

амаллар	дастур	жавоблар				
		1	2	3	4	5
1) күшиш	$a+b=c$	$a-b=c$	$a-c=b$	$c-a=b$	$c-b=a$	$b-c=a$
2) айириш	$a-b=c$	$c-a=b$	$c-a=b$	$a-c=b$	$a+c=b$	$b+a=c$
3) күпайтириш	$ab=c$	$ab=c$	$ac=b$	$c:a=b$	$c:b=a$	$a:c=b$
4) бўлиш	$a:b=c$	$a:b=c$	$c:a=b$	$c:b=a$	$bc=a$	$a:c=b$

7- мавзу

I-IV ва V-VI синфларда математика ўқитиши борасида изчиллик. Фикрлаш формалари

Режа:

1. I-IV ва V-VI синф математикаси мазмунидаги алоқадорлик.
2. Ҳисоблаш малакаларини ривожлантириш ва арифметик масалалар ечишга ўргатиш.
3. Бошланғич математика ўқитиши жараёнида ўқувчиларнинг мантиқий фикрлашини ўстириш.

1. I-IV ва V-VI синф математикаси орасидаги алоқадорлик

Бошланғич синфларда математик билимларнинг шундай пухта пойдеворини қўйиш керакки, бу пойдевор устига бундан кейинги математик таълимни узлуксиз давом эттириш мумкинлиги ўз ифодасини топсин. Бунинг учун I-IV синфлардаги математика ўқув материаллари билан V-VI синф ўқув материаллари орасида узилиш бўлмаслиги керак. Бошланғич синф ўқув материалининг бевосита давомчиси бўлиб V-VI синф математикаси давом этиши керак. Бошланғич синфларда математик билимларнинг шундай пухта пойдеворини қўйиш керакки, бу пойдевор устига бундан кейинги математик таълимни ишонч билан куриш мумкин бўлсин.

I-IV ва V-VI математика дастуридаги ўзаро изчиллик ана шу қатъийликка амал қилган ҳолда оширилади. Масалан, V синф математикасининг 1 боби “Натурал сон” деб аталади. Лекин

ўкувчилар натурал сон билан бошлангич синфда танишганлар. Бу ерда эса натурал сон тушунчаси кенгайтирилади, чукурлаштирилади, янги тушунчалар билан бойитилади. Бу ерда натурал сонларнинг бўлиниш белгилари, ЭКУБ ва ЭКУК тушунчалари киритилади. Шунингдек, манфий сонлар, оддий ва ўнли касрлар, тенглама ва тенгсизликни бошқача усуслар билан ечиш, ечим, илдиз каби тушунчалар киритилади. Математик логикага асосланган ҳолда ва нотўғри фикрлар”, “ўзгарувчили малоҳазалар”, “ечимлар тўплами”, алгебраик амаллар каби тушунчалар билан бойитилади. Шунинг учун бу синфлар ўқитувчилар ўзаро фикр алмашишда ва бир-бирининг ўкув материали, ўқитиш методи билан таниш бўлиши керак. V-VI синфга келганда I-IV синфда ўрганилган ўкув материалини кенгайтириш, давом эттириш, чукурлаштириш масаласи қўйилади. Шунингдек, V-VI синфга келганда фақатгина 4 амал ўқитилмасдан ундан ташқари тўплам, тенглама ва тенгсизликлар, манфий ва каср сонлар, геометрик ясашлар, алмаштиришлар каби материаллар қўшиб ўқитилади.

2. Ҳисоблаш малакаларини ривожлантириш ва арифметик масалалар ечишга ўргатиш

Бошлангич математика ўқитишнинг вазифаси математик тушунчаларни шакллантиришдан, ўкувчиларда ҳисоблаш, ўлчаш ва график малакаларни ишлаб чиқиш, шунингдек арифметик мисол ва масалаларни ечишга ўргатишдан иборатdir.

Малака киши фаолияти турларидан бири бўлиб, бу фаолиятнинг автоматлаштирилган характеристидир.

Масалан, жадвалда кўпайтириш натижаларини эслаш автоматик бажарилади: 5 ва 6 сонларининг кўпайтмаси неча бўлади? - деган саволга ўкувчи дарҳол 30 деб жавоб беради. Демак, ўкувчи олдин онгли равища ҳар бири 5 га тенг бўлган 6 та кўшулувчилар йигиндисини ҳисоблаган, кейин жадвал ёрдамида ҳисоблашлар бажарилганлиги учун натижани эслай олади. Бунда ўкувчи керакли натижани эслай олмаса, у натижани қандай ҳосил қилишни билади: у 5 кўшилувчини 6 марта олади, ёки 5 ни 3 га кўпайтириб, натижани 2 га кўпайтиради ёки 5 ни 5 га кўпайтириб ва яна битта 5 ни кўшиб, ҳосил қиласди ва ҳ.к.

Шундай қилиб, малака онгли равища амаллар бажарилишидир, яъни шундай фикрлаш операцияларини қўллайдики улар таҳлил ва синтез, тақкослаш, аналогия ва олдиндан ҳосил қилинган билимлар ва малакаларга таянишdir.

Фараз қилайлик, III синф ўқувчиси мураккаб мисоллардаги амалларнинг бажарилиш тартиби қоидасини ўрганган бўлсин. $100+75*4+18*5$ мисолни ечиш талаб, қилинсин. Бунда ўқувчи дарҳол мисол ечишни 100 га 75 ни кўшиш мумкин эмаслигини билган ҳолда 75 ни 4 га кўпайтириш ва шунга ўхшаш $18*5$ кўпайтмани ҳисоблаш ва кўшишларни ёзилиш тартиби бўйича бажариш.

Масала ечишга ўргатиш, ҳисоблаш малакасининг ўсиши билан боғлиқ ҳолда ривожлана боради. Ҳисоблаш малакасини эгаллаш масала ечиш учун зарурий шарт бўлиб ҳисобланади, шу билан бирга масала ечиш орқали ҳисоблаш малакаси мустаҳкамланади.

Арифметик масалалар ечишга ўргатиш энг мураккаб фаолият тури бўлиб ҳисобланади. Бу жараёнда ўқитувчининг масала ечишга намуна кўрсатиши баъзи бир аҳамиятга эга. Бу намуна бевосита бошқа масалаларни ечишда фойдаланиш учун бирдан-бир йўл бўлмаслиги керак, балки ҳисоблаш малакасини қайта ишлашнинг аниқ тури учунгина тааллуқли бўлиши керак.

Масалалар устидаги иш босқичлари кетма-кетлиги куйидагicha:

1. Масала текстини ўқиши, берилган сонларни масаланинг шарти ва сўралганларга ажратиш.
2. Агар масала мураккаб бўлса, масалани қисқача ёзиш, чизма ёки схемалар тузиш.
3. Берилганлар ва изланаётганлар ўртасида боғланиш ўрнатиш.
4. Масала ечиш режасини ва ечиш ёзувини тузиш.
5. Ечишнинг тўғрилигини текшириш. Ўқувчилар 1-синфдан бошлаб ўқиши жараёнида амалий мазмундаги масалаларни таҳлил қилишни билиш ўқувчиларга масалалар устида иш бажариш тўғрисида умумий йўлланма беради. Ўқувчиларнинг масала ечиш йўлларини мустақил излаши муҳим аҳамиятга эга.

Ўқувчиларни ечилган масаланинг тўғрилигини текширишга масаланинг жавобини баҳолаш, масала шартида берилганлар билан жавобни таққослаш, берилган масалага тексари масала тузиш ва уни ечиш орқали ўргатиш мумкин.

Айниқса, масала ечишда синф ўқувчиларининг тайёргарлик даражаси ва ҳар-хил иш бажариш қобилиятига қараб уларни группаларга ажратиш катта аҳамиятга эга. Бу эса масала ечиши ўргатиша турли группаларга қийинлик даражаси турлича бўлган масалалар бериш мумкинлигини аниқлаб беради: қийинчилик даражаси катта бўлган масалаларни тайёргарлиги кучли бўлган

ўкувчиларга, осонроқ масалаларни кам тайёрланган ўкувчиларга бериш мүмкін.

Синфинг масала ечишига бўлган қизиқишига синфда ва математик машғулотларда, шунингдек уйда ҳам мураккаб масалаларни ечишига бериш ва қизиқарли машқларни бериш ҳам мүмкін.

3. Бошланғич математика ўқитиш жараёнида ўкувчиларнинг мантиқий фикрини ўстириш

Бошланғич математика ўқитишда ўкувчиларнинг мантиқий фикрини ўстириш учун кенг имкониятлар мавжуд.

Энг аввало, математик билимларни болалар аниқ тушиниш учун мослаштирилган нарсаларни ўзаро боғлиқликда, биридан иккинчисини ҳосил қилиш тартибида келтириб чиқарадилар.

Нарсалар ва атрофдаги ҳақиқатнинг мавжудлигини била бориш билан биз нарсаларни қисмларга ажратиш ва бир қанча элементлардан бир бутун нарсаларни тузишни тушунтира борамиз. Бутун бир нарсани қисмларга ажратиб фикрлашни таҳлил деб атаемиз. Предмет ва ҳодисаларни ўзаро боғлаб ўрганишни эса синтез деб атаемиз. Бу икки фикрлаш операцияси ўзаро бир-бири билан боғлиқдир.

Таҳлил ва синтез ўзаро боғланган бўлиб, арифметика қонуниятларини ўқитишда қандай қўлланса, мисол ва масалалар ечишда ҳам шундай қўлланилади.

Ўқитишнинг биринчи қадамидаёқ яъни биринчи ўнликни ўқитишда ўкувчилар кўргазмали қурол ёрдамида предметлар тўпламини уларни тузган элементларга ажратиб таҳлил қиласди ва кўргазма асосида элементлар синтез (бирлаштириб) қилиб тўплам ҳосил қиласди.

Шунга ўхшаш кўргазмали таҳлил ва синтезлар натижасида ўкувчилар ички нутқ ёрдамида фикрлаш бажариб, энг юқори кўрсатгичдан онгли таҳлил ва синтез қилишга эришилади. Масалан, ўкувчи ўқитувчи ёрдамида “1 - қаторга 5 марка, 2 - қаторга 4 марка ёпиштирилди. Икки қаторга неча марка ёпиштирилди” - деган масалани ечиш керак.

Олдин ўкувчи ўқитувчи ёрдамида масала мазмунини таҳлил қиласди. Масалада берилган сонларни (5 ва 4) алоҳида маркаларга ажратиб, масалани шарт ва савол қисмини аниқлайди. Ўкувчи икки қатордаги маркаларни фикран ўзаро бирлаштириб синтез қиласди ва масалага жавоб топади.

Бу ерда ўқувчи энг аввал масалани таҳил қилди, масалада сонли берилгандарни ва талаб қилингандарни аниклади ва синтез қилиб жавоб топди.

Бошланғич математика ўқитишида таққослашдан ҳам кенг фойдаланилади. Таққослаш ёрдамида сон, мисол ва масаладаги нарсаларнинг бир хил ва фарқ қилувчи томонлари аникланилади.

Масалан, ўқувчига сонни бир неча бирликка ва бир неча марта орттириш тўғрисида таққослаш берилган бўлсин:

Неча бирликка катта
Бир қутида 6 та қалам, 2-сида
ундан 3 та қалам ортиқ.
Иккинчи қутида нечта қалам
бор?

Неча марта катта
Бир қутида 6 та қалам, 2-сида
ундан 3 та марта ортиқ.
Иккинчи қутида нечта қалам
бор?

Ўқитувчи раҳбарлигига ўқувчи масалани таққослайди ва бир хил томонларни: иккала масалада ҳам берилган сонлар бир хил, иккала масалада ҳам икки қутидаги қаламлар ҳақида гапирилган, саволлар ҳам бир хил. Фарқи: 1-масалада 2-кутида уч қалам ортиқ, 2-масалада 2-кутида 3 марта ортиқ қалам бор дейилади.

Масала ечилгандан кейин ўқувчилар қайси масала қайси амал билан ечилганини таққослайди. 1-си қўшиш, 2-кўпайтириш билан бажарилди. Шундан кейин масала шарти билан масалани ечиш усулини мослаштиради.

Натижада ўқувчи нечта ортиқ ёки кам деган шартда қайси амаллар ишлатилишини ва неча марта ортиқ ёки неча марта кам деганда қайси амаллар ишлатилишини фикрлаб олади.

Баъзан кўп қийматли сонлар билан масалалар ечишда аналогия усулини ҳам қўллайдилар. Масалан: IV синфда шундай масала ечилади: иккита мева сақлагичда 1568 ц карам бор эди. Биринчи мева сақлагичдан 240 ц, иккинчисидан 364 ц олингандан кейин иккаласида ҳам бир хил карам қолди. Ҳар қайси мева сақлагичда қанча карам бўлган?

Масалани ечишдан олдин ўқитувчи қуйидаги масалани ечишни тавсия қилди: икки болада 80 т бор эди. Улардан биринчиси 35 т, иккинчиси 25 т сарф қилганидан кейин иккаласида баравар пул қолди. Ҳар бир болада қанчадан пул бўлган?

Ўқувчилар бу масалани ҳатто оғзаки ҳам ечиши мумкин. Бу масалани ечиш режаси ва йўлларини аниклагандан кейин олдинги масалани шунга ўхшаш йўл билан ечади.

Аналогиядан фойдаланишда доимо тўғри хулюсалар келиб чиқовермайди. Масалан, 1-синфда $12+2=14$ ни ҳосил қилган. Бунда

ўкувчи қўшишниг ўрин алмаштириш қонунини айришга ҳам кўллаб, $10+2-6=10+6-2=14$ чиқарган.

Ўкувчиларга тақослаш асосида умумлаштиришни ҳам ўргатиш лозим. Бу умумлаштириш сон, геометрик фигура, прифметик амалларнинг хоссаларида, шунингдек ҳисоблаш ва масалалар ечиш усулларига тааллуқлидир. Ўкувчилар алоҳида ҳодиса ва фактларни кузатиш асосида индукция деб аталувчи фикрлаш формасини ҳам кўллайдилар. Масалан, ўкувчи бир сонни иккинчи сонга кўпайтириш биринчи сонни ўз-ўзига шунча марта қўшиш эканини қоида сифатида билгани ҳолда, бу қоидани алоҳида бир мисолга тадбиқ этади. $12*3=12+12+12$. Бу эса ўкувчининг дедуктив холоса чиқариши бўлади.

Математика ўқитишида бу методлардан дасларда шундайларни қўллаш керакки, ўкувчиларнинг фикрлашини активлаштириш ва бу фикрлани ривожлантиришга эриштириши лозим.

8-мавзу

Бошлангич синфларда математикадан ўкув ишини уюштириш

Режа:

1. Бошлангич синфда дарс ва ўқишининг бошқа формалари
2. Бошлангич синфларда математикадан дарслар системаси.
3. Математика ўқитишида мустақил ишлар.

1. Бошлангич синфда математика дарси ва ўқитишининг бошқа формалари

Мактаб математика ўқитишини уюштиришнинг тарихий, мураккаб, кўп йиллик тажрибада текширилган ва ҳозирги замонининг асосий талабларига жавоб берилган формаси дарсдир.

Ўкувчиларнинг математик билимларни ўзлаштириши фақат ўкув ишида тўғри метод ташлашга боғлиқ бўлмасдан, балки ўкув жараёнини ташкил қилиш формасига ҳам боғлиқдир. Дарс деб дастур бўйича белгиланган, аниқ жадвал асосида, аниқ вақт мобайнида ўқитувчи раҳбарлигида ўкувчиларнинг ўзгармас сони билан ташкил этилган ўкув ишига айтилади.

Дарс вақтида ўкувчилар математикадан назарий маълумотга, ҳисоблаш малакасига, масала ечиш, ҳар хил

ўлчашларни бажаришга ўрганадилар, яъни дарсда ҳамма ўкув ишлари бажарилади.

Математика дарсининг ўзига хос томонлари энг аввало бу ўкув предметининг хусусиятларидан келиб чиқади. Бу хусусиятдан бири шундан иборатки, унда арифметик материални ўрганиш билан бир вақтда алгебра ва геометрия элементлари ҳам киритилади.

Математика бошлангич курсининг бошқа ўзига хос томони назарий ва амалий масалаларнинг бирликда қаралишидир. Шунинг учун ҳар бир дарсда янги билимлар берилиши билан унга доир амалий ўкув ва малакалар сингдирилади.

Одатда, дарсда бир неча дидактик мақсадлар амалга оширилади: янги материални ўтиш; ўтилган мавзууни мустаҳкамлаш; билимларни мустаҳкамлаш; билимларни умумлаштириш, системалаштириш; мустаҳкам ўкув ва малакалар ҳосил қилиш ва ҳоказо.

Математика дарсларининг ўзига хос яна бир томони шундаки, бу - ўкув материалининг абстрактлигидир. Шунинг учун кўргазмали воситалар, ўқитишнинг актив методларини синчиклаб танлаш, ўкувчиларнинг активлиги, синф ўкувчиларининг ўзлаштириш даражаси кабиларга ҳам боғлиқ.

Математика дарсида турли-туман тарбиявий вазифалар ҳам ҳал қилинган. Ўкувчиларда кузатувчанликни, зийракликни, атрофга танқидий қарашни, ишда ташаббускорликни, масъулиятни ва соғиҷонлиликни, тўғри ва аниқ сўзлашни, ҳисоблаш: ўлчаш ва ёзувларда аниқликни, меҳнатсеварлилик ва қийинчиликларни енгиш ҳислатларини тарбиялади.

Ўкув ишини ташкил этишининг дарсдан ташқари қуидаги формалари мавжуд:

1. Мустақил уй ишлари.

2. Айрим ўкувчи ва бир неча ўкувчилар грухи билан индивидуал ва грух машғулотлари.

3. Математикага қобилиятли ўкувчилар билан ўтказиладиган машғулотлар.

4. Математикадан синфдан ташқари машғулотлар.

5. Ўкувчилар билан ишлаб чиқаришга табиатга экспурсия.

Бу ерда санаб ўтилган иш формалари ва дарс бир-бирини тўлдиради. Асосий бош масала дарсга тааллуқлидир. Дарсда ҳамма ишларга бевосита ўқитувчи раҳбарлик қиласи. Қўшимча машғулотларда эса иш ўқитувчининг ўзи томонидан ёки ўқитувчи раҳбарлигига ўкувчилар томонидан бажарилади.

2. Бошланғич синфларда математикадан дарслар системаси

Үқувчилар билан ҳар бир дарсда бир неча тушунчалар билан иш олиб борилади. Ҳар бирини шу дарснинг турли босқичларида ўзлаштириши мумкин. Ҳар бир тушунчани тушуниш бошқа бир тушунчани тақрорлаш: эсга олиш билан олиб борилса, бу тушунча эса кейинги тушунчаларни тушунтириш учун хизмат қиласди. Ўқитиши жараёнида ҳар бир ўқув материали ривожлантирилган ҳолда олиб борилади, ўқув материали бошқа материалларни тушуниш учун фундамент бўлади. Бошқа тушунчанинг ўзлаштирилиш жараёнини қарасак, у бир неча дарсларнинг ўзаро боғлиқ ўқитилиши натижасида ҳосил бўлади. Шундай қилиб математика тушунчаларини ҳосил қилиш биргина дарснинг ўзида ҳосил қилинмасдан, балки ўзаро алоқада бўлган бир қанча дарсларни ўтиш жараёнида ҳосил қилинади. Шунинг учун бундай дарсларни биргаликда дарслар системаси деб атаемиз.

Шунинг учун ўқитувчи дарслар системаси тузишда мавзунинг мазмунини очадиган дарсларни мантиқий кетма-кетликда жойлаштириши керак.

Дарслар системасининг тузилишидаги энг катта талаб дарснинг ўқув-тарбиявий мақсадини эътиборга олиш, ўқитиши принципларининг методик ва умумпедагогик томонларини ҳисобга олишдир. Мавзу бўйича яхши ўйланган дарслар системасининг ўқув вақтини мавзучаларга тўғри тақсимлашга боғлиқ.

Унда ўқувчиларнинг мустақиллигини ҳосил қилиш, хусусий мисолларни қараш, хусусий хulosалар чиқариш, ундан умумий хulosалар чиқаришга олиб келиш дикқат марказда туриши лозим. Бу билимлар дарслар системасида ҳосил қилиниб, мустаҳкамлангандан кейин тааллуқли ҳисоблаш, мисол ва масалалар ечишни таъминлаши керак. Унлан кейин машқлар ёрдамида малакаларни қайта ишлаши, шунингдек ҳосил қилинган билимларни доимий системалаштириш ва умумлаштиришни ҳам таъминлаш керак.

Дастурнинг қандайдир мавзусининг мазмунини аниқлашда, мавзу материалини дарс вақтларига тақсимлашда, яъни билимларни ўзлаштиришга куйидаги асосий босқичлар юкланади.

1. Янги материални ўқитишга тайёрлаш.
2. Янги ўқув материалини идрок қилиш ва янги билимларни ҳосил қилиш.
3. Билимларни мустаҳкамлаш ва турли хил машқлар орқали малакаларни ҳосил қилиш.

4. Билимларни тақрорлаш, умумлаштириш ва системалаштириш.

5. Билим ва малакаларни текшириш.

Мисол сифатида 1 - синфда “Иккинчи ўнликда номерлаш” мавзусини ўқитишдаги дарслар системасини қараймиз. Бу мавзуни ўқитишда:

1. Оғзаки номерлаш.

2. Қўшиш ва айиришни қараш орқали ёзма номерлаш босқичларига эътибор бериш керак.

Бу мавзуни ўқитишда кўйидаги режани тузиш мумкин.

1-дарс. 1-ўнликдаги сонларни номерлаш, бир хонали сонларни номерлаш ва таққослаш базасида тузилади, шунинг учун дарснинг бошқа бири сонларни номерлаш ва унинг умумий саволлари тақрорланиши керак. Шундан кейин бир ва бирлик, ўн ва ўнлик, ўнта нарсани бирта бирликка бирлаштириш ҳақида тушунча.

2-дарс. 2-ўнликнинг ҳар бир сонини ифодалаш, унинг ўнли тузилиши, 20 ичидаги ҳисоблаш, сонларнинг натурал кетма-кетлиги ўқитилади. Барча ишлар кўргазма қурол асосида номерлаш қоидалари ва принциплари асосида бажарилади.

3-дарс. Дециметр. “Дециметр ва сантиметр” узунлик бирликлари ва улар орасидаги боғланиш билан таништириш номерлашни ўқитишда ёрдам беради, аксинча номерлаш билимлари бу узунлик бирликларини яхши тушунишга ёрдам беради. Шунингдек, содда ва мураккаб исмли сонлар ҳақида тушунча берилади.

4-дарс. Оғзаки номерлаш ва 1-уч дарсда ҳосил қилинган билим ва малакаларни мустаҳкамлаш.

5-дарс. 2-ўнликдаги сонларни ёзма номерлаш: сонларни рақам билан ифодалаш усули ва сонларни ўқиш. Бу ерда ўқувчилар диққатини янги сонларни номерлаш учун янги рақамлар киритиш талаб қилинmasлигини, балки ўнгдан чапга қараб ўқишида биринчи ўринда бирликларни, иккинчи ўринда ўнликларни ёзишини келишиб олишини ўқтириш керак. Бу билан ўринларига қараб рақамларнинг қийматини ўзгаришини ўргатиш мумкин.

6-дарс. 2-ўнлик сонларини ўқиши ва ёзиши учун машқлар бажариш. Олдинги дарслардан олинган билимлар мустаҳкамланади. Бу ерда сонларни мустаҳкамлашга доир машқлар жуда ҳам фойдалидир.

Масалан, “тўғри таққослаш ҳосил қилиш учун ташланган белгини қўйинг: 13...14, ташланган сонларни қўйинг: 15>..., 11<..., 12<..., (1-ўнлик, 6 бирлик>..., 2 ўнлик... 1 ўнлик 2 бирлик...”.

7-дарс. Номерлаш билимларига асосланган ҳолда күшиш ва айиришни бажариш. Агар олдинги дарсларда 13+1, 14-1, 10+2, 17-7, 17-10 каби ифодаларнинг қийматларини оғзаки топган бўлсалар, энди бундай мисолларни ечишни ёзма бажаришга эришадилар.

8 ва 9-дарс. 2-ўнлик сонларини оғзаки ва ёзма номерлаган билимларини мустаҳкамлаш, умумлаштириш ва системалаштириш.

10-дарс. 2-ўнлик сонларини номерлаш ҳақида билим, малака ва кўникмаларни текшириш.

Бундай системадаги дарслар бир-бiri билан боғланган, бир ғояга бирлаштирилган, бу дарсларнинг ҳар бири тушунчаларни шакллантириш умумий масалаларининг бир қисмини ҳал қилган бўлади. Ўқувчиларга ҳосил қилинган билимлар бу билимларни мустаҳкамлашга таалуқли турли хил масалаларни бажаришга тадбиқ қилинади.

3. Математика ўқитишида мустақил ишлар

Математика ўқитиши жараёнида ўқувчиларнинг активлигини ошириш ва математикага бўлган қизиқишини ривожлантириш омилларидан бири - ўқувчилар билан олиб бориладиган мустақил ишлардир.

Математика дарсларида мустақил ишлар янги материални ўрганишга тайёргарлик кўришда, янги тушунчалар билан танишида, билим, ўқув ва малакаларни мустаҳкамлашда, шунингдек билимларни назорат қилишда амалга оширилади.

Мустақил ишларни шартли равишда икки кўринишда ташкил қилиш мумкин:

1. Дарс жараёнида ташкил қилинадиган мустақил ишлар. Унга: 1) дарсда ечилигидан мисол ва масалага ўхшаш, шартлари ҳам бир хил, лекин шартидаги сонлар ёки ҳарфлар билангина фарқ қиласидиган топшириқлар мустақил бажариш учун берилади. 2) тест ёки ёзма ишлар ўтказиш. 3) ўтилган мавзулар юзасидан карточкаларга ёзилган топшириқларни бажартириш. 4) доскада топшириқлар бажариш ва ҳ.к.

2. Дарсдан ташқари бажарадиган мустақил ишлар, яъни уй ишлари.

Уй ишлари - ўқувчиларнинг дарсдан ташқари вақтларида мустақил, индивидуал ишларни ташкил қилиш формаларидан иборатдир.

Үй ишларини беришда күйидагиларни ҳисобга олиш лозим.

1) уйга берилган вазифалар ўқувчиларнинг кучлари ва билимларига мос бўлиши керак. У дарсда бажарилган ишларнинг бошқачароқ варианти бўлиб, уни аксарият ўқувчилар бажара оладиган бўлсин. Үй ишлари учун ўқитувчи доскада кўргазма бериши лозим.

2) уй вазифаларини системали равишда бериш керак.

3) уй вазифаларининг ҳажми математика дарсида бажарилган ишнинг 30-40% идан ошмаслиги лозим.

4) ҳар қандай уй иши ўқитувчи томонидан текширилган бўлиши керак.

5) уй вазифасининг кўриниши, бажарилиши, талабалари турли-туман бўлиши лозим.

6) уй ишини индивидуал бажартиришга эришиш лозим.

9-мавзу

Бошланғич синфларда математика дарси ва унинг турлари

Режа:

1. Математика дарсида асосий дидактик мақсадлар.
2. Математикадан дарс турлари.
3. Бошланғич синфларда математика дарсига тайёрланиш.
4. Математика дарсини ўтказиш.
5. Математика дарсини таҳлил қилиш.

1. Математика дарсларида асосий дидактик мақсадлар

Ҳар бир дарсда турли хил дидактик мақсадлар кўзланади, улар орасида биттаси бош мақсад бўлиб ҳисобланади, уни дарснинг асосий дидактик мақсади дейилади.

Ҳар бир алоҳида дарснинг мақсади дарслар системасининг мақсадини аниқлаб, унинг ёрдамида ўқитилаётган мавзунинг мазмунини ўқувчиларга очиб беради. Бу ҳолда янги тушунчалар билан ўқувчиларни таништириш бўлса, иккинчи ҳолда таништирилган тушунчани кенгайтириш ва чукурлаштириш, учинчисида эса бирор малака ва кўнилмаларни ҳосил қилиш, тўртингчисида эса, билим, малака ва кўнилмаларни текшириш ва ҳ.к. бажарилади. Ҳар бир дарсда юқорида айтилганларнинг бир нечтаси ёритилиши мумкин. Ўтилганларни тақорорлаш олдин

ўтилган билимларни янги системага солиш, шу билан билимларни текширишни ўз ичига олади. Янги материални баён қилиш ҳар доим машқлар бажариш билан давом эттирилади.

Мактабларнинг тажрибаси дарснинг маълум структурасини яратдики, кўпчилик ўқитувчилар бу структурага риоя қилиб, маълум яхши натижаларга эришмоқда. Одатда дарснинг бошида уй вазифаси текширилади ёки ўтган мавзу тақрорланади, сўнгра ўтган мавзу юзасидан савол-жавоб ўтказилади. Шундай кейин янги материал баён этилади ва уни мустаҳкамлаш учун ўқувчиларга мисол ва масалалар ечдирилади ёки назорат саволлари берилади. Дарс охирида уйга вазифа ва унга кўргазмалар берилади.

Баъзан бу мақсадлардан биттасига багишиланиши мумкин. Ана шу битта мақсадни дарснинг асосий дидактик мақсади дейилади ва бошқалар унга бўйсунади.

2. Математикадан дарс турлари

Бошланғич синфларда математикадан қўйидаги дарс типларини кўрсатиш мумкин.

1) ўқувчиларни янги тушунчалар билан танишириш, янги билим ва кўникумаларни ҳосил қилиш дарслари. Бу дарсларда ҳисоблаш, график ёки масала ечиш билимлари ҳосил қилинади.

2) турли хил машқлар ёрдамида янги билим, малака, кўникумаларни мустаҳкамлаш дарслари.

3) ўтилганларни тақрорлаш, умумлаштириш ва система-лаштириш дарслари.

4) кейинги ишда хатоларнинг олдини олиш мақсадида билим, малака ва кўникумаларни текшириш дарслари. Ҳар бир математика дарсида турли хилдаги дидактик мақсадлар амалга оширилиши мумкин: уй вазифасини текшириш, дарснинг ва мавзунинг мақсадини баён қилиш, олдин ўтилганларни тақрорлаш ёки болаларнинг ҳаёт тажрибасини эсга тушириш йўли билан ўқувчиларни янги материални ўзлаштиришга тайёрлаш, оғзаки ҳисоблаш учун махсус машқлар янги материални ўрганиш (дарснинг асосий бўлими) болаларнинг жамоа иши сифатида 1-чи ўзлаштирилган билим ва кўникумаларини мустаҳкамлаш, ўрганилган билимларни ҳисоблаш машқ, билим ва малакаларини бажаришда қўллаш (дарснинг асосий бўлими) ўқувчиларнинг мустақил ишлари ва уни текшириш, олдин ўзлаштирилган материалларни тақрорлаш, уйга вазифа бериш, дарсни хулосалаш.

Дарснинг асосий структура қисмларини турли хилда ва турли методлар билан бирга қўшиб олиб бориш мумкин.

Ўқитувчи дарс режасини тузишда қуидагиларни эътиборга олиш керак. Шу дарс қандай қисмлардан иборат бўлиши керак, уларни қандай кетма-кетликда жойлаштириш, улар ўртасида ўкув материални қандай тақсимлаш, бу қисмлар бир-бирига қандай боғланнишда, улар дарснинг асосий дидактик мақсадини амалга оширишда етарли миқдорда ёрдам бера оладими ва ҳ.к.

Бошлангич синфда математика дарснинг ҳар бир қисмини умумий дидактик масалаларни бажаришга қаратилмоғи керак. Дарснинг қисмлари асосий дидактик мақсадга қараб ўзаро боғланган бўлиши керак. Алоҳида дарс турларининг мумкин бўлган структураларини қараб чиқамиз. Масалан: ўкувчиларни янги тушунчалар билан таништириш ва янги билим ва кўнималарни ҳосил қилиш дарслари.

Дарснинг боши. Дарсни мақсадга мувофиқ шундай бошлаш керакки, барча ўкувчиларни ишга бошқариш ва ўкув вазифаларини актив бажаришга дарҳол киришадиган бўлсин. Шу мақсадда унча катта бўлмаган мустақил ишларни карточкаларга ёзиб бериш керак, бу эса ўкувчилардан масала шартини ёзмасдан ҳисоблаш натижаларинигина ёзишни талаб қиласди. Бундай мустақил ишлар ўкувчиларни янги материални ўзлаштиришга тайёрлади.

Дарснинг биринчи қисмида агар уй вазифаси мазмун жиҳатидан янги материалга боғлиқ, бўлса уни текшириши ҳам мумкин. Агар уй вазифаси янги мавзуга боғлиқ бўлмаса, янги мавзуни ўтишда ўкувчилар уни қўлламаса, у ҳолда янги билимларни баён қилиш дарсида уй вазифасини текшириш шарт эмас. Шундай қилиб дарснинг биринчи қисми ўкувчиларнинг активлигини ва дикқатини йўналтиришга қаратилмоғи лозим, бу босқичга унча кўп вақт сарф қилмаслик керак.

Ўкувчилар дикқатини йўналтириш усуулларидан яна бири дарснинг мавзуси ва мақсадини аниқ тушунарли эълон қилишдир. Бунда албатта ўкувчиларнинг қизикишини орттириш ва муоммоли вазият яратиш зарур. Масалан: ўкувчилар фақат ҳисоблашнинг оғзаки усули билан таниш бўлсалар, уларга иккига уч хонали сонларни қўшиш тавсия қилинса, унда ўзларининг ортиқча билим ва малакаларини қўллайдилар. Ўкувчилар маълум қийинчиликлардан ўтадилар. Шундай қилиб, олдиндан ўрганилган ҳисоблаш жараёнлари билан бу мисолни бажариш қийин эмаслигига ишонч ҳосил қиласди. Янги оғзаки усуслини ўзлаштириш керак. Дарс яна шу усуулда багишланган бўлади.

Иккинчи ҳолда дарс ўкувчилар билан қисқача суҳбат билан олиб борилиши мумкин. Бундай дарсдан агар ўкувчилар бир

хонали сонларни кўпайтиришни тушунтиришда фойдаланиш мумкин.

Янги ўкув материалини ўкувчиларнинг актив ўзлаштиришига тайёрлаш мақсадида олдин ўзлаштирилган материаллар тақрорланади, тақрорлаш характеристидаги материаллар кўпгина оғзаки ҳисоблаш орқали бажарилади. Шунингдек, янги материални ўзлаштиришга қаратилган мисол ва масалаларни мустақил ечиш ҳам мумкин.

Дарснинг иккинчи қисмида янги математик тушунча берилади ёки арифметик мисолларнинг янги тури ечилади. Бу ўкувчиларнинг баёни ёки сухбати орқали олиб борилади. Баъзан ўкувчи буни мустақил танлаб олишни ҳам тавсия қиласди. Масалан, олдин ўтилган мавзуга боғлиқ ҳолда масала ёки мисол ечиш мақсад қилиб олинган бўлса, у ҳолда мисолларни ўувчилар мустаҳкамлаш, мустақил ечиш орқали ўзларининг билим ва малакаларини ошириши мумкин.

Янги материални мустаҳкамлаш. Бу босқичда ўкувчиларга келтириб чиқарилган ҳолда, хulosса, муҳокамаларни эсга олиш, ундан кейин мустаҳкамлаш характеристидаги вазифа бериш керак. Бу вазифани бажариш ёрдамида ўтилган янги билим мустаҳкамланади ва биринчи бор амалиётга тадбиқ қилинади. Биринчи вазифалар одатда жамоа равишда бажарилади. Баъзан эса мисол-масалалар мустақил бажарилгандан кейин, ўкувчилардан бирортаси доскага чиқиб шу қоиданинг тўғрилигини мисол, масала ечиш орқали кўрсатиб беради.

Ўкув материалининг мураккаблигига қараб ҳар қайси босқичда ҳам рационал бўлган йўл тутилади.

3. Бошланғич синфларда математика дарсига тайёрланиш

Математика дарсига тайёрланишда биринчи навбатдаги мавзу дарслар системасида унинг ўрнини кўрсатиш зарур. Ундан кейин ўувчиларга янги дарс материали юзасидан ишга қандай меъёрда тайёрланганлигини, бунинг учун нимани тақрорлаш зарурлигини аниқлаш зарур.

Дарсга тайёрланиш учун ўкувчи математика дастурини, ишчи режасини, дарслик ва ўкув қўлланмаларини, методик адабиётларни ва кўрсатма куролларни ҳозирлагандан кейин навбатдаги дарсга тайёргарликни бошлайди. Энг аввало навбатдаги дарс математика дастурида қайси ўринда, қайси мавзулар билан боғлиқ ҳолда, тушунчани нималарга боғлаб

тушунтириш кераклигини аниқлайды. Бу саволларнинг ҳаммаси баён қилингандан кейин дарснинг асосий дидактик мақсадни ва унинг типик хусусиятини қатъий ўрнатиш кераклиги келиб чиқади. Бу эса дарснинг мазмунини аниқлашга ёрдам беради. Дарснинг дидактик мақсадида ушбу мазмунидан уларга дарснинг структураси боклиқлиги келиб чиқади, яъни дарснинг алоҳида бўлимларининг бирлашиши, уларнинг органик бирлиги дарснинг қисмларини тўлдиради ва бир-бирини боғлади. Дарснинг режа ёки конспектини тузишда дарснинг дидактик мақсадига жавоб берувчи асосий қисмларни ўйлаб тузишда бошлаш керак. Агар у дарс янги билимларни баён қилиш дарси бўлса, масалан: уч хонали сонларни ёзма қўшиш ҳақидаги мавзу бўлса, ўқитувчи олдин ўқувчиларга қай ҳолда (ташқари) ёзма қўшиш алгоритмини баён қилишини, ундан кейин эса ўтган дарсдан нималарни такрорлаш кераклигини, бу асосда янги мавзуни яхши ўзлаштириш мумкинлигини, янги мавзудан олдин уй вазифасини текшириш зарурми ёки йўқми, янги мавзуни ўзлаштириш учун ўкувчиларга қайси топшириқни тавсия қилишни ўйлаб кўриши керак. Шундан кейин ўқитувчи қайси ўқув материали билан дарснинг ҳар бир бўлимнинг структурасини тўлдириш зарурлигини, ўқитишнинг қайси метод ва усуllibарини қўллаш мумкинлигини, дарсда қандай кўрсатма куроллар тайёрлаш ва қўллаш мумкинлигини олади.

Дарснинг ҳар бир бўлимни бажариш учун қанча вақт талаб қилишни аниқлаш зарур. Табиийки, дарснинг энг катта қисми дарснинг асосий дидактиук мақсадини ечадиган бўлимга қаратилиши зарур.

Дарсга тайёргарлик кўришда дарсда ўкувчиларга бериладиган вазифани бажариш усуllibарини кўрсатиш, яъни мисол ва масалаларни ечиб қўйиш, схематик ёзув ва график ишларни тайёрлаб қўйиш, ўкувчининг ўзи учун фойдалидир. Қачонки, дарснинг мақсади унинг структураси ва мазмуни аниқлангандан кейинги дарснинг режаси ёки конспекти тузилади.

Дарснинг режаси унинг мавзуси ва асосий дидактик мақсади, фойдаланиладиган кўргазма куроллар ва уни жихозлаш кўрсатилади. Тартиб бўйича дарс бўлимларининг структуравий номи ва унинг мазмуни, мумкин қадар вақтнинг тахминий бўлиши ҳам кўрсатилади.

Дарс конспектида барча деталлар мумкин қадар тўлароқ ёритилади. Суҳбатни олиб ёрдам берадиган саволларнинг ҳаммаси ёки кўпчилиги кўрсатилади, ўкувчилардан кутадиган жавоблар ўкув ишининг метод ва усуllibари ёзилади.

Мисол ва масалалар ечиш, шунингдек бошқа ишларни бажаришдаги кўргазмалар ёзилади. Шундай қилиб ўқитувчи куйидаги ишларни бажариши лозим:

1. Ўқув дастурида ва ўқитувчи режасида дарснинг ўрнини аниклаш.

2. Дарснинг асосий дидактик мақсадини аниклаш.

3. Дарс мазмунини аниклаш.

4. Дарс босқичларини тузиб чиқиш.

5. Дарс режасини тузиш.

6. Дарс конспектини тузиш.

7. Дарс ўтиш методикаларини аниклаш.

8. Ҳар бир босқичга сарфланадиган вақтни аниклаш.

9. Дарсда ва уйда бериладиган мисол масалаларни ечиб чиқиш.

10. Кўргазма қуролларини тайёрлаш ва ҳ.к.

4. Математика дарсини ўтказиш

Тузилган математика дарсининг режа ёки конспекти ўқитувчига ўқувчилар билан бажарадиган иш турининг умумий йўналиши ва кетма-кетлиги, мисоллар, алгебраик ифода намуналарини кўрсатиб туради.

Ўқитувчи дарс ўтишда тузган режа ёки конспектидан эркин фойдаланади, баъзан тузган режасидан чеккага чиқиш зарурати тугилади, масалан ўқувчилар ўқитувчининг баёнини ёмон тушунган бўлсалар, кўшимча тушунтириш ўтказади, ўқувчилар қийналган бўлсалар зарурий ёрдам кўрсатади, билимларни мустаҳкамлаш учун бажарилган машқлар етарли бўлса, баъзиларини қолдириш мумкин, яъни билимларни ўқувчилар қандай тушунганлигини билиш мақсадида сўраш, топшириқларини бажаришини текшириб кўриш мумкин.

5. Математика дарсини таҳлил қилиш

Бошлангич синфларда математикадан дарсни таҳлил қилиш ва баҳолаш биринчи навбатда унинг таълим-тарбиявий аҳамиятини кўрсатади, шунинг учун дарсни туттагандан ҳар томонлама уни қай даражада тузганлигини ва ўтилганлигини, ҳозирги замон психологик-педагогик талаблар даражасида қандай бажарилганлигини ва асосий дидактик принципларни қандай кўлланганлигини кўрсатигш керак. Дарс таҳлили унинг мазмуни структурасини, вақтни тақсимлашни, иш бажариш усуслари

кўлланилган кўргазма ва бошқа дидактик воситаларни кўрсатиш зарур. Дарснинг ҳар бир томонини қарашда ўқувчилар фаолиятини қандай йўналтирилганлиги, ундан қайси ўринда активлик ва муставиллик бузалганини, ҳаяжонланиш бўлганлигини, шахснинг бошқа тарбиявий томонларини амалга оширганлизини эътиборга олиш керак.

Дарс таҳлили қуидаги йўналишда ёритилиши мумкин:

1. Дарснинг асосий дидактик мақсадини тушунтириш ва асослаш. Бунда мавзу бўйича дарслар системасида таҳлил қилинган дарснинг ўрни ва роли, бошқа дарслар билан боғлиқлиги, дарснинг мазмунини баҳолаш ва тўғри тушунтирилиши, унинг структураси, ишдаги метод ва усуллари кўрсатилади.

2. Дарс мазмунининг таҳлили. Дарс мазмунини кўрганда ҳисоблаш машқларини қандай қўллаганлигини, математик тушунчаларни ечишга қаратилган арифметик масалалар ва бошқа машқларни бажаришга бериладиган методик баҳода қуидагиларни эътиборга олиш зарур:

а) берилган билимларнинг илмий лаёқатлигини ва етарлича қатъийлиги;

б) ўрганиладиган материалнинг кучлилиги ва тушунилиш даражаси, ўқувчиларнинг иш жараённида етарлича вазифа билан таъминланганлиги;

в) дарс материалининг таълим-тарбиявий мақсадга тааллуқлилиги;

г) ўқув материали мазмунини дарснинг барча қисмларини таъминлаш даражаси.

3. Ўқувчилар фаолиятини уюштириш ва йўналтиришга баҳо. Дарсда нечта ўқувчи ёки барча ўқувчилар актив қатнашганлигини ва мустақил фаолият билан билимларни эгаллаганлиги, унга қандай йўл билан эришиш зарурлигини айтиш керак;

а) ўқув материалини, шунингдек иш методини ва усулларини танлаш, ўқувчиларнинг ёши, улардаги билим, малака ва кўникмалар даражасини ҳисобга олиш;

б) ўқувчиларнинг индивидуал ва колектив ишларини жойлаштириш;

в) ўқитишда дифференциал ёндошиш;

г) янги математик тушунча, янги ҳисоблаш қисмлари, масалалар ечишнинг янги қисмлари билан танишириш, билим ва малакаларни ишлаб чиқишида олдинги материални мустаҳкамлашга йўналтиришдаги ишлар эътиборга олинади;

д) дарснинг ҳар бир қисмига вақтнинг тақсимланиши;

4. Дарсда кўлланиладиган кўргазма ва бошқа дидактик кўлланмаларнинг ролини кўрсатиш;

5. Дарс натижасини баҳолаш. Баҳолашнинг муҳим белгиларидан бири шуки, дарс ўз мақсадига эришганлиги, ҳар бир ўқувчига тўлалигича мустақил иш қилдиранганини, улар барчаси ўқитувчи раҳбарлигига амалга оширилганлиги кўрсатилади. Дарс таҳлилини қилишда шу нарсани тушуниш зарурки, дарс тўғри баҳоланади, шу ҳолдаки, ўқувчиларни ўқитиш ва тарбиялашнинг педагогик жараёнлари бир мақсадга қаратилган бўлса.

10-мавзу

Бошланғич синф математикасидан баъзи дарс турлари.

Дарсда индивидуал ва группавий ишлар

Режа:

1. Мустақил иш дарслари.
2. Ҳар хил машқларни қўллаш ёрдамида янги билим, малака ва қўникмаларни мустаҳкамлаш дарси.
3. Ўтган материални тақрорлаш дарси.
4. Билим, малака ва қўникмаларни текшириш дарси.
5. Ўқувчиларнинг индивидуал ва группавий ишлари.

1. Мустақил иш дарслари

Дарсда олдинги амалга оширилган барча ишлар ўқувчининг мустақил равишда янги баён қилинган қоида-қонунлари асосида мисол-масала ечишга қаратилмоғи керак. Ўқувчилар билан янги мавзуга тааллуқли мустақил иш бажариш ўқувчига янги мавзуни ўқувчилар қандай ўзлаштирганлиги, ўқувчилар билимда қандай камчиликлар борлиги тўғрисида маълумот беради. Бу вактда ўқувчилар ўзларининг билимларини мустаҳкамлади, баъзи малакалар ҳосил қиласди, уй вазифасини бажаришига тайёрлади, янги мавзуни ўзлаштириш билан боғлиқ бўлган қийинчиликларни енгади. Мустақил иш текшириш ва умумлаштирувчи холосани тақрорлаш билан якунланади.

Уйга вазифа. Уй вазифасининг мазмуни бир томондан дарсда ўрганилган янги материални мустаҳкамлашга қаратилган бўлса, иккинчи томондан кейинги дарсга тайёрлашга қаратилмоғи керак.

Мисол тарзида.

1-синф ўқувчиларини янги материал билан таништириш дарсини қараймиз.

Дарснинг мавзуси. 4 ни қўшиш ва айриш.

Дарснинг мақсади. Бирликлар группаси билан 4 ни айриш ва қўшиш амаллари билан биринчи бор танишириш, малака ва кўникумаларни мустаҳкамлаш.

Кўргазмали курс: ҳисоблаш учун дидактик материаллар, ҳисоб чўплари, квадратчалар.

Дарс режаси: 1) уй вазифасини текшириш ва ўқувчиларни янги материални ўзлаштиришга тайёрлаш, учни бирликларга бўлиб қўшиш ва айришни такрорлаш;

2) мавзуни эълон қилиш ва дарснинг мақсади;

3) янги мавзуни баён қилиш: ўқувчилар билан предметлар тўплами устида 4 ни қўшиш ва айришга қаратилган мисол ва масалаларни ўқитувчи раҳбарлигига ечиш. Ўқувчиларни қандай қилиб 4 ни қўшиш мумкин ва қандай қилиб 4 ни айриш мумкин деган умумлаштирувчи хуносага олиб келиш;

4) янги материални мустаҳкамлаш: чиқарилган хуносаларни мустақил равишда мисол ва масалалар ечишга кўллаш.

Ўқувчиларнинг ўзларига мисол ва масалалар туздириш.

5) уйга вазифа бериш;

6) дарсни хуносалаш.

2. Ҳар хил машқларни кўллаш ёрдамида янги билим, малака ва кўникумаларни мустаҳкамлаш дарси

Юқорида айтганимиздек ҳар бир дарсда ўқувчилар олға қараб силжийдилар, лекин дарслар орасида шундай ҳам борки, бундай дарснинг асосий қисми олдиндан олган билимларни мустаҳкамлашга қаратилган бўлади.

Дарслар системасида мустаҳкамлаш дарснинг ҳар хил босқичларида ва ҳар хил даражаларида ўтказилади. Агар дарснинг олдига кўникумка ишлаб чиқиш ва биринчи малакаларни ҳосил қилишдек дидактик мақсад қўйилган бўлса, унинг натижасида автоматлаштиришлган малакалар ишлаб чиқилади.

Бу эса дарснинг структурасида, мазмунида ва унинг устида ишлаш методларида акс эттирилиши лозим. Мустаҳкамлаш ва олинган билим, кўникумка ва малакаларни ҳосил қилиш дарснинг структураси ҳар хил бўлиши мумкин. Бундай дарснинг структурасига қўйидагилар киради: уй вазифасини текшириш, мавзуни ва дарснинг мақсадини эълон қилиш, оғзаки ҳисоблаш, ифодаларнинг қийматларини ҳисоблаш ва масалалар ечиш машқлари натижасини мустақил төкшириш ва материални мустақил умумлаштириш, ўқувчиларнинг ўзлари мустақил равишда

ифодалар ва масалалар тузиш, ўлчаш ва график ишларни бажариш ва ҳ.к.

Бундай дарсга 3-синфдан мисол келтирамиз.

Дарснинг мавзуси. 1000 ичида ёзма айриши.

Дарснинг мақсади. Ёзма айриши амалларини мустаҳкамлаш.

Дарснинг режаси. 1) уй вазифасини текшириш; ўкувчилик синф доскасида ёзилган уй вазифасининг жавоби билан дафтарда ишланган жавобни солиширадилар. Чакирилган ўкувчилик масалани ечиш йўлларини айтиб беради;

2) оғзаки ҳисоблаш;

3) ўқитувчининг бевосита раҳбарлигида 960-156, 741-237 ва бошқа мисолларни ёзма ечадилар;

4) айришга доир мисоллар ва масалаларни ўкувчилик мустақил ечадилар;

5) мустақил ишларни текшириш;

6) уйга вазифа бериш;

7) дарсни якунлаш.

3. Ўтилган материални тақрорлаш дарси

Бошлангич синфларда математикадан ҳар қандай дарсда қандайдир даражада ўтилган материаллар тақрорланади ва мустаҳкамланади. Тақрорлаш вазифаси фақатгина билим, кўникма ва малакаларни мустаҳкамлаш билангина чегараланмай, балки бу билим, кўникма ва малакаларни тўлдириш, чуқурлаштириш ва системалаштиришни ҳам ўз ичига олиши керак.

Тақрорлаш ўқитишининг ҳар хил босқичларида олиб борилади: ўкув йили бошидаги тақрорлаш дарси, кундалик тақрорлаш мавзу юзасидан умумлаштирувчи тақрорлаш дарси ва якуний тақрорлаш дарсларини бир-биридан фарқ қилиш керак.

Барча синфларда тахминан биринчи икки ҳафта давомида ўкувчилик олган билим, кўникма ва малакаларни тиклаш мақсадида тақрорлаш ўтказилади.

Мавзу бўйича умумлаштирувчи ва якунловчи тақрорлаш дарслари ўкувчилик олган билимларини мустаҳкамлаш ва системалаштириш мақсадини амалга оширади. Умумлаштирувчи ва системалаштирувчи тақрорлаш дарснинг структурасига ҳар хил машқлар, савол-жавоблар, сұхбатлар киради, улар билимларни системага солиш ва умумлаштириш мақсадини амалга оширади.

Умумлаштирувчи ва системалаштирувчи тақрорлаш дарснинг структураси қўйидагича бўлиши мумкин:

1. Уй вазифасини текшириш.
2. Доскада ёзилган тақрорлаш режаси билан ўқувчиларни таништириш.
3. Ўтилган материални оғзаки ҳисоблаш ёрдамида тақрорлаш.

4. Ҳар хил вазифаларни бажариш ёрдамида тақрорлаш: мисол ва масалаларни ечиш, олдин ечиштаги мисол ва масалаларни қараш ва олдингі ва кейинги мисол ва масалаларни ечиш усулларини таққослаш, дарсلىқдан матн ўқиш, ўлчаш график ва схемалар чизиш, қоида ва хуносаларни қайта эсга олиш ва уларга тааллуқли мисол ва масалалар түзиш ва ҳ.к. Дарсда тақрорланган мавзу материали бўйича умумлаштириш берилади.

5. Уйга вазифа бериш.

4. Кейинги ишлардаги хатоларнинг олдини олиш мақсадида билим, кўникма ва малакаларни текшириш дарси

Ўқувчиларнинг билим, малака ва кўникмаларини текшириш учун алоҳида дарс бағишлиданади. Бундай дарсга мавзу ва бўлимни тугатгандан кейин ўтказиладиган ёзма назорат иши дарси мисол бўлади, бир хил структурага яқин структура билан олиб борилади. Масалан, 1) дарснинг мақсадини эълон қилиш, назорат ҳақида қисқача тушунча бериш;

2) назорат ишини ўқувчиларнинг ҳар бири мустақил бажариши;

3) ўқувчилар ишини йиғиш;

Ўқитувчи дарс тугашига 3-5 минут қолганда ўқувчиларга ишни тугатиш зарурлигини огоҳлантиради, яъни улар ҳамма ёзувларни ва ҳамма ишни текширишни эркин бажариб улгурсин. Кўйилган аниқ вақтда барча ўқувчилар ишни топширишлари зарур.

Ўқувчилар ишини текшириб бўлгандан кейин, иккинчи кун ўқитувчи назорат ишининг таҳлилини ўтказади, у ишнинг натижаси ҳақида сўзлаб беради, яхши ишларни ажратади, кўпол хатоларни айтиб ўтади.

Юқорида кўриб чиқсан математика дарснинг турларида дарснинг мазмунига боғлиқ бўлган баъзи бир хусусиятлар келиб чиқади. Яъни математика дарси ўқувчиларнинг амалий ишларига ҳам қаратилиши мумкин: ўлчашга доир, геометрик фигура чизиш, предметларни тортиш, ўқитувчи томонидан кўрсатмалар (инструктурлашни) киритиш, ўқувчиларни звенолар бўйича ишларини ташкил қилиш, бажарилгац ишларни ўқитувчи қабул қилиш ва бошқа ишларни амалга ошириши мумкин.

Бундай дастурнинг хусусияти шундан иборатки, бу ерда ўкувчилар фақатгина дарслик ва дафтар устида ишлаш билан шуғулланмай, балки ўлчаш, чизиш ва бошқа қуроллар билан ишлашга ўрганадилар.

Бундай амалий ишга боғлиқ бўлган дарслар қуйидаги бўлимларни ўз ичига олиши мумкин: ўлчаш вақтида қўлланиладиган прибор ва қуролларни кўрсатиш, унинг гузилишини қисқача баён қилиши, уни қўллаш қоидасини айтиб бериш; кесма, оғирлик ва бошқаларни ўлчаш усувларини тасаввур қилиш асосида ўкувчиларга алоҳида ўлчатиш; лаборатория характеристидаги мустақил ишлар, бу ишни текшириш ва ўз-ўзини текшириш, хуроса.

Амалий иш дарсларида тааллукли ишни ҳар бир ўкувчи бажарилишини назорат қилиб бориш керак. Баъзан ишни бажаришда ўкувчилар звеноларга бўлинади. бундай ҳолда звенонинг олдига вазифани шундай қўйиш керакки, ишда звенонинг ҳар бир аъзоси актив қатнашсин.

5. Ўкувчиларнинг индивидуал ва группавий ишлари

Индивидуал ва группавий ишларни ташкил қилишдан мақсад ўкувчиларнинг ўзлаштирган билимларида камчиликларни бартараф қилиш учун кураш, ўкувчиларнинг ўзлаштирумаслик сабабларининг олдини олиш ва уни бартараф қилишдан иборат. Группавий машғулотлар бутун синф ўкувчилари билимдаги камчиликлар бир хил бўлгандагина ўтказилади. Баъзан бундай машғулотлар индивидуал характеристерда бўлиши мумкин. Бундай машғулотларнинг тафсилотини М.И.Моро билан А.М.Пишкано шундай дейди: “Бундай муваффақиятга эришмоқ учун у ёки бу ўкувчининг ўзлаштирумаслик сабабларини аниқ билиш, улар йўл қўядиган хатоларни аниқ ҳисобга олиш керак.. бу ўкувчи қайси босқичда “қоқилишини”, нимани етарлича ўзлаштирумаганини аниқлашга ёрдам беради”.

11-мавзу

Куйи синфларда математикадан синфда ташқари ишлар

Режа:

1. Математикадан синфдан ташқари ишларнинг моҳияти ва унинг турлари.

2. Математика тұғарғы.
3. Математик конкурслар.
4. Математик олимпиадалар.
5. Математик газета ва викториналар.

1. Математикадан синфдан ташқари ишларнинг моҳияти ва унинг турлари

Синфда ташқари ишлар ўқувчиларнинг математик билимларини чукурлаштириш ва кенгайтириш, мураккаб мисол ва масалаларни ечишни машқ қилиш, математиканинг ҳаёт билан боғлиқ бўлган томонларини очадиган ва дастурга кирмаган баъзи саволлар билан таништиришни мақсад қилиб олади.

Мактабда синфдан ташқари ишларнинг қўйидаги турлари учрайди: Математик тўтараклар, олимпиадалар, қизиқарли математик кечалар, математик экспурсиялар. Шунингдек математик газетани чиқариш, математик викторина ва бурчакларни ташкил қилиш ҳам киради. Математикадан синфдан ташқари ишлар деганда ўқувчилар дарсдан ташқари вақтда ташкил қилинган дастур билан боғлиқ бўлган материал асосида ихтиёрийлик принципига асоланган машғулотлар тушунилади.

Синфдан ташқари ишлар орқали қўйидагилар омалга оширилади: билимларни ва амалий кўникмаларни чукурлаштириш ҳамда кенгайтириш; ўқувчиларнинг мантикий тафакурларини, топқирликларини, математик зийракликларини ривожлантириш; математикага қизиқишларини орттириш, қобилиятли ва лаёқатли болаларни топиш, талабчанлик, иродани тарбиялаш, меҳнатга муҳаббат, мустақиллик, уюшқоқлик ва инсонийликни тарбиялаш.

Синфдан ташқари ишлар дарсларга нисбатан баъзи фарқ қилувчи хусусиятларга эга:

1. Ўз мазмуну бўйича математика дастурига тааллуқли эмас. Аммо бериладиган билимлар ўқувчиларнинг кучига мос бўлиши керак.

2. Синфдан ташқари ишлар имкони борича барча ўқувчиларни жалб қилиш яъни қизиқтириши зарур. Паст ўзлаштирувчи ўқувчилар ҳам қизиқиш ёрдамида актив ўқувчиларга айланиши мумкин.

3. Синфдан ташқари ишлар ихтиёрийлик принципига асосан курилади. Лекин қизиқиши таъминлаш лозим. Бу машғулотларга баҳо қўйилмайди, аммо фаол иштирок этган ўқувчилар рағбатлантирилади.

4. Машғұлот мазмұни ва формаларига қараб, 10-12 минутдан 1 соаттагача мүлжалланған бўлиши мумкин.

5. Синфдан ташқари ишларнинг мазмұни ва формаларининг турли-туманлиги.

Синфдан ташқари ишларга қизиқарли матнли масалалар, үткир зеҳнлиликка оид масалалар, ҳазил берилған маълумотларни етишмайдыган ёки берилған маълумотларни ортиқча масалалар, логик масалалар, қизиқарли математик воеалар, арифметик ребуслар, ўйинлар, фокуслар, бошқотирмалар ва бошқалар киради. Мактаб амалиётіда ҳозир куйидагилар учрайди: математик 10 минутликлар, соатликлар, математика кечалари, математика тўгараклари, әрталиклар, викториналар, конкурслар, олимпиадалар.

Синфдан ташқари ишларни ташкил қилиш ва ўтказиш методикаси куйидагиларга асосланиши керак:

1. Дарсда ўкувчилар олган билим, малака ва кўнилмаларни ҳисобга олган ҳолда ўтказилади.

2. Синфдан ташқари ишлар ўкувчиларнинг ҳоҳиши, ҳаваскорлиги, ижодкорлиги принципларига асосланиши ва уларнинг индивидуал фикрларини қонниктириш мақсадида ташкил қилинади.

3. Синфдан ташқари ишларни ўтказиш формалари дарслардан фарқ қилиб қизиқарли томони кучли бўлади. Бунинг учун бунда бир зарурий шарт шуки, ўтказиладиган ишнинг режалаштирилиши ва системалигигининг мураккаблигидадир.

2. Математика тўгараги

Математика тўгарагини 1-синфнинг иккинчи чорагидан бошлаб ташкил қилиш мумкин. Ундан кўзда тутилған мақсад математикага бўлган қизиқиши ортириш, фикрлашни активлаштириш, математик қобилятни ривожлантириш, мустақил ишлаш малакасини ҳосил қилиш, ўз кучига ишончни ва олдиндан туғиладиган қийинчилекни енгишга ўргатиб боришдан иборат.

Тўгарак иши мазмұнига меҳнат қобилятини ўстирувчи масала ва мисоллар ечиш, ўкувчиларнинг фикрлашини ўстирувчи саволларни киритиш, конкретликдан абстрактликка ўтиш қобилятини ҳосил қилиш ва зарурий умумлаштиришларга олиб келиш киради.

Қизиқарли характердаги машқларни бажариш асосий роль ўйнайди. Унга арифметик фокуслар, қизиқарли, квадратлар, топишмоқлар, математик ўйинлар ва бошқалар киради.

Тўгараклар машғулоти ҳар ҳафтада ўтказилиши ва 2-синфда 30-40, 3-синфда 40-45 минут давом этиши мақсадга мувофиқдир. Математика тўгарагида куйидаги ишлар олиб борилиши кўп учрайди:

1. Мустақил мисол ва масалалар ечиш.

2. Мисол ва масалаларни ҳар хил методлар билан ечиш.

Масалан, 1 рақамидан бошлаб, сонлар ёрдамида арифметик амаллар бажариб, 1 сонини ҳосил қилиш.

$$1+2+3+4+5-6-7+8-9=1 \quad 1*2*(3+4)+5+6-7-8-9=1$$

$$(12-3+4-5+6):7+8-9=1 \quad 1+2+3+4-5+6+7-8-9=1$$

3. Кўргазмалиликни мустақил қўллаш.

Мисол. Ноннинг оғирлиги $1/4$ қисмигача 900 г. келади. Ноннинг оғирлиги қанча?

900 гр

Тўгарак давомида математик фокус, ўйин, топишмоқлар машғулотнинг қизиқарли ўтишига ёрдам беради.

Мисол, натурал сонлар тўпламининг тартибланганлик хоссасига доир фокуслар.

Мақсади: Санаш малакасини мустаҳкамлаш, мантиқий фикрлашни ривожлантириш, қизиқарли квадрат (1-2-синфларда), 9 катакка 9 та кетма-кет сонни ёзади.

Мисол, 4 дан 12 гача 20 сонини ҳосил қилиш учун 4 дан бошлаб сон кўшилади.

3. Математик конкурслар

Конкурслар ҳар хилдаги қийин масалаларни ечиш, қизиқарли фикрлайдиган масалаларни ечиш ва топшириқлар бажаришдаги мусобақалар бўлиб ҳисобланади. Асосан ўқувчиларнинг ҳоҳиши бўйича масалалар ечиш ўз кучини синайдиган, етарлича тайёргарлиги борлари иштирок қиласди. Конкурслар ўтказишни 2-синфдан бошлаш мақсадга мувофиқдир.

Қўйида 2-синфларда конкурслар ўтказишга мисоллар келтирамиз. 2-синф (3-чорак).

№ 1. Икки ўрам жун ипдан 3 та шапқа тўкиш мумкин. Шундай 9 та шапқа тўкиш учун неча ўрам ип керак?

№ 2. Вали ва Салимнинг 30 та конфети бор эди. Улар баравардан ейишгандан кейин Валида 9 та конфет қолди улар қанчадан ейишган?

№ 3. шаклда нечта уч бор?



№ 4. 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9 сонлари берилган. Бу қатордаги сонлардан утталаб қүшгандың 15 сони чиқадиган нечта мисол көлтириш мүмкін.

4. Математик олимпиадалар

Олимпиадалар конкурsgа қараганда кенг маштабда үтказиладиган ва математика ўрганишда ўкувчилар эришган мұваффақияттарни намойиш қиласынан иштеді.

Олимпиада қатнашчиларининг таркибига боғлиқ ҳолда мактаб ичида, район ва шаҳарларда үтказиш мүмкін. Олимпиаданы 3-синфдан бошлаб үтказыб ғолиблар мактабнинг деворий газеталарида ва ўкувчилар йиғилишларыда рағбатлантирилады.

5. Математик газета ва викториналар

Газета, викторинада ҳар хилдаги математик ўз ичига олған топишмоқ, ребус, мияни чалғитувчи материаллар чиқарып борилады. Газеталар чиройлы безалған бўлиб, мисол ва топшириклар расмларда берилиб қизиқишига қарашади.

Викторинада осса ўкувчиларга ечишни тавсия қилинадиган топшириқ берилади. Унинг жағоблари белгиланган вактда ўкувчига етказилади.

12-мавзу

Ўкувчиларнинг математикадан билим, малакаларини текшириш методлари

Режа:

1. Ўкувчилар билимини ўкув жараёнида текширишнинг аҳамияти.
2. Ўкувчилар билимини оғзаки сўраш орқали аниклаш.
3. Ўкувчилар билимини ёзма иш орқали аниклаш.
4. Билимларни назорат қилиш түрлари.
5. Баҳолаш ва баҳе нөрмаларі.

1. Ўқувчилар билимини ўқув жараёнида текширишнинг аҳамияти

Математика ўқитишида ўқувчиларнинг мисол ва масалаларни түгри ечилганлигини текшириш муҳим аҳамиятга эга. Шу нарса маълумки, шу ҳолдагина ўқув ва малакаларни эгаллаш манбай бўлади, агарда ўқувчи унинг түгри ечилганлигига ишонч ҳосил қиласа, ўқитувчининг баёни, дарслекларни ўқитиш ёки мустақил умумлаштириш орқали олинган ўқувчилар билимида етишмовчилик, қоранди томонлари бўлиши мумкинки, уларни ўқувчиларнинг ўзлари сезмайди ва ўқитувчи томонидан уни тўлдириб боришни талаб қиласи. Шунинг учун ўқувчилар билим ва малакасини текшириб туриш ҳамма нарсадан ҳам зарур.

Бу текшириш ўқитувчи учун ҳам керак, чунки усиз ўқиш натижаларини билиш, синф билимидаги етишмовчиликларни, шуниндек алоҳида ўқувчилардаги камчилкиларни аниқлаш ва уларни тўғрилаш учун чора тадбирларни, шунингдек алоҳида ўқувчилардаги камчиликларни белгилаб чиқиш мумкин эмас.

Математикадан билимларни текширишда фақат дастур талабига яраша у ёки бу билимларнинг ўқувчилар онгидаги бўлишлигини ҳисобга олмасдан, балки сифатини характерлайдиган қўйдагиларни ҳам эътиборга олиш керак:

- 1) тўғрилик яъни ўқувчилар мулоҳазаси ва тушунчалари ўқитилаётган объектга мос келиши;
- 2) аниқлик, яъни деталларнинг тўғрилиги;
- 3) тўлиқлик, яъни объект ва жараёнларга тааллукли мулоҳаза ва тушунчаларнинг етарли ва тўлиқ бўлиши;
- 4) чуқурлик, яъни объект ва жараёнлардаги муҳим белгиларни тушунча ва мулоҳазаларда акс эттириш;
- 5) онглилик, яъни тушунчалар орасидаги боғланишини тушуна олиш ва мулоҳазаларни асослай олиш;
- 6) мустаҳкамлик, яъни ўқувчилар хотирасида узоқ сақлаб қолиш.

Ўқувчилар билимини текшириш ва баҳолаш дидактикада барча фанлар учун умумий қилиб берилган. Билимларни текшириш ва баҳолаш мақсади ўқитувчи учун ўқув материалини ўқувчиларнинг ўзлатириш сифатини, дастурдаги билимларни эгаллаш даражасини, малака ва кўникмаларни ҳосил қилинганигини аниқлашдан иборатdir.

Бу орқали ўқитувчи ўқувчиларнинг ўқув фаолиятини ўқувчилар математикадан ўзлаштириш мажбурий бўлган билимлар ҳажмини ўқув дастури билан солиштиради. Шу ҳажмни

ўзлаштириш ва мустақил масалалар ечишга эришиш учун лозим бўлган билимлар ҳосил бўлдими ёки йуқми эканлигини доимо назорат қилиб боради.

Янги масалаларни ечишда билимларни амалиётга қўллаш па ўқитувчи томонидан ўқувчиларнинг математикадан билим ва малакаларини текширишнинг усууллари хилма-хил бўлиб, улар ўқувчиларнинг оғзаки ёки ёзма баён қилиши, масала ёки мисол очиши, аниқ, билимлардан фойдаланиб чизиш, ўлчашдан, лаборатория ишларини бажарилиши кабилар орқали аникланади. Ўқувчининг жавоби тўғри ифодаланган бўлсада, у ўқувчи билимининг ҳақиқатлиги тўғрисида гувоҳ бўла олмайди, чунки ўқувчи материални механик ўзлаштиргандир.

Масалан, ўқувчи кўпайтмани кўпайтиришдан ҳосил бўлишини билсада, “кўпаювчи 15, кўпайтувчи 6, кўпайтмани топинг” - деган масалани ечишда қийналади. Шунинг учун ўқувчининг ҳар бир жавобида юқорида айтилган босқичларни бажариш зарур.

2. Ўқувчилар билимини оғзаки сўраш орқали аниқлаш

Ўқувчилар билимини текширишнинг бир усули ўқувчилардан индивидуал сўраш ҳисобланади. Бу сўраш унча катта бўлмаган оғзаки ҳисоблаш билан боғланган бўлиши керак. Бундай сўрашни ўқитувчи одатда уй вазифасини текшириш билан боғлади.

Оғзаки ҳисоблаш малакаларини текшириш мақсадида синфнинг барча ўқувчилари билан мисол ва масалада ечиш қўлланилади. Ўқитувчи мисолни айтади, ўқувчилар оғзаки ечиб, дафтаридағи тааллуқли номер тўғрисига фақат жавобларини ёзиб қўядилар. Бундай топшириқни ҳар бир дарсда 7-10 минут давомида ўтказиши мақсадга мувофик.

3. Ўқувчилар билимини ёзма иш орқали аниқлаш

Билимларни тўлароқ текшириш учун дастурнинг ўтилган бўлими ёзма ишлар олинади.

Масалан, IV синфда кўп хонали сонларни номерлаш ҳақида ўқувчилар билимини текширишдаги ёзма ишга қуйидаги саволларни қўйиш мумкин.

Савол ва мисоллар.

1. Юз минг ўн мингдан неча марта катта?

Нима текширилади.

Турли разрядли бирликлар орасидаги муносабат.

- Саккиз минг нечта юз?
- 542000 дан нечта ўн минг бор?
- 267805 даги энг юқори разрядни топинг.
- Иккинчи синф бирлигини топинг.
- Турли разряд бирликларини, аҳамиятини 3 рақами ифодалайдиган иккита сон ёзинг.
- 7,8 ва 9 рақамлар ёрдамида иккита учхонали сон ёзинг.
- Барча рақамларни ёзинг.
- 37245 сонни қўшилувчи разрядларининг йифиндисига алмаштиринг.
- 999+2, 1000000-1, 9998+3, 10000-2 мисолларни ечинг.
- 997 ва 1002 сонларининг орасида қандай сонлар бор.

Разрядли синфларнинг номерини билиш.

Рақамлар ўрнининг аҳамиятини билиш

Рақам ва сон орасидаги фарқни билиш

Сонли қўшувчи разрядлар йифиндисига алмаштириш малакаси.

Номерлаш билимининг арифметик амаллар бажаришга тадбиқ қилишни билиш.

Натурал сонлар қатори кетма-кетлигини билиш.

1-3 вазифаларни ўқитувчи оғзаки баён қилади. Ўқувчилар эса мисолларга тааллуқли жавобларни дафтарига шу номерлар ёнига ёзиб қўяди. 9-11 вазифалар эса синф доскасига ёзилади. Ўқувчилар уни дафтарига кўчириб оладилар. Шунинг учун 9-11 вазифаларни 2 вариантда тузиш керак. Бу бир-биридан фақат сонлари билан фарқ қилиши лозим.

Ўқитувчи ўқувчилар ишини текширади, уларнинг йўл қўйган хатоларини қайд қилади, кейин ёзма ишни хulosалаш мақсадида баҳолар жадвали тузилади.

4. Билимларни назорат қилиш турлари

- Жорий (кундалик) назорат;
- Оралиқ (тематик) назорат;
- Якуний (даврий) назорат;

I. Жорий назорат қилишда билимларни ҳар бир синф учун мўлжалланган дарслик ва дарслик ва дастур бўйича олиб борилади. Ҳар бир дарсда ўтилган мавзуни ўзлаштириш сифатини аниқлайди. Ҳар бир дарсда дафтардаги уй вазифасини, ўтилган темани ўзлаштирилганини текширади ва баҳолайди.

Жорий назоратнинг асосий методи уй вазифасини текшириш ва улар билан савол-жавоб ўтказишdir. Ўқитувчи дарсда нимани ва кимдан сўрашини режалаштириб келиши зарур.

Ўқитувчи ҳар бир дарсда илгари ўтилган материалдан фойдаланишга мажбур, чунки ҳар бир янги тушунча илгари урганилган билимлар асосида тушунтирилади. Жорий назорат ўтилган материални яна қайта эслашга имкон беради, янги материал билан илгари ўрганилган материал ўртасидаги узвий боғланишини вужудга келтиради. Ўқитувчи ҳар бир дарсни режалаشتираётганды жорий назоратнинг қуидаги уч хил кўринишини эътиборга олиши керак:

- а) ўтган дарснинг материалини сўраш;
- б) илгари ўтилган бўлиб, ҳозир ўтиладиган дарсга бевосита боғлиқ бўлган материални сўраш;
- в) дарсда тушунтирилган материални мустаҳкамлаш мақсадида сўраш. Ўқитувчи дарсга тайёрланганда конспектда ҳар учала тур назорат учун ҳам саволлар мажмуасини тузиб келиши зарур.

II. Оралиқ (төматик назорат).

Ўкув дастуридаги асосий тушунчалар дарслар системаси орқали ўтиб бўлгандан кейин, ёки дарслиқдаги бирор боб гугагандан кейин оралиқ назорат ўтказилади. Оралиқ назорат учун маҳсус ўкув, малака ва кўникмаларни назорат қилиш дарси ўтказилади, у ўқитувчининг иш режасида кўрсатилган бўлиши керак.

Ҳар бир бобда ўзлаштирилган тушунчалар кейинги ўкув ишини муваффақиятли олиб бориш учун зарурдир. Шу мақсадда оралиқ назорат дарсини ўтказишга олдинги бобдаги асосий тушунчаларни тақорорлаш, камчиликларни тўғрилаш зарурати туғилади.

Сўраш режасига ўқитувчи саволлар мажмуасини тузади, мисол масалаларни ечишни аниқлайди. Ёмон ўзлаштирилган саволларга аниқлик киритилади, қайта тақорорланади. Ўқитувчилар билимига яраша баҳоланади.

Масалан, 2-синфда “20 ичидаги сонларни кўшиш ва айриш” бобидан кейин оралиқ назорат ўтказилади.

III. Якуний назорат

Бу назорат чорак, ярим йил, йил охириларида ўтказилиб, унга ҳам маҳсус “Ўқитувчилар билим, малака ва кўникмаларини текшириш” дарси ажратилади. Шу вақт давомида олган билимлар юзасидан саволлар тузилади, ёзма иш ўтказилади ва баҳоланади.

Якуний назоратда олган балларини тўплаш ва уни баҳолашда ўқитувчи маҳсус дафтарида қуидагича қайднома юритса яхши бўлади.

№	Исми ва фамилияси	Топшириқ турлари					
		уй вазифаси	доска-даги жавоби	парта-даги жавоби	дафтар аҳволи	мустақил иш	умумий баҳо
1	Алимов У.	4	5	5	5	5	5
2	Акбаров К.	3	3	3	3	2	3

5. Баҳолаш ва баҳо нормалари

Ўқитувчиларнинг билими ва малакаларидаги асосий камчиликларининг ҳисобга олиб борилиши ўқитувчига ўзи йўл кўйган камчиликларни билишига ва ўқувчиларнинг ютуқ ва камчиликларини аниқлашга катта ёрдам беради. Ўқувчилар билими, малакаси, кўнижмасини текшириш ҳар доим баҳолаш билан олиб борилади.

Ўқитувчи кўйган баҳо ўқувчилар ўз-ўига берадиган баҳо билан бир хил бўлгандагина энг кўп самара беради. Ўқувчиларнинг билимини систематик баҳолаш, уларнинг ютуқ ва камчиликларини характерлаш ўқитувчига синфдаги мавжуд ўзлаштириш вазиятини аниқлашга олиб келади.

Ўқувчиларнинг ўзлаштиришини характерлаш учун баҳо ҳам зарурдир. Чунки ўқувчи қанча кўп баҳоланса, шунчалик кўп тайёрланишга, уй вазифасини бажаришга интилади, доимо дарс учун сергак бўлиб туради.

Хозирги пайтда баҳо нормалари 100 баллик бўлиб, уни 5 балликка айлантириш орқали амалга оширилмоқда.

“2” баҳо “55” баллгача.

“3” баҳо “55-70” балл.

“4” баҳо “71-85” балл.

“5” баҳо “86-100” баллар орасида кўйилади.

13-мавзу

Бошланғич синф математика дарсларида кўргазмалиликнинг аҳамияти ва уни кўллаш

Режа:

1. Математика ўқитишда кўргазмалиликнинг аҳамияти.
2. Кўргазма қуролларга кўйиладиган талаблар.
3. Кўргазма қуролларнинг турлари.
4. Ўқувчилар билан кўргазма қуроллар тайёрлаш.

1. Математика ўқитишида күргазмалиликнинг аҳамияти

Күргазмалиликнинг турли жил манбаларидан фойдаланиш ўқувчиларни активлаштиради, уларнинг диққатини ўйғотади ва ривожлантиради, ўкув материалини мустаҳкам ўзлаштиришини таъминлайди ва вақтни тежаш имконини беради.

Табиий фанларга қараганда математикадан күргазмалилик ва күргазма манбаи тубдан фарқ қиласи. Табиат фанларида нарсаларнинг айнан ўзини кўрсатиш имкони бўлса, математикада эса абстракт характерга эга, бўлаётган ҳодисанинг ўзини айнан курсата олиш имкони кам. Математикада күргазмалилик:

1) кўрсатилаётган обьектлар тўпламишининг элементлари сифатида қаралади, улар устида баъзи амаллар бажариш мумкин. Масалан, ўқитувчи саватдаги олма, дараҳтдаги қушлар ҳақида гапирганда, олманинг ёки қушларнинг қандайлиги ҳақида тўхтамайди, балки уларнинг сони ва сонли муносабатини аниқлайди;

2) у ёки бу нарса ҳақида гап юритилганда, унинг формасини ёки нарсанинг микдори сонли муносабатини ўз ҳолича ва формаларини кўришда кўпинча ҳодисанинг айнан ўзидан фойдаланиб бўлмайди. Шунинг учун ўқитувчига турли хилдаги күргазмалилик, 1-навбатда моделлар, чизма, схемалар ёрдам беради. Математика ўқитишининг турли хил босқичларида ва унинг турли хил бўлимларида күргазмалилиқда бир хilda фойдаланиш керак эмас. Масалан, математика ўқитишининг 1-этапларида тўплам элементлари билан доимо мулоҳаза қилишга тўғри келади. Лекин бу күргазмалиликнинг роли секинлик билан камая бориб, унинг ўрнини символлар (ракам, белги) эгаллай бошлайди. Масалалар ечишда эса күргазма сифатида нарсалар ва уларнинг тасвиirlари қўлланилади.

Геометрия ўқитишида эса фазовий ва форма муносабатларнинг кўргазмаси сифатида турли хил моделлар ва уларнинг тасвиirlаридан фойдаланилади. Шу билан бирга ўқитишининг 1-қадамидаёқ, ўқувчиларнинг тасаввур қилиш қобилиятини ривожлантириш керак: чексиз тўғри чизик, нур, бурчак ва бошқалар ҳақидаги тасвиirlарни тўғри чизиқдан бошқа моделлар билан кўрсатиш имкони йўқ.

2. Күргазма куролларга қўйиладиган талаблар

Күргазма энг эффектив бўлиши учун у баъзи бир талабларга риоя қилиши керак. Кўргазмали куролларга қўйиладиган умумий талаблар: мазмунининг илмийлиги, ўкув дартурига мослиги, ўкувчиларнинг ёш хусусиятларига мос бўлиши. Ясалиши ва ички кўринишнинг кўриш масофасига мослиги, бажарилишнинг тозалиги, фойдаланиш қулайлиги, математикани тушунтиришга фойдалилиги. Математика ўқитишдаги кўргазма манбалари мазмун жиҳатдан содда ва аниқ бўлиши керак. Бу кўргазма куроллар математика ўқитиш босқичларида кетма-кет қўйидаги тартибда қўлланилади: 1) атрофдаги мавжуд нарсалар (синф хонасидаги нарсалар, ўсимликлар), 2) ўкувчиларга яхши таниш бўлган нарсаларнинг тасвирлари ва расмлари, 3) шу нарсаларнинг шартли тасвирлари (автомобилни тўғри тўртбурчак деб), 4) схемалар ва ҳоказо.

3. Кўргазма куролларнинг турлари

Бошлангич математика ўқитишда турли хил кўргазма куроллар қўлланилади, уларни қўйидаги турларга бўламиз.

1) атрофда мавжуд предметлар. Ўкувчиларга 1-кундан атрофдаги нарсалардан санаш, кўшиш, айришда фойдаланиш мумкин. Масалан, китоб, дафтар, қалам, саноқ чўплари ва ҳоказо.

2) тасвирий кўргазма куроллар. Бундай кўргазма куроллар турига ўкувчиларга таниш бўлган ўкув жадваллари ва расмлардан бошқа куроллар киради (ўсимлик, ҳайвон, қурилиш машина ва ҳ.к.). Масалан, арифметик амаллар бажаришда 10 та бир хил бўлган жўжанинг расми чизилган картондан фойдаланиш мумкин. Шунингдек, бундай кўргазма куроллар турига ўлчов прибор ва асбобларнинг моделлари (соат стрелкаси, тарози, мензурка), ўлчов модели (метр, литр) кабилар киради.

3) жадваллар: жадвал деб бирор тартиб бўйича қаторлаарга ёзилган сон ёки матнли ёзувга айтилади. Бу материалларнинг ҳаммасини бирлаширувчи мавзу қўйилади. Жадваллар қўлланишига қараб қўйидаги 4 турга бўлинади: а) билишга, б) кўрсатма беришга, в) машқ қилишга, г) маълумот беришга (справочник) доир бўлади.

Билишга доир жадвалларда янги материалларни баён қилишда қўлланиладиган ва янги маълумотларни ўз ичига олган жадваллар киради. Булардан ўкувчилар билимини кенгайтириш ва умумлаштириш мақсадида такрорлашларда ҳам фойдаланиш

мумкин. Бундай жадвалларга саноқ бирликларининг разряд ва синфларини кўрсатувчи жадвал, узунликларини ўлчаш каби жадваллар киради. Кўрсатма (инструктив) бериш жадваллари ўёки бу амалларни бажариш, масала ечиш, ҳисоблаш малакасини оширганда кўлланилади, бундай жадвалда рақамларнинг қўлёзма намунаси, арифметик амалларнинг бажариш тартибини кўрсатувчи жадваллар мисол бўлади. Бундай жадваллар синфда узоқ вақт илиниб туриши мумкин, чунки у ўқувчиларга доимо қўргазма бераб туради.

Машқ қилиш жадваллари ҳисоблаш малакасини шакллантириш мақсадидаги кўпгина машқларни бажаришга мўлжалланади. Бундай жадвалларга оғзаки ҳисоблашда кўлланиладиган қўйидаги жалвалларни мисол келтириш мумкин. Қўшиш ва кўпайтириш (Пифагор) жадваллари.

Справочник жадваллари ўқувчиларнинг мисол ва масалаларни ечишда шунингдек, фактик ишларни бажаришда керакли бўлган материалларни ўз ичига олади. Булар ҳам қўргазма бериш жадвалидек узоқ вақт синфда илиниб қўйилади. Бундай жадвалга метрик ўлчов бирликлари жадвали, вақтни ўлчаш жадваллари мисол бўлади.

4) ҳисоблаш асбоблари. Бундай қўргазма қурол турига чўт, абак, арифметик қути ва компьютер киради. Абак ёки ҳисоб доскаси кўпинча кўлдан ясалади. 70x30 см доска олинади ёки доскада З та сонли разрядга тааллуқли вертикал йўлаклар чизилади. Улар бирликлар, ўнликлар, юзликлар. Разрядлар кўринарли бўлиши учун йўлаклар ҳар хил ранг билан бўялади, ҳар хил йўлакчада юқоридан пастга қараб 10 тадан мих урилади, уларнинг ҳар бирига фанер ёки картондан ясалган филдираклар кийгизилади. Ҳар бир филдирак битта разряд бирлигини билдиради. Арифметик яшик куб формасида ясалаб, иккита томони очиладиган бўлади. У кўп микдордаги ҳисоблаш материалларини ўз ичига олади: бруск, ёғоч куб, квадрат доска ва ҳ.к. Куб, бруск, доскалардан номерлаш ва санашни ўқитишда фойдаланиш мумкин.

5) ўлчов асбоблари. Ўлчов асбоблари ўқитиш жараёнида икки томонлама роль уйнайди: а) амалий мазмундаги масалаларни ечиш ва турли ишларни бажаришда ўлчаш учун ишлатилади, б) ўлчов бирликлари ўртасидаги боғланиш ва ўлчов бирликларини ўқитишда ёрдамчи қўргазма қурол сифатида ишлатилади.

Бошлиғич синфларда узунлик, оғирлик, ҳажм, юза ўлчов асбоблари қўлланилади ва асосий ўлчаш ишлари бажарилади.

Ўлчов асбобларига қўйидагилар киради:

- 1) чизиш линейкаси, учбурчак, метрли линейка, рулетка, ўлчов циркули;
- 2) паллали тарози, тошлари билан, циферблатли тарозилар;
- 3) литрли ва ярим литрли идишлар, кружкалар;
- 4) циферблат;
- 5) палетка;
- 6) синф циркули.

6. Диопозитивлар ва диафильмлар

Диопозитив нарсаларнинг тасвирини позитив қилиб туширилган плёнкаларни маҳсус аппарат ёрдамида экранда проекциясини катталаштириб кўрсатадиган асбобдир. Диопозитивнинг қўлланиш чегараси катта ва ундан дастур мавзуларини ўқитишида кенг фойдаланиш мумкин.

Диопозитив лентаси тартибли 30-50 кадр киноплёнкадан тузилса диафильм деб аталади. Унда бирор ҳодисанинг ёки амалнинг бажарилишини тартиб билан кетма-кетликда кўриш мумкин. Бошланғич синфларда кўрсатиш учун куйидаги диафильмлар ишлаб чиқилган: а)геометрик материал, б) қизиқарли арифметика, в) сонларнинг геометрик фигурулар орқали тасвирлари, г) сонларни нуқта ва кесма орқали тасвирлаш, д) 2-синфда математика ўқитишига доир (кўпайт жад), е) тўғри тўртбурчак, унинг периметри, юзи, ж) сонларни таққослаш, з) сана ўйла, еч.

7) Расмли тасвир. Одатда расмли тасвирга дарсликдаги турли хил предметларнинг расм ва тасвирлари, чизмалар, схема ва жадвал расмлари киради. Расмли тасвирлар зарурлигига қараб, алоҳида қоғозга катта қилиб ёки диопозитив кўринишида кўрсатилиши ёки уни ўқитувчи доскада чизиши мумкин.

Дарсликларда масаланинг матни билан биргаликда, масалага тааллуқли сонлар ёрдамида уларнинг расмлари ҳам берилади. Улар тузиш ва ечишда катта аҳамиятга эга.

8) Дидактик (ўқув) материаллар. Ўқувчиларда математик тушунчаларни, ҳисоблаш ишларни, ўлчаш ва график масалаларни шакллантиришда турли хилдаги дидактик материаллардан фойдаланилади. Дидактик материаллар ўқувчиларнинг мустақил ишлари учун ўқув қўлланма бўлиб, ўқув жараёнини активлаштириш ва индивидуаллаштириш омилидир.

Математикадан дидактик материаллар:

1) предметга тааллуқли дидактик материаллар бўлиши мумкин.

Предмет дидактик материалга ҳисоб чўпи, турли хилдаги геометрик фигураналар тўплами ва ҳ.к.лар киради. Математик машқли карточка материалларидан ўкувчиларнинг индивидуал хусусиятларига мўлжалланган бўлиб, кўпроқ машқли карточка материалларидан ўкувчиларнинг индивидуал хусусиятларига мўлжалланган бўлиб, кўпроқ машқ бажаришни таъминлайди.

Синф доскасидаги ёзув, чизма ва схемалар кўргазмалиликнинг бир манбаи сифатида фойдаланилади.


Чизма ва схемалардан нарса ва ҳодисаларнинг белгиларини, моҳиятини кўрсатиш формасида фойдаланилади. Чизма ва схемелар орқали масаланинг мазмунини тушунитириш, предмет ва ҳодисалар орасидаги боғланишни кўрсатиш мумкин. Улар шунинг учун математика ўқитишда ёнг муҳим манбалар бўлиб ҳисобланади.

Расмларни шартли белгилар билан алмаштириш, одатда тўртбурчак ва йўлакчани кесмалар билан алмаштириш орқали масаланинг схемасини тузишда фойдаланиш мумкин.

Масалан, график илюстрация турларидан бири диаграмма бўлиб ҳисобланади. Диаграммалар нуқталар орасидаги боғланишларни кўрсатиш формаси бўлиб, ўкувчилардаги тўртбурчакли координата системаси ва функция, графикларнинг муҳим бошланғич билан танишитириш манбаидир.

Диаграммалар усули, чизиқли, йўлакчали, секторли турларга бўлинади. Ўкувчилар уларнинг тузилишини, ўқилишини ўрганадилар ва диаграммадан фойдаланиб масалалар ечадилар, бошланғич синфда 1-учта диаграмма билан танишадилар.

Масалан, йўлакчали диаграммадан фойдаланиб зарурий ўлчамлар ёрдамида автомобилларнинг ўртача тезлигини аниқлаш мумкин ва уларнинг катталикларини тушунитириш мумкин, катталикларни ечилаётган масалага тадбиқ қилиш мумкин.



4. Ўкувчилар билан кўргазмали қуроллар тайёрлаш

Кўпгина кўргазмали қуролларни: таблицалар, баязи моделлар индивидуал фойдаланиш учун абак, палетка, ҳисоблаш материаллари, тарқатадиган материалларнинг баязи турлари ва бошқаларни ўкувчиларнинг ўзлари ясаси мумкин.

Ҳар бир кўргазмали қуролни тайёрлашда ўкувчиларда унга нисбатан қизиқиш ҳосил қиласди, уни математик структурасини билиш иштиёқи туғилади. Бу эса ўкув материалини яхши

тушунишга ва ўзлаштиришга олиб келади. Кўргазма қуроллар тайёрлаш жараёнида предметлараро алоқани юзага чиқариш мумкин: биринчи томондан ўкувчилар ўзларининг математик билим ва малакаларини (ҳисоблаш, ўлчаш, чизиш) қўлладидар, иккинчи томондан меҳнат дарсларида фойдаланадилар. Ўкувчилар таёrlаган математикадан кўргазма қуролларга мисоллар келтирамиз ва уларни ясаш ҳақида қисқача кўргазма берамиз.

1. Тарқатиш материаллари. Геометрик фигура, юлдузча, қофоздаги расмлар ва бошқа предметлар қофоз ва рақдан ёки картондан ясалиши мумкин. Расмларни қўпайтириш учун картон қолип ёки штампалар қўлланилади. Уларни қўпайтиришда картошка ёки резинадан фойдаланиш мумкин.

2. Суратли домино ва лото. Домино 5-10 ўлчамдан картондан тайёрланиб, оддий доминодан шу билан фарқ қиласдики, айлана кўзлар ўрнига турли гурухлардаги предметнинг расмлари ишлатилади.

Лото суратида ҳам предмет гурухлари тасвиirlанади. Лекин бу ерда сон ўрнида ишлатилади. Доминодаги айлана кўзлар ўрнига предметлар расмларининг сони кўйилади.

Суратли домино ва лотодаги ўйин қоидалари одатдагидек бўлади. Бу ерда болалар фақат санашнигина билиб қолмасдан, балки турли хил предметларни бир-бири билан таққослайди ҳам. Бундай ўйинлардан паст ўзлаштирадиган ўкувчилар билан ўtkазадиган индивидуал машғулотларда фойдаланиш мумкин.

3. Индивидуал фойдаланадиган абак.

Абак унча катта бўлмаган қаттиқ қофоздан тайёрланиб, биринчи учта сонли разряд мос ҳолда йўлакчаларга ажратилади. Ҳар бир йўлакчада 10 тадан айлана ёки квадрат шаклидаги чукурча ясалади. Чукурчаларнинг тагига рангли қофоз елиманади, яъни чукурчалар яхши кўринсин учун. Ҳар бир йўлакчанинг устини ёпиб турадиган ва харакатланадиган йўлакча қофоз кесиб кўйилади. Йўлакча қофозни харакатлантириши билан керакли чукурчаларни очиш ёки ёпиши мумкин. Масалан шаклда 342 тасвиirlанган.

4. Харакатланувчи стрелкали соат циферблатининг модели. Доира олиб уни шундай бўлиш керакки, ўкувчилар соатни кўрсатиб турганини аниқ кўрсинг. Лекин бошланғич синф

юзлик	үнлик	бирлик
●	●	●
●	●	●
●		

ұкувчилари айланани тенг 12 га бўлишни билмайдилар. Шунинг учун картондан 10-12 см диаметрли доира формасидаги қолип ясаб, уни 12 та тенг бўлакка бўлиб, марказида озроқ тешик қолдириши керак. Бу қолип ёрдамида ҳар бир үкувчи ўзининг картон қофозига циферблат контурини ясаб оладилар.

5. Эккер ва қозик (веха) моделлари. Бу моделларнинг иккаласи ҳам 12-13 см узунликдаги чўтдан ясалиб, унинг бир қисми танглик ролини бажаради. Қозик чўп қора ва рангли бўлакларга бўлиниб бўялади. Эккерда эса чўпнинг учига 4×4 см даги квадрат тахтача қопланади ва бу тахтача бурчакларига қадагичлар қадалади.

Ўқитувчи кўргазмаси билан 3-4 үкувчи эккерлар тайёрлайди, қолган ўқучилар эса қозиклар тайёрлайди. Бу моделлардан фойдаланиб синфдан ташки машғулотларда масалан, тўғри чизик ва тўғри бурчаклар ясашда.

6. Намойиш қилинадиган жадваллар схемалар, диаграммалар. Бундай кўргазмаларни тайёрлаш учун эски китоб, журнал, календарнинг расмларидан фойдаланиш мумкин. Бу расмлар каттароқ қофозларга елимланиб керакли чизиқ ва сонлар билан тўлдирилади. Сонлар тасвирлаш учун рақамлар эски колендарлардан кесиб олинади.

14-мавзу

Бошлангич синфларда дарсликлар ва үкув кўлланмалари

Режа:

1. Дарслик ва үкув кўлланмаларининг аҳамияти.
2. Дарслик ва дастурнинг ўзаро мослиги.
3. Дарслик ва ўқитишнинг тарбиявий вазифаси.

1. Дарслик ва үкув кўлланмаларининг аҳамияти

Математика дарслиги бошлангич синф мактаб дастури билан боғлиқ ҳолда тузилади ва ҳар бир синф учун алоҳида дарслик мавжуд.

Дарслик бошлангич математика курсининг асосий мазмунини аниқ системада тушунарли қилиб баён қилинган китоб. Дарсликнинг асосий вазифаси үкувчиларнинг мустақил билим олициларида ва дарсда олган билимларини мустаҳкамлаш ва чуқурлаштиришда ёрдам беридаган бирдан-бир ўқитиш воситасидир. Дарслик мазмуну ўртача ўқидиган үкувчининг

ўзлаштиришига мос қилиб тузилади. Иқтидорли болаларга дарслиқдан бошқа мураккаброқ тузилган ўкув кўлланмаларидан фойдаланишга тўғри келади.

Дарслиқда энг аввало назарий материал кейин унга боғлик бўлган амалий материал ўрин олади. Бундан бошқа машқлар системаси ҳам берилган, улар ўкувчиларнинг билимини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришда катта роль ўйнайди. Демак, дарслик бир вақтда масалалар тўплами ҳамдир.

Дарслиқдан ташқари ўқитувчилар учун қўлланмалар ҳам яратиладики, ўқитувчи дарснинг эфективлигини оширишда ундан фойдаланади. Масалан, масалалар тўплами, методик қўлланмалар ўкувчилар билан индивидуал ишлаш учун қўлланмалар тавсия қилинади.

Ўқитувчиларга ёрдам тариқасида жуда кўп қўшимча қўлланмалар ва журналлар нашр қилинади. Булар дарсларни ўtkазишга оид методик тавсиялар, тестлар, тўплами, иқтидорли болалар учун масалалар тўпламлари, индивидуал ва группавий ишлаш учун дидактик тўпламлар, методик журналлардир.

2. Дарслик ва дастурнинг ўзаро мослиги

Дарслик математика ўқитишида ўкув жараёнини таъминлашнинг асосий воситаси бўлиб хизмат қилади ва давлат дастурига тўлиғича мос қилиб тузилган бўлади.

Дарслик ўқитувчига ўз ишини рационал режалаштиришига ёрдам беради, чунки у ҳар қайси мавзунинг ўкув материалини мустаҳкамлашни ёритган бўлади, яъни материални ўрганиш учун тайёргарликни ўз вақтида таъминлайди, шунингдек илгари ўтилган материални системали ва узлуксиз мустаҳкамлаш ва тақрорлашнинг манбаидир.

Дарсликнинг мазмунига кирадиган у ёки бу саволлар дастурда кўрсатилган бўлиши керак. Дарсликнинг бош хусусияти шундаки, у дастурнинг талабини очиши, уни конкретлаштириши, дастурда кўрсатиган саволлар қандай даражада қаралишини ўзида акс эттириши керак. Масалан, ІІ синф дастурида “тeng икки қисмга бўлиш ва мазмuni бўйича бўлиш, уни умумлаштириш” деган пункт бор. Агар бу мавзуни дарслиқда ёритилишини диққат билан қараса уни баён қилишда енгилгина хатога йўл қўйиш мумкин, ўқитувчи диққат билан бу мавзунинг мазмунини тушунмаса, ўкувчиларга мавзудаги кўрсатилган икки ҳолни тенг икки қисмга бўлиши ва мазмун бўйича бўлиш саволларини тўғри тушунтираолмаган бўлади. Кўп сондаги мисолларни очиш орқали

ҳам сонларни тенг иккига бўлиш устида мулоҳаза юритилаяптими, аниқ тушунтираолмаслиги мумкин.

Ҳақиқатан ҳам дарсликда масалалар ечилишининг бу турларига алоҳида ном ажратмаган, ҳеч қаерда бунга ўхшаш савол ва вазифаларни ажратиб кўрсатмаган.

IV синф дастуридан яна бир мисол келтирамиз. Дастурда "миллионлар синфи ичидаги ёзма ва оғзаки номерлаш" деган мавзу бор. Лекин бу мавзуга турли хилдаги саволлар тўплами киради. IV синф ўқувчилари билан ишлашда қайси саволлар асосий бўлиши, қайсилар йўл-йўлакай кўшиб тушунтирилиши, қайси саволлар асосий ўринни эгаллаши лозимлигини дарслик кўрсатиб бериши керак.

Шунингдек, дарслик бошланғич синфларда математика ўқитишининг мазмунини дастур талабига нисбатан ойдинлаштиради.

Дарслик кўпинча дастурдаги алоҳида саволларни ўқитиш кетма-кетлигини аниқлайди, дастур талабида тузилади.

Дастур эса курснинг қурилиш системасини бутун ҳолда акс эттиради (асосий мавзуларни ўқиш ва бўлиш), баъзан мавзуларнинг ичидаги материалларнинг жойлашиши системасини кўрсатади. Лекин дастур ҳар бир мавзунинг ўқитиш методикасини очишни кўрсатмайди, балки бу мазмун дарсликда баён қилинади.

Масалан, 1-синф дастурида "10 ичидаги кўшиш жадвали, 10 ичидаги айриш" деган умумлашган йўналиш берилган.

Дарсликда эса 10 ичидаги кўшиш ва айришнинг ҳар хил ҳоллари билан ўқитувчи системали таништиради.

Шундай қилиб, бошланғич синф математика курсининг тузилиш системаси дарслик билан дастурнинг узвий боғлиқлиги асосида тузилган.

Шунингдек, дарслик дастурдаги тушунтириш хатида баён қилинган асосий методик кўрсатмаларни очади. Дарслик ўқитиш жараёнида назарий ва амалиётнинг ўзаро алоқадорлик талабини ёритишининг аниқ йўлларини кўрсатиб беради. Бошланғич синф математикаси I-IV синф учун мўлжалланган дарсликларда берилган бўлиб, унга мақсадга мувофиқ танланган масала ва мисол, машқлар, савол ва вазифалар, дастур ўз ичига олган назарий саволлар, билим ва малакаларни шакллантириш йўллари киритилади.

Дарсликда билимларни системали мустаҳкамлаш мақсадида машқлар мажмуасини вақтлар бўйича таксимлаш, уларни ҳар хил шароитларда қўллаш каби материаллар берилади.

Дарсликда тавсия қилинадиган машқлар ўзаро боғланишда, курснинг ҳар хил саволлари билан алоқада бўлган ҳолда тузилади.

Ўқитувчи шуни уқтириш керакки, дарслиқда шундай материаллар берилиши мүмкінкі, уни ўқувчининг ўзи олдиндан күллаган бўлади, унга боғлиқ ҳолда дарслиқда шу материалга яқин бўлган қўшимча материаллар берилмайди, балки дастурда уни бажариш зарур дейилса ҳам.

Масалан, дастурда I синф 1-ярим йил бўйича мустақил материалларни ўқиш малакаларни берилади. Дарслиқда эса, арифметик матнли материаллар иккинчи ярим йилда берила бошлайди. Шунинг учун тааллуқли масалалар дарслиқда ўқув йилининг бошидан бошлаб берилиши зарур. Бундай ҳолда ўқитувчининг ўзи ўқувчиларга мос қилиб масала матнини тузиши зарур.

Ҳар бир синф учун мўлжалланган дарслик оғзаки ҳисоблаш усуллари билан малака ҳосил қилишга мўлжалланган етарлича машқларни ўз ичига олади. Лекин булардан ўқувчиларга тез ва тўғри малака ҳосил қиласидиганлари керак. Дарслик манбаларидан фойдаланган материаллар билан тўлдириб борилиши керак.

Дастурнинг ҳар саволига тааллуқли бўлган етарлича ва зарурий машқлар сонини фақат ўқитувчининг ўзи танлаши мүмкін, қачонки бу ўқитувчи топширилган машқларни ечиш мумкинлигини тўлигича била олса. Баъзи ҳолларда ўқитувчи дарслиқдан фойдаланган машқларни яна кўлладайди, бунда бу машқлар ўқувчилар томонидан яхши ўзлаштрилганлиги учун унга ўқувчилар қизиқишмайди.

Баъзи ҳолларда эса машқлар сонини ошириб берадилар, бундай ҳолда ўқувчилар қийналиб қоладилар.

Бу масалада дарслиқда қўшимча тарзда маҳсус кўлланманинг бўлиши катта фойда беради. Машқлар системасини танлашда дарслик ўқитувчи учун асосий манзил бўлиб хизмат қилиши керак. Бу система шундай қурилиши керакки, дастурнинг барча талабларини бажариш учун зарурий шароит яратилган бўлиши керак. Масалан, бундай мураккаб масаланинг ечилиши дарсликлар структурасига бўйсимиши керак.

3. Дарслик ва ўқитишнинг тарбиявий вазифаси

Ўқитувчи доимо ўз олдига “дарслиқдаги ўқув материали ўқувчига қандай тарбияларни беради” деган саволни қўйиши керак. Дарслиқдан берилган кўпчилик мазмун ва матнли масалалар фақат таълим мақсадларини ҳал қилиши керак, деган фикр мутлақо нотуғри. Балки, бу ва машқлар кўпгина тарбиявий ишларни ҳам

амалга оширади. Масалан, кишиларнинг турмуш ва меҳнатлари, халқ ҳўжалиги режалари, режаларни бажаришдаги курашиш, тадбиркорликнинг моҳияти, мустақиллик учун меҳнат қилиш ва курашиш, унумдорлиги, хом-ашё, вақтни тежаш, нарх, савдо, техника ва бошқалар тўғрисида маълумотлар беради.

Дарсликда тавсия қилинган ҳар хил турдаги машқлар бошлангич синфда математика ўқитиш орқали амалга ошириладиган тарбиявий масалаларнинг бажарилиши учун имконият яратади.

Машқлар системаси шундай тузиладики, бу орқали ўқувчилар билимларни кузатиш, таққослаш орқали кузатиладиган фактларнинг фарқли томонларини аниқлайди, хulosалар чиқаради. Дарслик маҳсус йўналишдаги вазифаларни тавсия қилади. Масалан, “қуидаги масалалар қайси томонлари билан ўхшаш ва қайси томонларни билан фарқ қилишини айтинг”.

Ўқитишининг эфективлиги ана шу имкониятларни ҳисобга олиш орқали амалга оширилади. Бунда кўп сондаги машқлар турли хил ифодаларни таққослаш билан боғлиқдир. Масалан, амал компонентлари ва амал натижалари орасидаги боғланишни аниқлаш учун тузилган жадваллар орқали бу компонентларнинг ўзгариш сабабларини билиб оладилар.

Тарбиявий вазифаларни ечиш учун дарсликда ильюстратив (кўрсатма) материаллар кўрсатилган. Улар ўқувчиларнинг конкрет ва абстракт фикрлашининг ривожланишига ёрдам беради. Предмет кўргазмасидан шартли кўргазмага (схема, чизма) ўтиш ҳар хил формадаги математик муносабатларни моделлаштириш билан ўқувчиларни таништириш таъминланади. Дарсликдаги ильюстратив кўргазмалар математика ўқитиш билан турмушни мустаҳкам боғлашда катта роль ўйнайди, улар математик боғланишлар билан танишадилар ва уларга амалий қўлланиш имкониятларини кўришда ёрдам, беради, математикани умумлаштириш учун материал беради, боланинг шахсий тажрибасини бойитади.

Дарсликдаги ильюстрациялар ўқувчиларнинг билим бойликларини кенгайтиришга, атрофдаги турмушнинг ҳар хил томонлари билан таништиришга имкон беради. Бу ильюстративларнинг мазмуни ҳар хил.

Улар ўқувчиларни уй турмуши ва мактабидаги ўйинлари, табиат ҳаёти, ўраб турган табиатга одамнинг муносабатини тушунтиришда ёрдам беради. Акс эттирган ильюстрациялар ҳар касбдаги одамлар билан болаларни таништирадилар. Расмлар янги техникани фойдалнишдаги меҳнат фаолияти ва болаларнинг катталарга

қараганда маданий дам олишининг кўпроқ вақт эгаллашини кўрсатувчи ильюстрациялардир.

Барча дарслидаги ильюстрациялар тавсия қилинган математик масалаларнинг турли хиллиги ва бойлигини акс эттиради. Рамлардан фойдаланишда шу нарса диққат марказда туриши керакки, математикага қизиқиш ўйғонсин, бошлангич математика курсини ўзлаштиришга ёрдам берсин.

Ўқувчиларда тарбияни шакллантиришда уларнинг китоб устида мустақил ишлаши катта аҳамиятга эга. Дарслек бу билимларни ўзлаштиришда кенг имкониятлар очиб берадиган бирдан-бир манбадир.

15-мавзу

Оз комплектли мактабда математика ўқитиши хусусиятлари

Режа:

1. Оз комплектли мактаблар ҳақида.
2. Оз комплектли мактабларда иш хусусиятлари.
3. Оз комплектли мактабларда дарс жадвали ва математика дарси.
4. Оз комплектли мактабларда ўқитиши воситаларидан фойдаланиш.

1. Оз комплектли мактаблар ҳақида

Мамлакатимизда, хусусан бизнинг Республикаимизда қишлоқ жойларда кичик ва узоқ аҳоли яшайдиган пунктлар мавжуд бўлиб, бу пунктларга бир синфга белгиланган нормадан анчагина кам бўлган 7 ёшли болалар бўлганда оз комплектли мактаблар очилади. Оз комплектли мактаб бу шундай мактабки, ундан бир ўқувчи бир вақтда бир неча синфда ишлайди. Бу синфларда сони 3 тадан 30 тага ага ўқувчи бўлиши мумкин. Бир ўқитувчи ҳамма (I-IV) синфлар билан бир вақтда ишлайдиган мактаб бир комплектли мактаб дейилади.

Иккита ўқитувчи учта (баъзан тўртта) синф билан ишлайдиган мактаб икки комплектли мактаб дейилади. Икки комплектли мактабларда тўрт синфи икки комплектга бирлаштиришнинг ушбу вариантларини амалга ошириш мумкин: 1- ва 2- синфларни бир комплектли қилиб бирлаштириш (бу ҳолда биринчи синф билан учинчи синф ўқитувчиси ишлайди), 1- ва 3-

синфларни 2- ва 4-синфларни бир комплектга бирлаштиришнинг мос вариантиларини танлайди.

Оз комплектли мактабларда ишлаш ўқувчилар учун бир қатор түсиқлар билан боғлиқ:

1. Ўқитувчи ҳар куни дарсга тайёрланиши ва турли фанлардан энг камида 8 соат дарс ўтиш керак. Оз комплектли мактабларда дарслар бўйича режа тузиш оддий мактабда бир синф билан ишлашдагига қараганда кўп вақт талаб қилиши билан ишлаш даражаси қийин. Ҳар куни 8 ёки 12 та режа устида ишлаш қийингина бўлмай, балки буларни ўзаро координациялаш анчагина вақт талаб қилиши билан, уларга оптимал педагогик самара берадиганларни бир бутун бирлаштириш зарурлиги билан ҳам қийиндир. Буларнинг ҳаммаси ўқитувчидан тегишли билимларни билишдан ташқари максимал даражада куч, сабот, уюшқоклик, матонат, қатъиятликни талаб қиласди.

2. Ўқитувчиларнинг бир неча синфга диққат эътиборини тақсимлаши жуда қийин.

3. Ўқитувчи бир синф билан дарснинг ярми ёки 1/3 қисми давомида шуғулланишга, дарснинг қолган вақтида ўқувчилар мустақил ишлашига тўғри келади.

4. Ўқувчилар мустақил иш бажараётганида дарҳол ўқитувчидан ёрдам олиш ниятидан маҳрумдирлар чунки бу вақда ўқитувчи бошқа синф билан банд бўлади.

5. Бир синф ўқувчилари, айни вақтда ўқитувчи раҳбарлигига ишлаётган бошқа синф ўқувчиларининг ҳалақит беришига қарамай, мустақил ишлайверишлари керак.

Шунга қарамай оз комплектли мактаб ўқувчилари учун бир қатор афзалликлари ҳам мавжуд.

1. Синф ўқувчиларни соннининг камлиги (баъзан 2-3 та ўқувчи). Бу ўқитувчига тез-тез сўраб туриш, ўқувчилар билимларидағи камчилликларни топиш ва уларни тузатиш имкониятларини беради.

2. Оз комплектли мактабларда ўқувчи дафтарларини текширишга оз вақт сарфлайди, у бу дафтарлар орқали ўқувчи қандай ва нимадан қийналаётганини осон аниқлайди.

3. Оз комплектли мактаблар мактаб хусусиятига кўра ўқувчи дарснинг тахминан 1/3 қисмида мустақил ишлашга тўғри келади. Бунинг ўқув мақсадларидан ташқари, катта тарбиявий аҳамияти ҳам бор: ирода мустаҳкамланади, қийинчиликларни бартараф қилиш малакаси тарбияланади.

4. Юқори синф ўқувчилари қуи синф ўқувчиларига ёрдам беришлари мумкин, чунки улар ҳар куни бир синф хонасида бирга бўлишади.

Дарсларни режалаштириш ҳам оз комплектли мактабларларда иш ташкил қилинib аниқлаб берувчи омиллардан биридир. Бу режалаштириш эса ҳар хил ишларни бир неча синф бир вақтда бажаришни таъминлашдан иборат.

Дарс жадвали тузиш түғрисидаги кенг тавсиялар шуни күрсатмоқдаки бунга биноан 1- ярим йилликда ҳар куни олдинги 1-2 дарс фақат 1-синф билан үтказилади. Бунга кундалик дарслар сонини 6 тага етказиш йўли билан эришиб бўлади. Бунинг учун дарслар вақтини 30 минутгача қисқартириш керак бўлади.

Масалан, бир комплектли мактабларда душанба куни учун дарс жадвали қўйидагича. Демак, 1-синфлар икки дарсни олдин ўқиди ва икки дарс олдин тугатади.

Ўқитувчи учун энг оғир соатлар 3 чи ва 4 чи соатлардир.

Оз комплектли мактабларда ўкув ишини режалаштириш тегишли методик кўлланмаларда босилиб, ўқитувчиларга етказилмоқда.

Уч синфда бир вақтда үтказиладиган бир предметли (математика) дарснинг тахминий схемасини келтирамиз: 1-синфда “сондан йигиндини айириш” (мустаҳкамлаш); 2-синфда “21 дан 100 гача бўлган сонларни оғзаки номерлаш” (яъни тушунча бериш), 3-синфда “100 ичida оғзаки номерлаш” (яъни тушунча бериш). (Л.Ш.Левенберг ва бошқалар. “Бошланғич синфларда математика ўқитиши методикаси”).

Дарс номери	душанба
1	
2	
3	I, II, III
4	I, II, III
5	II, III
6	II, III

Дарс бос-қичлари	вақти	Ишни синфлар бўйича ташкил қилиш		
		I синф	II синф	III синф
1.	10 мин	Мустақил. Сондан йигиндини айиришга доир мисоллар	Мустақил. 20 гача бўлган сонларни ёзиб, улар устида қўшиш мисоллари	Ўқитувчи бошчилигида янги мавзу билан танишиши, мустаҳкамлаш. Мустақил бериладиган топширикни тушунтириш.

2.	15 мин	Мустақил. Дарслиқдан мисол маса- лалар ечиш	Үқитувчи бош- чилигига мус- тақил ишни текшириш.	Мустақил. Дарс- ликдан мисол масалалар ечиш.
3.	15 мин	Үқитувчи бошчилигиги- да. Муста- қил ишни текшириш ва оғзаки машқ бажа- риш “Жим” үйини, уйга вазифа бе- риш.	Янги мавзуни тушунтириш. Мустақил ишга күрсатма. Ўйга вазифа.	Мустақил. Ол- динги топши- риқлар давом этказилади.
4.	5 мин	Мустақил. Дарслиқдан мисол-ма- са ла ла р күрсати- лади.	Мустақил. Дарслиқдан мисол-ма- са ла ла р күрсати- лади.	Үқитувчи бош- чилигига мус- тақил ишлар тек- шириллади. Уйга вазифа берилади.

Ҳамма нарсадан олдин оз комплектли мактабларда синф доскаси ўлчамини катталаштириш керак. Бунинг сабаби бир неча синф билан ишлаш шароитида доскага, биринчидан бир неча топшириқ материаллари ёзилади ва иккинчидан бир неча синф учун ёзилади. Шу билан бирга топшириқлар умумий мактабдагига қараганда тұлароқ баён қилинади. Чунки ўқувчилар улардан үқитувчининг тушунтиришларисиз керак. Оз комплектли мактаблар иш тажрибасыда бу мақсадларда құшимча енгил күчма, осма (ёки тагликларга үрнатылған) доскалар, узайтирилған синф доскаларидан (тортиб туриладиган пардалар билан таъминланған), олиб қойиладиган (очиладиган қопқоқли) махсус доскалардан фойдаланилади.

Оз комплектли мактабда ўқувчиларни ўқувчиларни үқитища ҳар хил жадваллар ҳам мухим роль ййнайды. Бунда асосан умумий таълим мактаблари учун мұлжалланған жадвалларнинг (справочник, инструктив, үргатувчи жадвалларнинг) үзидан фойдаланиш мүмкін.

Оз комплектли мактаблар учун маълумотлари үзгартыладиган жадвалларнинг аҳамияти айниқса катта. Масалан, содда масалаларнинг (мураккаб масалаларнинг) қисқа ёзувларни намуналарини ўз ичига оладиган жадвалларни

чўнтакли қилиб тайёрлаш мақсадга мувофиқ, бу чўнтаклар сон мャлумотларни унга тескари масала билан алмаштириш натижасида мақсадни амалга ошириш имконини беради.

Оз комплектли мактабда алгоритмик жадвалларга, яъни алгоритмик қоидаларни ўз ичига олган жадвалларга катта ўрин бериши керак.

Тарқатма дидактик материаллардан фойдаланиш ҳам мустақил ишларни муваффақиятли бажаришга имкон беради. Кўпчиллик ҳолларда булар топширикли карточкалардан иборат бўлади. Ҳозирги вақтда рус тили ўқитиладиган карточкалар комплектларни мавжуд бўлиб, ўзбек тилида ҳали бундай карточкалар чиқарилгани йўқ.

Оз комплектли мактабларда индивидуал доскадан, перфокарта ва перфопапкалардан, тескари алоқа сигналларидан, дастурлаштирилган топшириклардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Ўқитишнинг техник воситаларидан фойдаланиш ҳақида бир оз тўхтalamиз. Бир хонада бир нечта (икки ёки учта) синф ўқитиладиган мактабда диафильмлар, диопазитивлар кўрсатиш, овоз ёзиб олишдан фойдаланишининг имкони йўқ.

Катакли тахтача оз комплектли мактаблар учун зарур жиҳоздир. Катакли тахтачадан фойдаланиш ўқитувчининг вақтини бекор сарфлашдан озод қиласди. Ҳар хил набор катакчаларга (рақамлар, лотин алфавити ҳарфлари <1>1=муносабат белгилари ва бошқалар) эга бўлингани ҳолда уларни катакли тахтачага қўйиб ўқитувчи масалаларнинг қисқа ёзувларини, турли ифодаларни, тенгламаларни ва бошқа топширикларни тез тузади ва уларни тиклай олади. Вақтни тежаб, дарҳол навбатдаги топшириқча ўтиш мумкин.

ХУСУСИЙ МАТЕМАТИКА ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ

1-мавзу

Бошлангич синфларда номанфий бутун сонларни номерлашни ўқитиш методикаси

Режа:

1. Номерлашни ўрганишининг умумий масалалари.
2. Номерлаш асосида математика ўкув материалиини жойлаштиришнинг хусусиятлари.
3. Турли хил концентрларда сонларни номерлаш.
4. Ўкувчиларда натурал сон тушунчасини шакллантириш.

1. Номерлашни ўрганиш методикасининг умумий масалалари

Иқтисодиёт, ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳа доираларидағи ислоҳотларни амалга ошириш самарадорлиги республикани олий малакали кадрлар билан таъминлаш бўйича зарур чоралар кўришни талаб қиласди. Республикада кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг ишлаб чиқилиши, унинг кенг муҳокама қилиниши ва Олий мажлиснинг 9-сессиясида кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг тасдиқланиши, Президент И.Каримовнинг сессиядаги таълимни ривожлантириш ва стратегик йўналишларни белгилаб берувчи нутқи ҳалқ таълими тизимидағи энг муҳим воқеалардир.

Президентнинг 1997 йил 6-октябрдаги Ҳалқ таълими тизимини ва кадрлар тайёрлашни тубдан ислоқ қилиш, баркамол авлодни тарбиялаш тўғрисидаги фармонида кадрлар тайёрлашдаги барча ишлар устивор соҳа эканлиги таъкидланган.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишнинг муҳим таркибий қисмларидан бири таълимни стандартлаштириш, замонавий тест технологиялари асосида таълим жараёнидаги сифатий кўрсаттичларнинг мониторинг тизимини яратишидир. Мактаблар ва Олий ўқув юртларида кўп босқичли тест тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш таълим сифатини кўтаришига педагоглар, ўқитувчи ва талабаларнинг таълим натижалари учун масъуллигини оширишга имкон беради.

Президент И.Каримов Ҳалқ таълимини ислоҳ қилиш тўғрисидаги мавзусида айниқса бошланғич таълимга эътибор бериш, уни малакали ўқитувчилар билан таъминлаш зарурлигини эслатиб, бошланғич таълим ҳалқ таълимининг пойдевори яъни асоси, деб айтган.

Шунинг учун бошланғич таълимнинг дастурини, дарсликларини ва иш тартибларини қайта кўриб чиқиш зарурлиги келиб чиқади. Айниқса, бошланғич таълим предметлари ичida математикани ўқитиш асосий ўрин тутади. Математика дастури ўз ичига аввало натурал сонлар билан тўрт арифметик амал бажаришни олади. Бу математиканинг ядросини ташкил қиласди. Шу билан бирга алгебра ва геометриянинг асосий тушунчалари, асосий микдорлар киритилган, улар арифметик амаллар билан зарурий ўринда қўшиб ўқитилади.

Но ни номерлаш ва улар устида арифметик амаллар бажариш бошланғич математика курсининг асосини ташкил қиласди. Унга қўшиб алгебра ва геометрия элементлари ўқитилади. Дастурда натурал сонлар ва 0 ҳақидаги маълумотларни аста секин

ўнлик, юзлик, минглик ва кўп хонали сонлар концентрлари (такрорий) киритиш назарда тутилади. Бу ўнлик саноқ системасининг хусусиятлари билан оғзаки ва ёзма номерлашни тақрор-тақрор кўллаш орқали берилади.

Биринчи ўнлик номерлашда 1-10 сонларини санаш, номерларни айтиш, кетма-кетликнинг катта-кичиклигини ўзлаштириш назарда тутилади. 1-ўнлик билан 0 сони ҳам бирга ўргатилади. Уни бўш тўпламнинг характеристикиси сифатида берилган. Номерлаш давомида 11-20, кейин, 21-100 ичидаги сонларни номерлаш қаралади. 1,2... ўнликларни ҳосил қилиш биргаликда ўнликларни яъни ўнлик саноқ сисемасининг моҳияти тушунтирилади. Кейинги синфларда 100 ичидаги, 1000 ичидаги ва кўп хонали сонлар ёзма ва оғзаки номерлаш, арифметик амаллар бажариш компонентларининг номларини ўргатишлар амалга оширилади.

2. Номерлаш асосида математика ўкув материалини жойлаштириш хусусиятлари

Бошлангич математиканинг дастурида, олдингидек арифметик материалда асосий ўринни эгаллайди. Бунда арифметика назарияси (амаллар ва уларнинг хоссалари, компонентлар ва натижалар орасидаги ўзаро боғланиш, микдор, сон, ўлчаш, ҳисоблаш, масалалар ечиш, саноқ системаси) ни шакллантиришнинг мукаммал системаси кўзда тутилган. Шунга мос бошлангич математика ўқитиш методикаси ҳам бир мунча ривожлантирилган. Кичик ёшдаги ўкувчиларни ўқитишнинг барча босқичларида уларнинг фикрлаш фаолиятларини активлаштиришга тайин фактлар ва кузатишларни ўз вақтида умумлаштиришга, айрим масалалар орасидаги ўзаро боғланишни тайинлашга, болаларда мустақил ишлаш, ўкувларни пайдо қилишга қаратилган янги асосланган усул ва услублар мактаб дастурига киритилган.

Бутун номанфий сонларни номерлаш ва улар устида амаллар бажариш математика курсининг асосини ташкил қилиб унга алгебра ва геометриянинг бошлангич элементларини киритиш, бунинг натижасида сон, арифметик амаллар ва арифметик муносабатлар каби арифметик тушунчалар юқорироқ даражада қараш кўзда тутилган.

Бутун номанфий сонларни оғзаки ва ёзма номерлаш, бошлангич математиканинг асосий масалаларидан бири. Оғзаки номерлаш билан ўкувчиларни санашга ўргатиш, уларда 12,3...

Сұзлар билан сонларни ифодалаш катта ўрин әгаллады. Сонларни ёзма номерлашда 10 та рақам (0,1,2,3,4,5,6,7,8,9) бошланғич түшунчаларни киритиш ҳам баш вазифалардан биридей.

Математика дастури олдин натурал сон ва ноль хакидаги оғзаки ва ёзма номерлашни ўн ичида кейинчалик 11-20 ичидан. Кейинчалик юз, минг, миллион ичида тақрор-тақрор үргатиш күзде тутилган. Уни биз концентрлар бүйіча үргатиш номи билан атайды.

Сонлар ёзма номерлашда фақат 10 рақам ишлатилишини, лекин оғзаки номерлашда, янги сүзларни пайдо бўлишини қайта-қайта тушунириш лозим, масалан, ноль, бир, икки, ... ўн, йигирма, ўттиз, кирқ, эллик, ... юз, минг....сўзлар янги концентларни ўқитиш жараёнида келиб кўшилаверади.

Ўқитишнинг бошиданоқ болаларда баъзи муҳим умумлаштиришлар шаклланади. Масалан, натурал қатордаги ҳар бир навбатдаги сон қандай ҳосил бўлиши аникланади. Қаторнинг ихтиёрий сони билан ундан олдинги келадиган ва кейин келадиган сонлар орасидаги муносабатлар үргатилади. (а сонидан олинган а-1, кейин а+1сон келиши, 1дан бошқа).

3. Турилди концентрларда сонларни номерлаш

Ўқув материалини ўқув йиллари бүйіча тақсимланишида үрганилаётган сонлар соҳасининг аста-секин кенгайиб бориши күзда тутилади: 1-синф “1дан 20гача сонлар”, 2-синф “1 дан 100гача сонлар”, 3-синф “1 дан митгача сонлар”, 4-синф “1дан миллионгача сонлар”.

Номерлаш ва арифметик амалларга доир материал концентрларга бўлиб үрганилади. Ҳаммаси бўлиб бта концентр: ўнлик, иккинчи ўнлик, юзлик, минглик, кўп хонали сонлар миллионгача ҳақида номерлаш күзда тутилган. Концентрларга асосланган ўқитишда ўқувчилар у ёки бу чегаралар ичида сонларни номерлашни ва улар устида амаллар бажаар экан, улар арифметиканинг моҳияти тўғрисида тасаввур ҳосил қиладилар, ҳар гал янги сонли материал асосида номерлаш ва амаллар бажаришга қайта-қайта мурожаат этиш энг муҳим арифметик түшунчаларнинг мазмунини чукурлаштириш ва кенгайтиришга имкон бўради. Шундай қилиб ҳар бир олдинги концентрда номерлаш ва арифметик амалларни бажариш келгуси ўқитиш учун тайёргарлик иши бўлиб ҳисобланади, ҳар бир кейинги концентрда эса илгари үрганилган материал умумлаштирилади ва мустаҳкамланади.

Болалар биринчи ўнлик сонларни ўрганар әкан, шу билан бергә ноль сони билан танишадилар. Бунда ноль бўш тўпламнинг характеристикаси сифатида киритилади. Дастурга биноан иккинчи ўнлик алоҳида конценрга ажратилмайди, бирданига "юзлик" концентри ўрганилади. Шунга қарамай, номерлашни ўрганишда 2-синф математика дарслигида олдин 11-20 ичидаги сонларни номерлаш, сўнгра 21-100 ичидаги сонларни номерлаш қаралади.

Иккинчи ўнлик сонларини номерлашни ўрганиш ўқувчилар учун принципиал янги бўлган билимни шакллантиришдан, яъни янги саноқ бирлиги сифатидаги ўнлик тушунчасини шакллантиришдан бошланади. Шундан кейин 11-20 сонларни ўнли таркиби, 21-100 ичидаги сонларни оғзаки ва ёзма номерлаш ҳамда шу сонларнинг ўнли таркиби ўрганилади. Сонларнинг натурал кетма- кетлигини ва ўнли таркибини билганлик асосида $13+1$, $17+1$, $10+3$, $16-6$, $19-10$ кўринишдаги қўшиш ва айиришни пухта биладилар.

Иккинчи синфда 100 ичидаги номерлаш билан ўқувчилар танишганларидан кейин янги саноқ бирлиги юзлик билан танишадилар, бу ерда улар ўнта бирлик - янги саноқ бирлиги ўнликни, ўнта ўнлик эса янги саноқ бирлиги - юзликни ҳосил қиласди, - деган ўнли саноқ системаси тхфисида бошланғич маълумотларга эга бўладилар. Шунингдек 3-4 синфларда янги саноқ бирликлари - минглик ва миллион билан танишиб, бу конценрларда оғзаки ва ёзма номерлашни ўзлаштириб оладилар.

4. Ўқувчиларда натурал сон тушунчасини шакллантириш

Ўқувчиларга санаш ўргатилгандан кейин шу сонларни ёзма равишда ифодалаш буюрилади. Санаш натижасида ҳосил бўлган сонларни ва бу сонларнинг рақамлар ёрдамидаги ёзувни натурал сонлар дейиш ўргатилади.

Натурал сон тушунчасини тўплам тушунчаси билан боғлаб тушунтириш зарур. Ҳар қандай тўпламда уни ташкил қилувчи элементлар қанча деган савол қўйилганда биз тўплам элементларини санаш йўли билан жавоб берамиз. 1,2,3,...сонлар билан ифода этилади. Бу сонларнинг ҳар бирини натурал сон дейиш қабул қилинганилиги ўргатилади. Масалан, 4 сонини тушунтираётганда, стол, стулларнинг 4 оёғи, ўйнинг 4 томони, машинанинг 4 фидирағи, 4 сўм, қўйнинг 4 оёғи ва ҳоказо, буларнинг ҳаммаси бир хил синфга тегишли тўпламлар бўлиб, буларни 4 натурал сони билан белгилаш қабул қилинган.

Натурал сонлар қаторини ҳосил қилиш учун аввал битта элементи бор түпламни бир билан характерлаймиз.

Шу йўсиндан бир натурал сони ҳосил бўлади. Масалан, 1 та саноқ чўпини оламиз. 1 та саноқ чўпига яна 1 та чўпни қўшсак, 2 та натурал сони ҳосил қилинади 2 та чўпга янги 1 та чўпни қўшсак, 3 та натурал сони ҳосил бўлади, ва ҳ.к. Шундай қилиб, 1,2,3,4,... натурал сонлар қатори ҳосил қилинади.

10 ичидаги сонларни номанфий бўлгандан кейин, 10 дан катта бўлган сонларни номерлашга ўтилади, янги тушунча ва янги соннинг ёзувини киритишга тўғри келади. Масалан, ўн бир (11), ўн икки (12)....ларни тушунтиришда битта ўн ва битта бир, битта ўн ва иккита бир, ...дан ибора тушунтирилади. Энди улар 2 та рақам билан 100 гача сонларни ёзишини ўрганадилар. Икки хонали 12 ва 21 сонларида 1 ва 2 рақамларининг ўринларига қараб уларнинг қийматлари ўзгариши тушунтирилади. $12=10+2$, $21=20+1$ деб икки хонали сонларни ўнлик ва бирликларнинг йигиндиси шаклида ёза олса, улар ўнлик ва бирлик хоналарнинг қийматни, ёзуви, ўнли саноқ системасининг моҳиятини тушуниб оладилар.

Икки хонали сонларни номерлашни узунлик бирликлари дм ва см билан боғлаб тушунтиришнинг афзалликлари бор. Масалан, 2 ўнлик ва 3 бирлик 23 бирликка тенг бўлишини тушунтиришда 2 дм 3 см = 23 см каби мисоллардан ўринли фойдаланиш мумкин. Синфдан ўта борган сари юзлик ва ундан катта 3 хонали сонларни номерлаш, 3 хона билан ёзилишини ва ҳар бир соннинг 1,10,100 лардан иборат бўлишини тушунтириб, уларни ҳам хоналар йигиндиси кўринишида ёзишини мисолларда тушунтирилади.

Масалан, $523=500+20+3=5$ юз + 2 ўн + 3 бирлик

Буни миқдорлар билан боғлаб тушунтиrsa ҳам бўлади.

Масалан, 623 см = 5 м 2 дм 3 см = 500 см + 20 см + 3 см

Шундай қилиб, ўкувчилар натурал сонлар қаторини ҳосил қилгандан кейин, бу қаторнинг қуйидаги хоссаларга эга эканлигига ишонч ҳосил қиласилар.

Бир натурал сондир, ундан олдин келадиган ҳеч қандай натурал сон мавжуд эмас; ҳар қандай натурал сонга бирни қўшиш билан ундан кейин келадиган натурал сон ҳосил қилинади; натурал сонлар қаторининг энг кичиги бир, энг каттаси мавжуд эмас.

2-мавзу

“Үнлик”, “Юзлик”, “Минглик” ва “Кўп хонали сонлар” мавзусида сонларни номерлаш

Режа:

1. “Үнлик” мавзусида сонларни номерлаш, тайёргарлик даври.
2. “Юзлик” ичида сонларни номерлаш.
3. “Минглик” мавзусида сонларни номерлаш.
4. “Кўп хонали сонлар” мавзусида сонларни номерлаш.

1. “Үнлик” мавзусида сонларни номерлаш, тайёргарлик даври

Биринчи синфга келган болалар турли жойлардан ва турлича математик тайёргарликка эга бўлади. Болалар боғчаси ёки баъзи оиласарда тайёргарлиги бор болалар 1-10 гача сонларни ўқиш, санаш, ёзиш малакаларига эга бўладилар. Аммо мутлақо тайёргарликка эга бўлмаган болалар келадилар. Шунинг учун ўқитувчининг вазифаси 1-синфга келган болаларнинг тайёргарлигини индивидуал аниқлашдир. Бу иш ўқиш бошлангунча ёки биринчи ҳафтада ёқ амалга оширилиши керак. Аниқлашда қуидаги тахминий саволлар бўлиши мумкин:

1. Санашни биласизми? Сананг-чи?
2. Доирача, чўп, байроқчаларни сананг-чи?
3. Столда қанча қалам бўлса, шунча байроқча олинг?
4. Қайси доирачалар кўп? Қизилларими, кўкларими?
5. Тартиб билан кўйилган нарсаларни тартиб билан сананг.
6. 5-1, 8-2, 4-3 каби саволлар.

Ҳар бир ўқувчининг билим даражасини ҳисобга олиш мақсадида ўқитувчи қуидаги жадвал билан қайднома тузади:

№	Вакти	Фамилия-си исми	Гача санай олади	Предмет саноги	Канча бўлса шунча	Кўзда чамат-лаб	Қайта санаш	Таккослаш	Ўнгдан чапга	Юқорида	Пастга
1.	25.08	Ахмедов А.	9	+	+	-	+	+	+	+	-
2.	25.08	Валива С.	15	-	+	+	+	-	+	+	-

Тайёргарлик даврининг (6-7 машғулот) асосий вазифаси номерлашни ўрганишга ўтиш учун зарур бўладиган билимлар, малакалар ва кўнинкамаларни аниқлаш.

1-синфнинг 1-мавзуси 1- ўнлик сонларни номерлашдан иборат. Бунда болалар саноқ малакасини ҳосил қилиш, 1-10 та сон ҳақида тасаввурни шакллантириш, сонлар қаторини ҳосил қилиш каби ишларни бажариш керак. 10 ичидаги номерлашда ўқитувчининг вазифаси болаларда санаш малакаларини шакллантириш ва 1-10 сонлар кесмасида натурал қаторнинг тузилишини очиб бериши ва бу асосда натурал кетма-кетликнинг ҳади сифатида таърифлашдан иборат. Номерлашни билиш натижасида ўкувчилар қўйидагиларга эришадилар:

1. 1 дан 10 гача сонлар кетма-кетлигини яхши ўзлаштириш.
 2. Нарсаларни санашини ва санаши тартиби кўрсатилганда ҳар бир нарсанинг тартиб номерини айтиб бера олиши.
 3. Сонларнинг 1 дан 10 гача ҳар бир сон қандай ҳосил бўлишини (1 ни қўшиш ёки 1 ни айриш билан).
 4. Рақамларни ўқий олишлари ва ҳар бир рақамга мос келадиган нарсалар тўпламини мос келтириш. Сонларнинг катта, кичик, тенгликларини билиш.
 6. 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10 сонларини бир неча қўшилувчилардан иборат қилиб ёза олишни.
 7. 2+1, 4-1, 1+3 каби ёзувларни ўқий олиши ва натижасини ҳисоблай олиши.
 8. Доира, квадрат, учбурчакларни бир-биридан фарқлаб, номларини айтиш ва уларни чиза олишни.
- Натижада қўйидаги саволларга қийналмасдан жавоб берадиган бўлсин:
1. У ёки бу сон қандай ҳосил қилиниши мумкин? $4+1=5$, $6-1+5$ каби.
 2. Сон қандай аталади ва у босма ва ёзма рақамлар билан қандай ёзилади?
 3. Берилган сон билан қўшни сонлар орасида қандай муносабатлар мавжуд ($<$, $>$, $=$)?
- 10 ичидаги сонларни номерлашда қўйидаги билим, малака ва кўнгилларни эгаллаб олиши керак.
1. 1-10 номерлашни ва кетма - кетлигини.
 2. Ҳар қандай сонинг сонлар қаторидаги ўрнини.
 3. Сонларни таққослашни ($<$, $>$, $=$) белгиларни қўя олиши.

2. “Юзлик” мавзусида сонларни номерлаш

100 ичидаги сонларни номерлашда қўйидагилар бажарилади:

1. Предметларни битталаб ва группалаб санашига ўргатиш.
2. 100 ичидаги сонларни ўқиш ва ёзиш.

3. Ўнгдан чапга ҳисоблаганда бирликлар ва ўнликлар қайси ўринда ёзилишини ўргатиш.

4. Бирликлари йўқ хона қандай кўрсатилишини.

5. 1- ва 2-хона бирликлари, хона сони, хона қўшилувчилари, йифиндиси, 1 хонали ва 2 хонали сон тушунчаларини бериш мумкин.

Оғзаки номерлашни ўрганишда, сўнgra ёзма номерлашни ўрганишда сонлари хона қўшилувчиларига ажратишга келтириладиган қўшиш ва айриш ҳоллари қаралади. Масалан, 10+7, 18+10, 15-5 ни ечинг.

100 ичидаги сонларни номерлаш дарсида сонларнинг натурал қатори билан системали иш бажариб турилиши керак. Предметларни битталаб қўшиб санаш ва ажратиб санашга доир 14-1, 17+1 каби мисолларни ечиш, таққослашга доир $16 < 17$, 17+1 каби мисолларни ечиш, таққослашга доир $16 < 17 \ 18 > 15$ мисолларни кўрсатиш лозим.

Тушунтиришда чўплар боғлами, доирачалар, абак, ... кўргазмасидан фойдаланилади. 1 хонали ва 2 хонали сон тушунчалари киритилади. Куйидаги кўринишдаги машқларни бериш мумкин.

1. Олдин 1 хонали, кейин 2 хонали сонларни тартиб билан ёзинг. 2, 13, 15, 12, 8, 11, 17, 14.

2. 4 та ихтиёрий бир хонали сон ёзинг ва ҳар бирини 10 та орттииринг.

3. 1 ва 2 рақами билан олдин 1 хонали, кейин 2 хонали сон ёзинг. Бундан кейин 21-100 ичida сонларни номерлашга ўтилади.

1. Ўнликлар саноги, 10, 20, 30, ... ҳосил бўлиши ва аталиши.

2. Сонларнинг ўнликлардан ва бирликлардан ҳосил бўлиши.

3. Икки хонали сонларни ёзма номерлаш, ёзиш ва ўқиш, 1-ва 2-хона бирликлари.

3. “Минглик” мавзусида сонларни номерлаш

Бу мавзуда ўқитувчининг вазифаси қуйидагилардан иборат.

а) предметларни битталаб, ўнталаб, юзталаб, группаларга бирлаштириб санаш;

б) 1000 ичida сонларни ўқиш ва ёзиш ҳамда уларни натурал қаторда келиш тартибини билиш;

в) Сонларни юзлик, ўнлик ва бирликлардан ҳосил қилиш;

г) Ўнгдан чапган ҳисоблаганда, бирликлар, ўнликлар, юзликлар қайси ўринда туришини;

д) Сонни хона қўшилувчилари йифиндиси кўринишида ёза олиш ва хона бирликларини билиш.

1000 ичидә сонларни номерлашни ўрганиш натижасида ўкувчилар күйидаги билимлар, малакалар ва кўниумалар эгаллаб олишлари керак.

1. 1000 ичидаги сонларни номерлаштириши, соннинг ҳосил бўлишини, ўзидан олдинги ва кейинги сонлар билан алокадорлигини билиш.

2. Ҳар бир сонни сонлар қаторидаги үрнини.

3. Сонларнинг ўрни қийматларини билган ҳолда ўқий ва ёза олиш.

4. Таккослаш.

5. Сонни хона йиғинидиси күринишида ёза олиш.

6. Сонларнинг натуруал кетма-кетлигини билган ҳолда қўшиш ва айришишни бажариш.

7. Уч хонали сон ва учинчи хона бирлеклари тушунчасини билиш.

8. 100, ..., 200, ..., 300, ..., 400, ..., 500, ..., 600, ..., 700, ..., 800, ..., 900, ..., 1000 сонлари орасини тұлдира билиш. Шу асосда 100-1000 гача сонларни номерлаб чықадилар.

9. Ишнинг навбатдаги босқичида уч хонали сонларнинг ўнли тартибларини яъни уларнинг юзликлардан ва ўнликлардан, бирликлардан ҳосил бўлганини тушунтириш керак. Бунинг учун юқоридаги чўплар ёки квадрат шакллардан фойдаланиш мумкин. Абак, чўп каби кўргазмалар ҳам фойдалидир.

Йирик бирликларда ифодаланган сонларни майдароқ сонлар билан алмаштириш ва аксинча алмаштиришга машқлар бажарилиши керак. Масалан, 2м, 3м, 5м ни см га айлантиринг 600см неча метрга teng ва x.к.

Ёзма номерлаш. Бу ерда ҳам олдин икки хонали сонларни ёзма номерлашни тақорллаш зарур: 1) "Сон" ва "Рақам" терминларининг маъноларини ва булар орасидаги фарқлар. 2) Сонларнинг ёзилишида рақамларнинг ўрин қиймати. 3) Икки хонали сонларнинг хона таркиби таҳлилига оид машқлар бажарилиши керак. Олдиндан тайёрланган чўплар, квадратлардан фойдаланиш зарур.

юзлик	ўнлик	бирлик

0000
00
000

юзликлар ўнликлар
бирликлар

Қуйидаги машқларни бажариш ёзма номерлашга оид билимларини мустаҳкамлайди.

1. Сонларни дафтaringизга тартиб билан ёзинг: 196, 169, 700, 1000, 86,...

2. Уч юз бир сони ва уч юз ўн ёзинг.

3. 696 билан 703 сони орасидаги сонларни ёзинг.

4. 5, 7, 9 рақамлари билан ёзиладиган барча сонларни ёзинг.

5. 635, 67, 306, 666 сонлардаги 6 рақами нималарни билдиради.

6. 6 юзлик ва 3 бирлик, 5 ўнлик ва 2 бирлик, 10 та юзлик, 4 та ўнликдан иборат сонларни ёзинг.

7. 71 ва 701, 333 ва 33, 500 ва 501, 600, 601 ва 160 сонларини ёзиш учун нечта рақам ва нечта сон керак.

4. Кўп хонали сонларни номерлаш

Бу мавзуда асосий вазифа минглик тушунчасини таркиб топдириш, синф тушунчаси моҳиятини ечиш ва шу асосда кўп хонали сонларни ўқиш ва ёзишга ўргатиш, болаларнинг ўнлик саноқ системасига оид билимларини, натурал кетма-кетликни, сонларни ёзишнинг позицион принципларига оид билимларни умумлаштиришдэн иборат.

Кўп хонали сонларни оғзаки ва ёзма номерлашни ўргатиш бир неча босқичларга бўлинади:

1. Тайёргарлик иши.

2. Номерлашни ўрганиш.

Мингликлар синфи			Бирликлар синфи		
Юз минглар	Ўн минглар	Бир минглар	Юзлар	Ўнлар	Бирлар

3. 2-синф сонларининг ҳосил бўлиши, ўқилиши ва ёзилиши билан таништириш.

4. 6 хонали сонларнинг ҳосил бўлиши, ўқилиши ва ёзилиши билан таништириш.

5. Ўқувчиларнинг билим ва малакаларини мустаҳкамлаш.

6. Миллионлар синфининг ҳосил бўлишини тушунишлари.

Кўп хонали сонларни номерлашни ўрганиш натижасида ўқувчилар:

1. Миллионгача сонларнинг номларини ўзлаштириб олишлари, уларнинг қандай ҳосил бўлишларини тушунишлари, уларнинг ўнли таркибларини билиб олишлари керак.

2. Синфларнинг номерларини ва ҳар бир синф ичидаги хоналарни билиш керак.
3. Миллионлар синфи ичидаги ҳар қандай сонни ўқий олиш ва ёза олишлари керак.
4. Сонларни таққослай олишлари керак.
5. Сонни хона қўшилувчиларининг йифиндиши шаклида тасвирлай олишлари, 10, 100, 1000 марта орттириш ва камайтиришларни билиш керак.

3-мавзу

Асосий миқдорлар устида ишлаш методикаси

Режа:

1. Асосий миқдорлар ҳақида тушунча.
2. Узунлик ва унинг бирликлари билан таништириш методикаси.
3. Масса ва ҳажм, уларнинг бирликлари билан таништириш методикаси.

1. Асосий миқдорлар ва улар ҳақида тушунчалар

Бошлангич синфларнинг дастурида математик материал билан узвий боғлиқлиқда турли миқдорларни ҳам ўрганиш назарда тутилган. Миқдорларсиз табиатни, борлиқ оламни ўрганиш мумкин эмас. Чунки миқдорларда турли нарсаларнинг, борлиқ дунёнинг хоссалари акс этган. Миқдор тушунчаси нарса ёки ҳодисанинг хоссаси бўлиб, бу тушунчалар ўқувчиларнинг бутун ўқиши даврида шаклланнади.

Биз ўқувчиларга узунлик, жисмнинг массаси (оғирлик), ҳажми, вақт, фигуранинг юзи каби миқдорлар тўғрисида тушунча беришимиз керак. Бу тушунчаларни ўрганиш арифметик материал билан кўшиб ўқитилади.

Масалан: ўлчашни ўрганиш, санашни ўрганиш билан, ўлчов бирликлари саноқ системаси билан, исмли сонлар абстракт сонларни номерлаш билан миқдорлар устида амаллар арифметик амаллар билан паралел ўқитилади. Миқдорларни ўқитиш математикани ҳаёт, шароит билан боғлиқ ҳолда ўқитиб, политехник билимлар бериш демақдир.

Ҳисоблаш ва ясаш ишларини бажарилишини, меҳнат тарбиясини, эстетик таълим беришни кучайтиради. Айниқса миқдорларни кўргазмали, айнан ўзини ва лабораторияларда

тушунтириш имкони мавжуд. Атроф мұхитдаги мавжуд мікдорлар ва уларни ўлчашни амалиётда күрадилар, кузатадилар, ҳақиқатлигига ишонадилар. Ҳисоблаш ишларини индивидуал бажарадилар. Мікдорларни тушунтиришда фигуralар моделлар, чизмачилик ва ўлчаш асбобларидан кенг фойдаланиш керак.

2. Узунлик ва унинг бирликлари билан таништириш методикаси

Кесма узунлигини эңг аввало таққослаш билан кесмаларнинг "танг", "катта", "узун", "қисқа", "калта" каби тушунчаларини берамиз. Амалий ишлар билан бир-бирининг устига қойиб таққослайдиган узунликларни таёқча ёки металлар ёрдамида солиширадилар. Турли хил ўлчов бирликларини танлаш мүмкін.

Масалан: саноқ чүпини узунлик бирлиги қилиб, у билан бошқа узунликларни ўлчаб таққослайдилар. Буларга дафтарнинг узунлиги, қарич, қадам каби бирликларни ҳам тушунтириш керак. Шундан кейин саноқ чүпининг узунлигини см билан ўлчаш ва у билан бошқа узунликларни см билан аниқлаш имкони туғилади. См модули ёрдамида ўқувчилар:

1. Берилган кесмани ўлчаш,

2. Берилган узунликдаги кесмани ясаш масаласини ҳал қилади.

1 смли кесмани кетма-кет 10 марта қойиши билан 1 дм ни ўлчаб кесиб оладилар. Таёқчалардан 1 см, 1 дм ўлчов бирликларини намуна сифатида ясаб улар билан атрофдаги турли хил нарсаларнинг узунлигини ўлчайдилар. Ўлчашда кесмада ўлчаш неча марта жойлашиш малакаси берилгандан кейин см ёки дм ли бўлинмаларни рақамлар билан белгилашга ўтилади. Шу асосда см ли, дм ли ўлчов бирликлари ҳосил қилинади. Чизгич қандай ясалгани ҳамда чизгич билан ўлчаш малакалари берилади. Чизгич билан қоқозда кесмалар чизиш ва ўлчаш, турли хил узунликларни ўлчашга доир амалий машқлар бажартирилади. Дм билан 2-үнликни ўтишда таништириш амалга оширилади. Метр билан таништириш 100 ликни ўтишда таништирилади.

Навбатдаги босқич ўнликларни ҳисоблашда дм ва см ни биргаликда ишлатишdir. Ўлчатишлар асосида 5 дм 4 см каби узунликлар ҳосил қилинади ва аксинча чиздирилади. Энг кичик узунликларни ўлчашда ва 1000 ликлар мавзусида км тушунчалари берилади.

Ўқувчилар чамалаш ёрдамида узунликларни ўлчаш, қадамларни метрга айлантириб, уйларигача ёки бошқа объектларигача бўлган

масофаларни м ва км лар билан аниқлайдилар. 4-синфда узунлик бирликлари ва улар орасидаги боғланишни биладилар ва дафттар орқасидаги жадвални билиб олиш топшириқ қилиб берилади. Бунда қуидаги топшириклар бажарилади:

- а) 1 м 1 см дан қанча катта,
- б) 1 дм 1 м дан неча марта кичик,
- в) 1 мм 1 см нинг қандай қисмини, 1 дм 1 м нинг қандай қисмини ташкил қилади.
- г) 36647 м, 3807 м кабиларни км ва м ларда ифодаланг.

Кесмаларни ўлчашнинг пухта кўникмаларини шакллантириш мақсадида болаларни фақат қоғозга чизилган кесмаларни ўлчаш бўйича машқ қилдириб қолмай, балки бу мақсадда бошқа обьектларни масалан, қалам, дафтар ва бошқа унча катта бўлмаган обьектларни ўлчаш бўйича ҳам машқ қилдириш керак.

Кўпинча чизиш ишларини бажаришда сантиметр моделидан фойдаланилади. Чизгич ўрнига катакли дафтарнинг бир неча варафини буклаб ҳар икки катак 1 см эканлигидан фойдаланилади. 20 катак ёки 10 см 1 дм га tengligini қоғозда рақамлар билан ҳам белгилаб чизгич ясаш мумкин. Бунда ўлчов бошини 0 билан ҳам белгиламасдан 1 билан белгилаб хато ўлчашга йўл қўйиши мумкин. Шунинг учун қоғозда см ларни рақамлар билан белгилашда шошмасдан нол сони ўтилганидан кейин рақами узунликни ҳосил қилиш мумкин. Шунинг учун қоғозда см ларни шошмасдан 0 сони ўтилгандан кейин рақами узунликни ҳосил қилиши фойдалидир.

Дм модели ёрдамида ўлчашларга доир баъзи машқларни келтирамиз.

1. Дм нинг учта моделини кетма-кет қўйинг, қандай узунликдаги йўлакча ҳосил бўлади.

2. Қоғоз лента ёки ип узунлиги 3 дм бўлган бир бўлак ўлчам ва йўлакчанинг ёки ипнинг шу қисмини қирқиб олинг.

3. Тўғри чизиқда берилган нуқтадан бошлаб икки марта дм кўйинг ва бошқа бир нуқта қўйинг. Ҳосил бўлган кесма узунлигини айтинг.

4. Партанинг, досканинг, столнинг узунлингини топинг.

Агарда ўлчашда дм бутун сон марта жойлашмаса, ўлчаш натижаси тақрибан ифодаланади.

Масалан, 3 дм га 5 см дан озгина ортиқ ёки кам ва ҳоказо.

Узунлик ўлчовининг янги бирлиги км билан таништирилаётганда бу бирлик ҳақидаги тасаввурларни шакллантириш мақсадида ер устида амалий ишлар ўtkазиш тавсия қилинади. 1 км масофани қадамлаб ўтиб, неча қадам км бўлганнини, бир

қадам узунлиги қанча узунликка әгалигини көлтириб чиқарадилар. Бир қадамнинг узунлиги чизгич, рулетка, ўлчов лентаси билан тахминан ҳисоблангандан кейин турли масофаларни қадамлаб, кейин м ёки км га айлантирадилар.

1 км=1000 м, 1 м=10 дм, 1 дм=10 см, 1 см=10 мм, 1 м=100 см=1000 мм.

3. Massa, ҳажм ва уларнинг бирликлари билан таништириш методикаси

Массани жисмнинг ерга тортилиш хоссасидан келиб чиқади, деб ўргатиш осондир. Бошланғич синфларда фақат жисмнинг массаси ўрганилади, шу сабабли, “оғирлик”, “оғирликни тортиш”, “Оғирлик тошлари”, “оғирликни тенглаштириш” сўзларини иложи борича ишлатмай, “масса”, “жисмларнинг массасини ўлчаш”, “массани ўлчаш асблолари” каби сўзлардан фойдаланиш керак.

Нарсаларни массасига кўра “оғир”, “енгил” сўзлари билан фарқлаймиз. Масса бирликлари қилиб, кг, г, ц, т лар қабул қилинган.

Шулардан кейин масса ўлчовлари жадвали киритилади, дафтар орқасидан масса жадвалини тушунтиради, уни билиш ва ёдда сақлаш тавсия қилинади.

$$1 \text{ т} = 10 \text{ ц}, 1 \text{ ц} = 100 \text{ кг}, 1 \text{ кг} = 1000 \text{ г.}$$

Мактабгача бўлган ёшдаёқ болалар, “енгил”, “оғир”, “бир хил оғирлиқда” каби сўзларни эшишиб, шуғулланиб масса ҳақида бошланғич тушунчаларни эгаллаганлар. 1-синфда масса бирлиги 1 кг билан танишадилар. Тарозилар ёрдамида тортиш билан турли хил предметлардан 1 кг ҳақида тушунчани амалий қўясатиш мумкин. Навбатдаги дарсда ҳажм (сифим) ўлчов бирлиги литр билан танишадилар. Бунда литрнинг ҳар хил намуналарда бўлиши, яъни 1 литрли банка, кружка, шунингдек улар ёрдамида челак, кастрюлка, бидон кабиларни ўлчаб тўлдириш ишлари амалга оширилади.

Ўқитувчи амалиётдан мисоллар келтиради. Масалан, сувни, ёғни, керосинни нима билан ўлчаб, нимага солиб олиб келамиз, деган суҳбатни ташкил қиласди.

“Идишларнинг сифими” ва “литр” тушунчаларининг киритилиши нарсаларнинг хоссалари ҳақида фазовий тасавурларнинг ривожланишига ёрдам беради.

“Литр” дарсига ўкувчиларни тайёрлаш учун ҳажмга эга бўлган жисмлар ҳақида тушунча бериш мақсадида қўйидаги машқуларни бериш мумкин.

1. Қайсиси, яъни шар ёки куб каттами?
2. Фишт қуядиган қолиплардан қайси бири катта?
3. Чой қошиқ ва ош қошиқлар билан сувни ўлчаб стаканни тўлдир, қайси қошиқ билан кўп микдордаги сув қўйилади?

Ўқитувчи 1 литр ёзувли металл кружкани кўрсатади ва умум қабул қилинган ўлчовнинг номини айтади. Суюқликлар ёки сочилиувчан жисмлар сифимини ўлчаш зарур бўлган ҳолатлар сифимларни ўлчаш ёки ҳажмларни ўлчаш деб аталади. Сўнгра 1 л ли кружка билан сувни банкага куямиз. Банка тўлади. Нима учун банка 1 л ли деб аталишини энди тушунадилар, кейин ўқувчиларга топшириқ беради: 1 л ли кружка ва 1 л ли банка билан пақир ва бедон каби бошқа идишларнинг сифимини аниқлаш топширилади.

Ўқитувчи амалий иш сифатида куйидагиларни уюштириши мумкин.

1) магазин ўйини. Сотувчи ва оловчичи сифатида сут, керосин, ёғ кабиларни ўлчашни билиб олишади;

2) банка, кострюлка, челякка суюқликларни литрлаб ўлчаб солиш;

3) бир челякда 5 л, 2-челякда 3 л сув бўлса, уларни тенглаштириш учун нима қилиш керак, деган масалалар бериш.

2-синфда ўқувчилари грамм билан танишадилар. Болаларга бир тийиннинг массаси 1 г, 2 тийинники 2 г, 3 тийинники 3 г деб тангаларни ўлчаб, уларнинг қандай оғирликка эга эканлигини амалий кўрсатади.

Шулардан кейин савдо тарозиси ва катта тарози билан таништирилади. Бунинг учун яқин орага экспурсия ўtkазиш мақсадга мувофиқдир.

3-синфда “центнер”, “тонна” каби масса ўлчовлари тушунчалари билан танишадилар.

4-мавзу

Вақт ва юза ўлчовлари билан таништириш методикаси

Режа:

1. Вақт ўлчов жадваллари ва асосий вақт билан таништириш.
2. Вақт бирликлари билан амаллар бажариш.
3. Геометрик фигуруларнинг юзи ҳақидаги тушунчаларни ўқитиш методикаси.
4. Нарх, баҳо бирликларини киритиш методикаси.

1. Вақт ўлчов жадваллари ва асосий вақт билан таништириш

IV синфда “вақт ўлчовлари” мавзусини ўтишда йил, ой ҳафта, сутка, соат, минут каби ўлчов бирликлари ҳақида тушунча берилади. Күргазмали тушунча бериш учун соат ва ундан фойдаланишга кенгроқ тұхталиш керак.

Мавзуни ўрганишнинг асосий вазифаси болаларни вақт бирликлари ва уларнинг муносабатлари билан таништириш, вақт соат бүйіча аниқлашга ўргатылғандар.

Уларга минут, секунд, соат, кун, ҳафта, ой, йил каби вақт ўлчовларини уй шароитида ўрганиб келиш топширилади.

Бириңчи синфнинг тайёргарлик даврида ек “олдин”, “кейин” тушунчалари киритилади. Масалан, тұртта фаслга доир расмли күргазмадан фойдаланиб, қайси фасл олдин келади, қайсиси кейин келади, деган саволларни тушунтириш мүмкін.

1-синфдан бошлаб, тонг, кундуз, кечкурун, тун бугун, кеча, әртага тушунчалари билан танишиб борадилар. Синфда календардан (тақвим) фойдаланиш, шу асосда ҳафта, ой, йил каби уларнинг орасидаги боғланишни ўрганиш мүмкін.

“Вақт ўлчовлари” мавзуси бүйіча дарсларда одамлар турмушида вақтнинг қандай роль ўйнашини, кичик чақалоқлигидан кекса бўлгунга қадар ўтган оралиқдаги одамларнинг ёши бўйича босқичларни тушунтириш суҳбат уюштириш мүмкін.

Синфда вақтнинг ўлчов асблолари: соат ва секундомерлар бўлиши мақсадга мувофиқдир. Кўпроқ ҳисоблаш ишларида соат циферблатининг бўлиши шарт. Вақтни ҳисобга оладиган куйидаги кўлланмалар ҳақида тушунчалар бериш мүмкін:

1. Табель - календар.
2. Соатнинг демонстрацион модели (цифрблат).
3. “Мактаб ўқувчисининг кундалик режими” жадваллари.

Шунингдек, секунд ва аср билан танишадилар. Ўқув йилининг охирида куйидаги вақт ўлчовлари жадвали берилади.

$$1 \text{ аср} = 100 \text{ йил}$$

$$1 \text{ сутка} = 24 \text{ соат}$$

$$1 \text{ йил} = 12 \text{ ой}$$

$$1 \text{ соат} = 60 \text{ минут}$$

$$1 \text{ ой} = 30 \text{ ёки } 31 \text{ сутка}$$

$$1 \text{ минут} = 60 \text{ секунд}$$

Февраль ойи 28 ёки 29 кун. 1 оддий йил 365 сутка. Кабиса или 366 кун.

Асосий бирликлар - йил ва сутка

Дарсликда берилган жадвалдан фойдаланиб 12 ой ва ҳар бир ой неча кундан иборатлигини күрсатиш зарур. Бу мавзуга оид дарсларда йирикроқ вақт ўлчовларини майдароқ вақт ўлчовларига ва аксинча алмаштиришга оид машқларга катта эътибор берган.

Мисол. 1 йил 2 ой неча сутка?



2. Вақт бирликлари билан амаллар бажариш

Бир неча дарс вақт бирлиги қатнашган исмли сонлар устида амаллар бажаришга ажратиласди.

12 соат 45 минут 15 соат 35 минут

10 соат 30 минут 8 соат 48 минут

Вақтни қўшишни ўрганишдан олдин, ана шундай машқлар қараладики, уларда минутлар ёки секундлар йифиндиси 60 дан кам бўлади, соатлар йифиндиси 24 соат дан кам, кунлар йифиндиси 30 дан ёки 31 дан кам, ...

Айиришни қарашда қуйидаги мисоллар тавсия қилинади:

1 соат - 34 мин, 3 м - 26 секунд

Булар учун

$1 \text{ соат} - 34 \text{ мин} = 60 \text{ мин} - 34 \text{ мин} = 26 \text{ мин.}$

$3 \text{ мин} - 26 \text{ сек} = 2 \text{ мин} 60 \text{ сек} - 26 \text{ сек} = 2 \text{ мин} 34 \text{ сек.}$ деб тушунтириш лозим.

Бу мавзуни ўрганишда вақт ҳисобини 1 суткани 24 соат ҳисобида олиб бориш малакаси қуйидагича чизма билан тушунтириллади.

0	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	21	22	23	24
---	---	---	---	---	---	---	---	---	---	----	----	----	----	----	----	----	----	----	----	----	----	----	----	----

0	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
---	---	---	---	---	---	---	---	---	---	----	----	----

Бу чизма ёрдамида кечки соат 7 - бу соат 19; 11 эса кечки соат 23; Кундузи 3 - бу соат 15; эканлигини тушунтириллади

Вақт ҳисобига оид масалаларни ечишда ҳам ўқувчилар шу чизмадан фойдаланишади. IV синфда сутка ичida ҳисоблашга оид қуйидаги масалалар қаралади.

1) ҳодисанинг бошланиши ва бошланиши билан охири орасида ўтган вақтга кўра унинг охирини топишга оид масалалар. Мисол: 1-соат 8с 30 мин бошланади, дарс 45 минут давом этади, танаффус қачон бўлади?

2) ҳодисанинг бошланишини унинг охири ва ҳодиса давом этган вақтга кўра топиш. Мисол катта танаффус 30 минут давом этди, кириш 11 с 45 минутда бўлди. Катта танаффусга чиқиш қачон бўлган?

3) берилган ҳодисалар орасида ўтган вақтни ҳисоблаш. Мисол: Мустақиллик куни 1991 йил 1-сентябрда бўлган. 2000 йил 1 декабрда мустақилликка қанча вақт бўлган?

Бу учала масала $a+b=c$ кўринишда қўшиш компонентларида номаълумларни топишга асосланади.

$$a+b=x \quad x+b=c \quad a+x=c$$

3. Геометрик фигураларнинг юзи ҳақида тушунчаларни ўқитиш методикаси

Юза тўғрисида билимлар IV синф математикасида “юз”, “юз бирликлари” мавзусида ўрганилади. Лекин бу тушунчага тайёргарлик ишлари I-II синфдан бошланади.

Масалан, меҳнат дарсларида қофоздан юзага эга бўлган фигураларни қирқиб олиш, тасвирий санъат дарсларида баъзи фигураларни бўяш, бўёқнинг кўп ёки кам кетиши нимага боғлиқлигини билиб борадилар. Расм солиш билан бирор фигурани ёпиқ чизиклар билан чегаралайдилар, қофознинг кўп ёки кам кетганлигини билиш асосида юзаларнинг катта, кичик, тенг муносабатлар билан таққосланишини билиб оладилар.

Геометрик фигураларга таалуқли учбурчак, квадрат, доира тўғри тўртбурчак каби фигураларни чизиб, уни қофоздан кесиб оладилар.

Меҳнат дарсларида ҳам бичиш-тикиш ишларини бажарганда кўп ёки кам мато кетганлиги билан юза тушунчасини боғлайдилар.

1-2-синфларда фигуралардаги катакларни санаш, катаклар бўйича фигура ясаш, фигуралар қирқиши, устига қўйиш йўли билан фигураларни таққослашга оид машқлар берилади.

“Фигураларнинг юзлари” мавзуси қўйидаги режа асосида ўқитилади:

1. Таққослаш билан қайси фигура кўпроқ ўрин эгаллашни билиб олиш.

2. Бирлик квадрат ёрдамида фигуралар юзасининг катта, кичикилигини билиш, кв. см билан танишиш.

3. кв. см билан турли фигуралар юзларни ҳисоблаш, палетқа.

4. Тўғри тўртбурчакнинг юзини кв. см да ҳисоблаш.

5. Тўғри тўртбурчакнинг юзини кв. дм да ҳисоблаш.

6. Тўғри тўртбурчакнинг юзини кв. м да ҳисоблаш.

Хар қайси босқичга алоҳида тұхталамиз:

Фигураларнинг юзи ҳақида умумий тасаввурларни шакллантиришдан олдин үқувчиларда кесмаларни таққослаш, кесмалар ва кесмаларнинг узунликларига нисбатан $>$, $<$, $=$ муносабатлари ҳақида үқувчиларда тұпланған маълумотларни әслаш керак. Айниқса амалий машқлардан фойдаланиш зарур.

Мисол: А, Б, Г, Д, Е фигураларни чизамиз, уларни қоғоздан қирқиб олиб устма-уст қўйиб таққослашади.



Б учурчакни А квадрат устига қўяди. Учурчак квадрат ичида жойлашганига ишонч ҳосил қилганидан кейин $\triangle < \square$ қўринишда хуроса чиқаради.

Г ни В нинг қўйиб ва бошқа комбинациялар билан $>$, $<$, $=$ каби муносабатлар ўрнатади.

Лекин ҳар доим ҳам шакларни устма-уст қўйиб, фигуралар юзларини таққослаб бўлмайди.

Мисол: 1,2,3,4 фигураларни оламиз.



Энди бундай фигуралар қандай таққосланади? - деган савол қўйилади. Бу ерда фигура юзаларини ўлчаш, ўлчав бирлигини киритиш зарурлиги келиб чиқади. Бундай юзаларни ўлчаш усулларидан осони фигура юзларини тенг квадратчаларга бўлиш орқали бажарилади. Бу мисол қўйидагича бажарилади. Бир ўқувчи 6 тадан катаги бор 4 та қаторни, 2-ўқувчи 9 тадан катаги бор 3 та қаторни дафттарга чизади. Қайси ўқувчи кўпроқ катақни ва қанча кўп катақни чизган?

$9*3=27$; $6*4=24$; $27-24=3$ каби ҳисоблаш бажарилади.

Юзани ўлчаш учун юза бирлиги - кв см.ни киритишдан бошлаш керак. Томонининг узунлиги 1 см, ёки дафтарга 2 катақ узунлигига тенг бўлган узунлик орқали квадрат чиздирилади. Бу квадрат ичида 4 та катақ жойлашган бўлади. Шундан кейин дафтарнинг юзини ўлчашдан бошлаш керак.

1) эни бўйича 30 та, бўйи бўйича 40 та катақ жойлашган бўлса, $30*40=1200$ катақ. Ҳар тўрттаси 1 кв. см бўлса, $1200:15=300$ кв. см ҳисоблаш мумкин.

2) эни 15 см, бўйи 20 см бўлса, $15*20=300$ кв. см

Энди ўқувчиларга энг содда фигура - тўртбурчакнинг юзини топишдан амалий ишни бошлаш керак.

Энди китобнинг эни 12 см, бўйи 18 см деб чизғич билан ўлчаш орқали юзини келтириб чиқаради. Юзи $12 \times 18 = 216$ кв.см.

Тўғри тўртбурчак юзаларини ҳисоблашдан бошқа ихтиёрий юзаларни ҳисоблашда палеткадан фойдаланишни ўргатиш зарур. Палетка квадратларга бўлинган шаффоф пластинкадир. Мехнат дарсларида бундай асбобларни ясатиш мумкин. Энг ёсони берилган фигурани катакли дафтарга қўйиб чизиб оламиз. Тўла жойлашган катаклар 52 та бўлсин. $52:4 = 13$ кв см. Тўла жойлашмаган катакларни санаб, уларнинг ярмини оламиз. $24:2 = 12$ кв см. 12 катакни кв. см га айлантирамиз $12:4 = 3$ кв.см. Жами: $13+3=16$ кв.см.

Шунга ўхаш кв.дм, кв.м, каби ўлчов бирликларини кетма-кет киритиш мумкин. Ўқувчи бу юзалар қандай катталикка эга эканлиги тўғрисида таъсаввур ҳосил қилиши учун узунликлари 1 см, 1 дм, 1 м бўлган квадратлар чиздирилади, иложи бўлса улар қофозда чиздирилиб, кесиб олинади. мм ли қофоз ҳақида тушунча бериш керак.

Энди амалий иш сифатида доска, стол ва ҳоказоларнинг эни ва бўйларини см ёки дм ўлчов бирлигига ўлчаб, уларни кўпайтириш асосида юзаларини ҳисоблаб чиқадилар, шунингдек дафтар, китоб ва бошқаларнинг юзалари ҳисоблаш мустақил иш сифатидә берилади.

Энди вазифа кв.дм ни кв.см га, кв. см ни кв. мм га айлантириш масаласидир. Бунинг учун қуйидаги масалаларни ёчиш мумкин.

1. Математика дарслиги муқовасининг бўйи ва энини см ларда ўлчаш ва юзини дм ларда ифодалаш.

2. Газета саҳифасининг бўйи ва энини дм ларда ўлчаш ва юзини см ларда ифодалаш.

Шу каби машқлар асосида кичик бирликлардаги юзани катта бирлиқдаги ва аксинча айлантириши, шу асосда юза ўлчов бирликлари жадвали ҳақида тушунча берилади.

Энди каттароқ юзаларни ўлчашга ўтилади. Унда синфнинг юзи, ер участкаси ва бошқа юзалар ўлчаб кўрсатиласди.

4. Нарх, баҳо бирликларини киритиш методикаси

Бу бирликларни киритиш учун дўконлардаги, бозорлардаги амалий савдодан бошлаш керак. Сўм, тийин ва хаттоки, АҚШ доллари ҳақида тушунча бериш, улар орасидаги муносабатни 1, 3, 5, 10, 25, 50, 100, 200, 500 сўмлар ҳақида тушунча бериш керак.

Булар орқали оиласдаги тежамкорлик, бозорда савдо қилиш ва келгусида ўқитиладиган иқтисод фанига асос яратиш бўлиб ҳисобланади. Ҳозирги пайтда сўм ва доллар орасидаги ҳар ҳафтада бўладиган миқдорий муносабатларни кузатиб бориш вазифа қилиб берилади.

5-мавзу

Арифметик амалларни ўрганиш методикаси

Режа:

1. Арифметик амалларни ўрганиш методикасининг умумий масалалари.
2. “Ўнлик” мавзусида арифметик амалларни ўрганиш.
3. Кўшишнинг ўрин алмаштириш хоссасини ўқитиш.

1. Арифметик амалларни ўрганиш методикасининг умумий масалалари

Ўқувчиларда оғзаки ва ёзма ҳисоблаш кўникмаларини таркиб топтириш математика дастурининг асосий йўналишларидан биридир. Арифметик амалларни ўрганишдан олдин болалар онгига унинг маъносини, мазмунини етказиш керак. Бу вазифа турли хил амалий ишларни бажариш асосида ўтказилади. Масалан, “ўнлик” мавзусини қўшиши ва айириш амалларининг маъноси 2 тўплам элементларини бирлаштириш ваа тўпламдан унинг қисмларини ажратиш каби амалий амаллар ёрдамида олиб борилади. Кўпайтиришни унинг компонентлари билан натижаси орасидаги боғланишларни ўрганиш эса бўлиш амалини ўрганиш учун асос бўлиб хизмат қиласди.

Демак, ўқитишнинг 1-босқичида абстракт бўлган нарса навбатдаги босқичда янада абстрактроқ билимларни шакллантириш учун аниқ асос бўлиб хизмат қиласди. Турли ҳисоблаш усусларининг ўзлаштирилиши учун дастурда арифметик амалларнинг баъзи муҳим хоссалари ва улардан келиб чиқадиган натижалар билан таништиришни назарда тутади. Масалан, 1-синфда 10 ичидаги қўшиш ва айиришни ўрганишда болалар кўшишнинг ўрни алмаштириш хоссалари билан танишадилар. Дастурда арифметик амалларнинг хоссаларини ўрганишдан ташқари арифметик амал ҳадлари ва натижалари орасида боғланишларни таништиришни ҳам кўзда тутади. Бу иш амалларни тенгламаларни текширишда муҳим аҳамиятга эга.

Масалан, $6 \cdot 4 = 24$ бўлса, уни бўлишга боғлаб $24 : 6 = 4$, $24 : 4 = 6$ каби ҳоллар ҳосил қилинади.

Мухим вазифалардан бири ҳисоблаш кўникмаларини шакллантиришdir. Оғзаки ва ёзма усулда ҳисоблашлар 1-4 синфнинг ҳар бир мавзусида ўз аксини топган.

Масалан, оғзаки

$$276 + 432 = (200 + 400) + (70 + 30) + (6 + 2) = 600 + 100 + 8 = 708$$

ёзма $+ 276$

432

Шундай вазиятга етказиш керакки, арифметик амалларни бажариш автоматизмга (ёдда) айлансин.

2. "Ўнлик мавзусида" арифметик амалларни ўрганиш

Мавзуни ўрганишда ўқитувчи олдида турган асосий мақсадлар қуидагилардан иборат:

1) қўшиш ва айриш амалларининг мазмуни билан таништириш:

2) ҳисоблаш усулларидан онгли фойдаланишни таъминлаш;

а) "сонни қисмлари бўйича (битталаб ёки группалаб) қўшиш ва айриш" усули;

б) йигиндининг ўрни алмаштириш хоссасидан фойдаланиб қўшиш усули;

в) сонларни айришда қўшиш амалидан яъни номаълум компонентни топишдан фойдаланиш.

3) 10 ичидаги қўшиш ва айришни автоматизмга етказиш;

Мавзуни ўзаро боғланган бир нечта босқичларга бўлиб ўрганамиз.

1-босқич. Тайёргарлик босқичи: қўшиш ва айриш амалининг аниқ мазмунини очиш; $a+1$ қўринишдаги қўшиш ва айриш ҳоллари.

Бу иш 1-10 ичидаги сонларни ўрганишга бағишлиланган биринчи дарсданоқ бошланади. Бунда икки тўпламнинг бирлашмасига доир ва тўла қисмини ажратишга доир етарли машқ бажарадилар. Номерлашни ўрганиш жараённада 1-ўнликдаги ҳар бир сон ўзидан олдинги сонга 1 ни қўшишдан, ёки ўзидан кейинги сон дан 1 ни айришдан ҳосил бўлиши, шу билан сонлар қаторини ҳосил қилиш малакаси сингдирилади. Умуман $a+1$, $a-1$ қўринишдаги ҳоллар учун жадвал тузилади. Биринчи дарсданоқ $1-1=0$, $0+1=1$ қўринишдаги амалларга тўхталаади.

2-босқич. $a+2$, $a+3$, $a+4$ қўринишдаги ҳоллар учун ҳисоблаш усуллари билан танишиш. Бу ҳолларнинг ҳар бири учун тахминан бир хил қуидаги режа тузилади.

1) тайёргарлик сифатида сонларни 2 қўшилувчига ажратиш ва қўшиш ҳамда айриш жадваллари такрорланади;

2) Сонни қисмлар бўйича қўшиш ва айриш усуллари билан танишиш;

3) янги билимларни мустаҳкамлаш ва уни қўллаш;

4) қўшиш ва айриш жадвалларини онгли эслаб қолишга доир ишлар.

3-босқич. $a+6$, $a+7$, $a+9$ қўринишдаги ҳоллар учун ҳисоблаш усуллари билан танишиш. Бу ишларни бажариш жараёнида ҳам олдингилардек бажарилиб, қўшилувчи, йигинди сўзлари билан танишадилар. Болаларга тушунарли бўлиши учун куйидагидек жадвалларни ўргатиш мумкин:

қўшилувчи	4	6	5	3	7	2	1	0
қўшилувчи	0	2	3	4	2	5	7	8
йигинди								

Ўкувчилар $4+2=6$, $2+4=6$ каби мисолларни ечиш орқали ўрин алмаштириш хоссаси билан танишадилар ва уни қоида сифатида ифодалайдилар.

$6=\square + \square$, $7=\square + \square$ каби кўргазмали мустақил ишлар берилади.

4-босқич. $a-5$, $a-6$, $a-7$, $a-8$ қўринишдаги ҳоллар учун ҳисоблаш усуллари билан танишиш.

Бунда ҳисоблаш усуллари йигинди билан қўшилувчилар орасидаги боғланишларни билишга асосланган.

Бунда йигинди ва қўшилувчилардан бири орқали иккинчи қўшилувчини топишга асосланган.

Қўшиш ва айришни ўрганишга доир тайёргарлик иши номерланишни ўрганишда биринчи дарслариданоқ бошланади. Бунда юқорида айтиб ўтилганидек, натурал кетма-кетликтаги сонларнинг ҳосил бўлиш ҳоллари ($a+1$) билан бир қаторда қўшиш ва айришнинг бошқа ҳоллари ҳам қаралади. Бу амалларнинг натижаларини топишда тўпламлар устида кўп марта амаллар бажариб, шунингдек масалалар ечишда ўкувчилар тўпламларни бирлаштириш амаллари қўшиш амалига, уларнинг қисмини ажратиш эса айриш амалига мос келишини аниқлайдилар. Бундан ташқари ўкувчиларнинг эътиборини қўшганда олдингидан кўпайишига айирганда эса камайишига эътиборни қаратмоғи зарур.

Ўкувчилар номерлашни ўрганишнинг охирига бориб биринчи ўнликдаги исталган сонга бирни қўшиши ёки айриш

билин ҳосил қилиш усулинин мустаҳкам ўрганиб боришлари ва бу усулдан фойдаланиб (бирин-кетин) санаш билан эмас, бирни күшиш ва айириш билан бемалол бажаришлари лозим. Болалар секин-аста ўз кузатишларини умумлаштирадилар ва қуидагича холосага келадилар:

Сонга 1 ни күшиш - бу ундан кейинги келувчи сонни айтиш демақдир. Сондан 1 ни айириш ундан олдинги келувчи сонни айтиш демақдир. Алоҳида ажратилган дасрға ўрганилган барча $a+1$ ҳоллар системалаштирилади. Ўқитувчи раҳбарлигига болалар “1 ни күшиш” ва “1 ни айириш” жадвалларини тузадилар ва уларни ёд оладилар.

Бир томондан, ҳисоблаш усууларининг ўхшашлигини, иккинчи томондан күшиш ва айириш амалларининг қарама-қарши характеристини таъкидлаш учун “2 ни күшиш” ва “2 ни айириш” худди шунингдек кейинроқ “3 ни күшиш” ва “3 ни айириш” ҳамда “4 ни күшиш” ва “4 ни айириш” ҳоллари бир-бири билан таққосланиб бир вақтда ўрганилади.

Ҳисоблаш малакалари устида иш қуидаги режа бўйича олиб борилади:

1) күшиш ва айириш усуулари билан танишиш;

2) бу усууларни қўллашга ва ҳисоблаш малакаларини эгаллашга доир машқлар;

3) жадваллар тузиш ва уларни ёд олиш, ҳисоблаш малакаларини эгаллаш “2 ни күшиш ва айириш”ни ўрганиш. Буларни ўтиш усули билан таништириш методикасини қараб чиқайлик.

Тайёргарлик даврида (мавзууни ўрганишга 1-2 дарс қолганда) болаларнинг $6+1+1$, $9-1-1$ кўринишидаги икки амалли мисолларни ечишга ўргатиш тавсия этилади, бунда болаларда 1 ни күшиш ва айириш малакалари мустаҳкамланади ва қуидагича кузатишлар пайдо бўлади:

Агар 1 ни ва 1 ни қўшсак (айирсак), у ҳолда бор йўғи 2 ни қўшган (айирган) бўламиз. Даствор бундай масалаларни ечишни предметлар устида амаллар бажариш орқали намоён қилинади. Масалан, “4 та кўк квадрат қўйинг, 1 та сариқ квадратни ва 1 та қизил квадратни суриб қўйинг. Нечта квадрат ҳосил бўлади? $4+1+1$, бундай мисолни қандай ечишимизни тушунтиринг (4 га 1 ни қўшамиз, 5 ҳосил бўлади, 5 га 1 ни қўшамиз 6 ҳосил бўлади”). $7-1-1$ мисол ҳам худди шундай ечилади. Ҳисоблашларнинг янги усууларини ўрганишга бағишланадиган дарсда ҳам даствор бир неча тайёргарлик машқлари бажарилади, болалар мисолларни ($8+1+1$, $9-1-1$ ва ҳ.к.) уларнинг ҳар бирини тушунтириб ечадилар.

Үқитувчи савол беради. “агар 1 ни яна 1 ни құшган бұлсак, ҳаммаси бўлиб қанча қўшдик (агар) 1 ни ва яна 1 ни айирган бўлсак, ҳаммаси бўлиб нечани айирдик?”

Навбатдаги учинчи даврда “5,6,7,8,9 ни қўшиш” ҳоллари учун қўшиш усуллари ўрганилади. Бу мисолларда 10 ичида қўшишда иккинчи қўшилувчи биринчи қўшилувчидан катта ($1+9$, $2+7$, $3+5$, $4+6\dots$). Агар ҳисоблашларда қўшилувчиларниң ўрни алмаштирилса, у ҳолларда барчаси илгари ўрганилган $a+1$, $a+2$, $a+3$, $a+4$ кўринишдаги ҳолларга келади.

3. Кўшишнинг ўрин алмаштириш хоссасини ўқитиш

Кўшилувчиларниң ўрнини алмаштириш усуллари болалар тушуниб олишлари учун дастлаб уларга қўшишининг ўрин алмаштириш хоссаси моҳиятини очиб бериш мақсадга мувофиқдир.

Кўшишнинг ўрин алмаштириш хоссаси билан болаларни кўйидагича таништириш мумкин.

Ўқувчиларга масалан, 4 та яшил ва 3 та қизил учбурчак олиш буюрилади.

Ўқитувчи 3 та учбурчакни 4 та учбурчакка қўшиб қўйинг. Учбурчаклар нечта бўлади? Буни қандай билдингиз?

Ўқувчи: 4 га 3 қўшилса 7 ҳосил бўлади (ёзади: $4+3=7$)

Ўқитувчи: энди учбурчакнинг рангига қараб ажратинг ва 4 та учбурчакни 3 та учбурчакка қўшиб қўйинг . Учбурчаклар нечта бўлади?

Ўқувчи: бу гал пам 7 та (ёзади $4+3=7$).

Ўқитувчи: бу мисолларни сонларни қўшишдаги параметр номлари билан айтиб беринг.

Ўқувчи: биринчи қўшилувчи 4, иккинчи қўшилувчи 3, йигинди

7. Биринчи қўшилувчи 3, иккинчи қўшилувчи 4 йигинди 7.

Ўқитувчи: бу мисоллар нимаси билан ўхшаш?

Ўқувчи: қўшилувчидар бир хил, йигинди бир хил.

Ўқитувчи: бу мисоллар нимаси билан фарқ қиласди?

Ўқувчи: қўшилувчиларни ўрни алмашди.

Сўнгра қўшилувчиларниң ўрин алмаштириш усулининг моҳиятни очиб беради, яъни ҳисоблашларда қачон ўрин алмаштириш хоссасидан фойдаланиш кўрсатилади. Ана шу мақсадда амалий характеристердаги масалар ечилади. Масалан, ҳар хил жойда турган 2 қоп ва 7 қоп унни бир жойга жойлаштириш керак. Уни қандай бажарган маъкул. 2 қопни 7 қоп олдига келтириб қўйишми ёки аксинчами? Болалар турмушда кўрганларидан фойдаланиб масалани ечадилар. Сўнгра $1+3$, $3+1$, $2+4$, $4+2$ кўринишдаги мисоллардан бир жуфтини тушунтиради.

Қолғанларини үқувчилар мустақил ечадилар, ҳисоблаш үсулларини таққосладылар.

Сонларни қандай қилиб тезда ҳисоблаш мүмкінлигини анықладылар. Бундай машқлар асосида үқувчилар күйидаги холосага келадылар: катта сонга кичик сонни құшиш, кичик сонға катта сонни құшишга қараганда осон, құшиш пайтида эса құшилувчиларнинг ўринларини доимо алмаштириш мүмкін, бундай йиғинди үзгартмайды.

Тұрттынчы дарсда “5,6,7,8,9 ни айириш” ҳоллари учун натижаны топишда құшиш ва айиришнинг боғланишига асосланған айириш үсуллари үрганилады. Масалан, 10-8 мисолини ечиш учун 10 сонини 8 ва 2 сонларининг йиғиндиси билан алмаштириш ва ундан құшилувчилардан бири бүлган 8 ни айириш керак, иккінчи құшилувчи 2 ни ҳосил қиласыз. Бу үсулдан Фойдаланиш учун сонларнинг құшилувчилардан иборат таркибини, шунингдек йиғинди ва құшилувчилар үзаро қандай боғланғанligини билиш керак.

Құшиш компонентлари ва амал натижаси орасидаги боғланиши эгаллашда тайёргарлик босқичи құшиш ва айириш устида ишнинг бошидан бошланады. Шу мақсадда маҳсус машқлар күзде тутилады, берилған расм (1 та катта ва 2 та кичик коптот) бүйіча құшиш ва айиришга доир мисоллар түзиш ёки бир расмнинг ўзи бүйіча құшишга доир масала ва айиришга доир масала түзиш; 4+3 ва 7-3 күренишдеги мисоллар жуфтини ечиш ва таққослаш. Құшиш амали компонентлари ва амал натижалари орасидаги боғланиш билан танишишга маҳсус дарс ажратылады. Янги материал устида ишни күйидаги олиб бориш мүмкін.

Үқитувчи партага 5 та қызыл ва 4 та күк доирача қўйинг, ҳаммаси бўлиб нечта доирача қўйингиз?

Ўқувчи: 5 га 4 ни құшиш керак, 9 ҳосил бўлади (ёзади).

Ўқитувчи: сонларни бундай құшишидаги номларини айтиб, мисолни ўқинг.

Ўқувчи: биринчи құшилувчи 5, иккінчи құшилувчи 4, йиғинди 9.

Ўқитувчи: 4 та күк доирачани четга суриб қўйинг. Нечта доирача қолди? Буни қандай билдингиз?

Ўқувчи: 9 дан 4 ни айрамиз, 5 ҳосил бўлади (ёзади).

Ўқитувчи: Шу мисолни сонлар биринчи мисолда қандай аталган бўлса шундай ўқинг.

Ўқувчи: йиғинди 9 дан құшилувчи 4 ни айирдик, биринчи құшилувчи 5 ни ҳосил қиласыз.

9-5=4 ҳол ҳам шунга ўхшаш қараб чиқилади.

Шундай мисоллардан етарлича ечдириш керак, натижада болалар ўз кузатишлиари асосида куйидаги хulosани чиқарадилар; агар йиғиндидан биринчи қўшилувчини айрсак иккинчи қўшилувчи ҳосил бўлади; агар йиғиндидан иккинчи қўшилувчи айрilsа, биринчи қўшилувчи ҳосил бўлади.

Йиғинди ва қўшилувчиларга доир билимларни мустаҳкамлаш учун ўкувчилик куйидагича машқларни бажарадилар; қўшишга доир берилган мисол бўйича, айришга доир 2 та мисол тузилади ва улар ечилади ($2+4=6$, $6-4=2$, $6-2=4$) берилган 3 та сон ёрдамида 4 та мисол ($4+5$, $5+4$, $9-5$) тузилади ва ечилади. $x+2=5$, $4+x=10$ кўринишдаги тенгламаларни ечиб номаълум сонни топади.

Шунга ўхшаш $x-4=3$, $8-x+5$ каби айришдаги номаълум компонентларни топишга доир ҳам етарли мисолларни ечдириш мумкин.

6-мавзу

“Юзлик” ва “Минглик” мавзусида арифметик амалларни ўрганиш

Режа:

1. Юз ичида қўшиш ва айриш.
2. Юз ичида кўпайтириш ва бўлиш.
3. Жадвал билан кўпайтириш ва бўлишни ўргатиш.
4. Жадвалдан ташқари кўпайтириш ва бўлиш.
5. “Минглик” мавзусида арифметик амалларни ўрганиш.

1. Юзлик ичида қўшиш ва айриш

Мавзуда амалларни ўргатиш билан бирга 1-синфда сонни йиғиндига қўшиш ва йиғиндини сонга қўшиш, сонни йиғиндидан айриш ва йиғиндини айриш хоссалари, 2-синфда йиғиндини йиғиндига қўшиш ва йиғиндидан айриш хоссалари қаралади.

Бу хоссаларни ва тегишли ҳисоблаш усууларини очиб беришда аввал тайёргарлик ишини бажариш керак, натижада ўкувчилик сонлар йиғиндиси ва сонлар айирмаси каби математик ифодаларни ўзлаштиради, қўш тенгликлар, бир ва икки амалли ифодаларни кавслар ёрдамида ёзишни ўрганади, икки хонали сонларни ўнлик ва бирлик ёрдамида ёза оладилар.

“Йиғинди”, “айирма” тушунчалари билан $4+3=7$, $7-4=3$ каби мисолларни ечишда танишадилар. 10 ичида қўшиш ва айришдаёқ $5+4=5+2+2=9$, $8-3=8-1-2=5$ каби қўш тенгликларни ишлатиб

күшиш ва айиришнинг турли кўринишларини ёза оладилар, қавслар ишлатиш ёрдамида $6+(3+1)=6+4=10$ каби ҳисоблаш усулларини билиб олишади.

Номерлашни ўрганиш даврида “қавс” белгиси билан танишади ва “5 ва 3 сонлари йигиндисига 2 ни кўшинг” каби оғзаки масалаларни ечадилар. Кўшиш ва айиришни ўргатиш қуидаги тартибда олиб борилади. Олдин ноль билан тугайдиган 2 хонали сонларни кўшиш ва айириш ўрганилади, сўнgra сонни йигиндига кўшиш ва айириш ўрганилади. Шу тартибда сонни йигиндидан айириш, йигиндини сонга кўшиш ва йигиндини сондан айириш қоидалари ҳам шу тартибда қаралади.

Ноль билан тугайдиган сонлар устида амаллар бажариш:
 $60+20=?$ $70-40=?$

$$6 \text{ ўнли} + 2 \text{ ўнли} = 8 \text{ ўнли} \quad 7 \text{ ўнли} - 4 \text{ ўнли} = 3 \text{ ўнли}$$

$60+20=80$ $70-40=30$ каби кўринишда ўрганиш қуидаги тартибда амалга оширилади:

Хар бир қоида ўрганиш қуидаги тартибда амалга оширилади:

I босқич. Нарсалар тўплами устида амаллар бажариб, ўувучилар хоссасини очишади ва ифодалашади.

II босқич. Хоссани мисоллар ёрдамида ҳар хил усуллар, жумладан кулагай усул билан ечишга тадбиқ қиласади.

III босқич. Арифметик амаллар хоссалари асосида чиқариладиган ҳисоблаш усуллари ўрганиш обьекти бўлиб хизмат қиласади.

IV босқич. Ўрганилган хоссаларни ва ҳисоблаш усулларини тақослаш натижасида бу хоссалар ва усуллар умумлаштиришнинг юқорироқ даражасига кўтарилади.

Мисол: $36+23=(30+6)+(20+3)=(30+20)+(6+3)=50+9=59$

2. Юз ичида кўпайтириш ва бўлиш

Ўқитувчи дарс ўтишда қуидаги вазифаларни бажариши зарур:

1) кўпайтириш ва бўлиш амаллари маъноси билан таништириш;

кўпайтиришнинг ўрин алмаштириш, группалаш ва кўпайтиришнинг кўшишга нисбатан тарқатиш (қавсларни очиш) хоссаларини тушунтириш;

2) кўпайтириш жадвалини ўргатиш (ёдлатиш);

3) жадвалдан ташқари кўпайтириш ва бўлишни ўргатиш (0 га кўпайтириш, 1 га кўпайтириш ва бўлиш, қолдиқли бўлиш);

100 ичида кўпайтириш ва бўлишни бир неча босқичга бўлиб ўргатамиш.

1. Тайёргарлик босқичи. 100 ичида кўпайтириш ва бўлиш 2-синфда ўқитилади, аммо тайёргарлик 1-синфдан бошланади, 10 ва 100 ичида номерлашга боғлиқ ҳолда санаш орқали қўшиш ва айириш ҳам ўргатилиб борилади. 2-синф бошида 1-синфдаги мисоллардан мураккаброқ мисоллар унга боғлаб тушунтирилади. Йил охирига келиб ўқувчиларда сонларнинг таркиблари ҳақидаги билим ортади ва кенгаяди, бу эса бир хил қўшилувчилар йифиндисини топишга доир ҳар хил топшириқларни бажариш имконини беради. М: 16 нинг ичида 2 сони 8 марта бор; 4 тадан 4 марта бор; 8 тадан 2 марта бор.

Қўйидагиларни бир хил қўшилувчиларнинг йифиндиси кўринишида тасвирланг:

$$\begin{aligned} 12 &= \boxed{} + \boxed{} + \boxed{} \\ 12 &= \boxed{} + \boxed{} + \boxed{} + \boxed{} \\ 12 &= \boxed{} + \boxed{} \end{aligned}$$

$$\begin{aligned} 18 &= \boxed{} + \boxed{} \\ 18 &= \boxed{} + \boxed{} + \boxed{} \\ 18 &= \boxed{} + \boxed{} \end{aligned}$$

Бўлиш амалини ўрганишда ҳам 1-синфдан тайёргарлик ишлари олиб борилади. М.: “8 та доирача олинг ва уни 2 тадан қилиб қўйинг”

II. Қўпайтириш ва бўлишнинг жадвал усулиниңг онгли ўзлаштириш учун асос бўладиган назорат масалаларини қараш. Энди ўқувчиларга бир хил қўшилувчилар йифиндисини кўпайтиришга алмаштиришга мос бўлган мисолларни бериш керак.

Масалан, “ҳар қайси тақсимчада 5 тадан олма бор. 4 та тақсимчада қанча олма бор? Расмли тасвир билан $5+5+5+5=20$ мисолни ечадилар” Шунга ўхшаш мисоллар ёрдамида ўқитувчи бир хил сонларни қўшиш-кўпайтириш деган янги амални беришини айтади, қўйидаги машқлар билан қўшишни кўпайтиришга алмаштириш мустаҳкамланади.

1. Қўшишни кўпайтиришга алмаштиринг.

$$3+3+3+3+3 = 6+6+6+6 =$$

2. Натижаларни ҳисобланг, ўз ўрнида қўшишни кўпайтиришга алмаштиринг.

$$8+8+8+7 = 9+9+6 =$$

3. Кўпайтиришни қўшишга алмаштиринг. $4*2 = 5*3 =$

4. Ифодаларни таққосланг ва $>$, $<$ ёки = белгиларни қўйинг.

$$4+4+4+4 \dots 4*3, \quad 9*6 \dots 9+9+9+9+9, \quad 7*4 \dots 7+7+7+7+7$$

5. Намуна бўйича натижаларни ҳисобланг.

$$5*7=35, \quad 5*8= \quad 8*3=24, \quad 8*4=$$

Бўлишнинг аниқ маъноси бўлишга доир масалалар ечишда, сўнгра тенг қисмларга доир масалалар ечишда очиб берилади.

Кўпайтиришнинг ўрин алмаштириш хоссаси ва компонент на унин натижаларининг номига боғлиқ ҳолда бўлишнинг компоненталари ва натижаси номи билан танишадилар.

3-синф математикасида кепайтириш хоссаси катаклар, доирачалар, тугмалар, юлдузчалар каби предметлар қаторидан фойдаланиб тушунтирилади. Масалан Тўғри тўртбурчакни чизиб, уни квадратларга ажратишади, уни санашда олдин устун бўйича, кейин қатор бўйича санаб $4^2 = 16$, $2^2 \cdot 4 = 8$ ни келтириб чиқарадилар. Бу хосса учун қўйидаги машқларни бажариш мумкин.

1. Тушуриб қолдирилган сонларни топинг.

$$5 \dots = 60$$

2. Намуна мисолдан фойдаланиб ҳисобланг.

$$3 \cdot (12+15) = 3 \cdot 12 + 3 \cdot 15 = 36 + 45 = 81; \quad 15 \cdot (5+1) =$$

3. Ифодаларни таққосланг ва ... лар ўрнига $>$, \cdot , $:$ белгиларини қўйинг. $12 \cdot 3 \dots 72:2$, $5 \dots 32:8$.

Шу ўринда жадвалдан фойдаланиш мумкин:

a	b	ab	ba
3	4		
7	2		
10	5		

Натижада умумий кўринишдаги $a^*b=b^*a$ тенгликни келтириб чиқарадилар.

Хусусий ҳолда 1 га кўпайтириш ва бўлиш мисоларидан мустаҳкамланади. Бўлишдаги осон йўллардан бири ноль билан тугайдиган сонлар устида бўлиш амалини бажаришдир. $80:10=8$

III. Кўпайтириш ва бўлиш жадвали билан ишлаш.

Жадвалда кўпайтириш ва бўлиш математика ўқитишнинг муҳим вазифаларидан биридир. Жадвал асосан 2-синфда тузилиб, 3-4-синфларда минглик ва кўп хонали сонларга табдик килинади. Жадвални тузиш қўйидаги режа асосида олиб борилади:

1) Бир хил кўринишларни қўшиш. Масалан: $5 \cdot 3 = 5+5+5=15$

2) Намуна мисол асосида бошқа кўпайтиришларни бажариш.

Масалан: $2 \cdot 3 = 6$, $2 \cdot 4$ ни топинг. Уни $2 \cdot 3 + 2 = 6 + 2 = 8$ кўринишида ҳисоблаш ўргатилади.

3) Кўпайтиришнинг қўшишга нисбатан тақсимот хоссасидан фойдаланиш.

4) Кўпайтиришнинг ўрин алмаштириш хоссасидан фойдаланиш.

$$3 \cdot 7 = 7 \cdot 3$$

Үзгармас сонга кўпайтириш ва бўлим жадвали қўйидагича тузилади. Масалан: $4 \cdot 4 = 16$, $4 \cdot 5 = 20$, $4 \cdot 6 = 24$, $4 \cdot 7 = 28$, $4 \cdot 8 = 32$, $4 \cdot 9 = 36$ ёнидан $5 \cdot 4$, $6 \cdot 4$, $7 \cdot 4$, $8 \cdot 4$, $9 \cdot 4$ ни ҳисоблаш топширилади:

$16:4 = 20:4 = 24:4 = 28:4 = 32:4 = 36:4 =$ ёнидан $25:5$, $24:6$, $28:7$, $32:8$, $36:9$ топшириклари берилади.

Тушунтиришда буюмларнинг расмлари, сонли фигуralар, кв.см, кв.дм, картондан қирқилган учбурчаклардан фойдаланиш керак.

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
2									
3									
4									

Кўпайтириш жадвалини тузиш учун 10×10 та катак олинади ва уни ўтказиша тўғри тўртбурчақдан фойдаланиш мумкин.

3. Жадвал билан кўпайтириш ва бўлишни ўргатиш

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
2					++				
3					++				
4					++				
5					++				
6					++				
7					++				
8	++	++	++	++	++				
9									
10									

Кўпайтириш жадвалини мустаҳкам эсда сақлаш учун қўйидаги жадвални ёдда билиш талаб қилинади. 2-3 ёзилмайди, чунки у олдинги жадвалда бор. Кўпайтиришнинг ўрин алмаштириш хоссасини билиш етарлидир.

$$2=2$$

$$3 \cdot 2 \quad 3 \cdot 3$$

$$4 \cdot 2 \quad 4 \cdot 3 \quad 4 \cdot 4$$

$$5 \cdot 2 \quad 5 \cdot 3 \quad 5 \cdot 4 \quad 5 \cdot 5$$

$$6 \cdot 2 \quad 6 \cdot 3 \quad 6 \cdot 4 \quad 6 \cdot 5 \quad 6 \cdot 6$$

$$7 \cdot 2 \quad 7 \cdot 3 \quad 7 \cdot 4 \quad 7 \cdot 5 \quad 7 \cdot 6 \quad 7 \cdot 7$$

$$8 \cdot 2 \quad 8 \cdot 3 \quad 8 \cdot 4 \quad 8 \cdot 5 \quad 8 \cdot 6 \quad 8 \cdot 7 \quad 8 \cdot 8$$

$$9 \cdot 2 \quad 9 \cdot 3 \quad 9 \cdot 4 \quad 9 \cdot 5 \quad 9 \cdot 6 \quad 9 \cdot 7 \quad 9 \cdot 8 \quad 9 \cdot 9$$

Кўпайтириш ва бўлиш жадваларини тузилгандан кейин ноли, билан кўпайтириш ва бўлиш ҳоллари қаралади. Масалан,
 $0^*5=0+0+0+0+0=0$, умуман $0^*6=0$ қоидалари келиб чиқади
Бунда

$0:5=0$ ва $0:a$ қоидалари келиб чиқади.

4. Жадвалдан ташқари кўпайтириш ва бўлиш

Бу қуйидаги тартибда тушунтирилади.

1. Сонни йигиндига капайтириш ва йигиндига нисбатан тақсимот қонунини ўргангандан кейин йигиндини сонга бўлиши хоссаси қаралади. Масалан, $(3+2)^*4$ ни тушунтириш учун доирачалардан фойдаланиш мумкин. $(3+2)^*4=4^*5=20$ ёки $(3+2)^*4=3^*4+2^*4=12+8=20$ кўринишида хисоблаб чиқилади.

Шу расмнинг ўзидан йигиндини сонга бўлиш қоидаси келтириб чиқарилади. Бунга 12 ва 8 сонидан йигиндисини 4 га бўлиш ҳам икки хил усул билан берилади.

$(12+8):4=12;4+8:4=3+2=5$ $24:4=6$ бунда яна қуйидаги квадратчалар билан берилган машқларни ҳам бажартириш мумкин. Масалан,

$$(7+5)^*4=\dots^* \dots + \dots^* \dots, \quad 2^*(10+6)=\dots^* \dots + \dots^* \dots,$$

$$8^*5+7^*5=(\dots+\dots)^* \dots, \quad 6^*3+4^*3=(6+4)^*3.$$

2. Жадвалдан ташқари кўпайтириш ва бўлишда энг аввало ноль билан тугайдиган сонлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Масалан,

20^*4	$90:3$
2 ўнлик * 4+8 ўнлик	9 ўнлик : 3=3 ўнлик
$20^*4=80$	$90:3=30$

Шундан кейин 2 хонали сонга кўпайтиришда уни ўнлик ва бирликларга ажратиб кўпайтириш ҳоли қаралади. Масалан,
 $12^*3=(10+2)^*3=10^*3+2^*3=30+6=36$.

Кўргазмали тушунтириш учун 12 тадан квадрат бўлган 3 та полоска олиб хисобланади.

										++	++
										++	++
										++	++

Энди бир хонали сонни 2 хонали сонга кўпайтириш ҳоли қаралади.

$3 \cdot 15 = 3 \cdot (10 + 5) = 3 \cdot 10 + 3 \cdot 5 = 30 + 15 = 45$ ва $3 \cdot 15 = 15 \cdot 3$ мисоллари түшүнтирилади.

Бўлиши қараётганда ҳам энг аввал 2 хонали сонни ўнлик ва бирликларга ажратиб, тақсимот қонунидан фойдаланиб түшүнтирилади. Масалан,

$$48:4 = (40+8):4 = 40:4 + 8:4 = 10 + 2 = 12$$

2 хонали сонни 2 хонали сонга бўлиш жадвалдан ташқари балиш ҳисобига киради. Масалан, $87:29$ мисолни ечишда 29 ни нечага капайтиришганда 87 келиб чиқади, деган савол қўйилади. Унда $29:1=29$, $29 \cdot 2=58$, $29 \cdot 3=87$ деб, $87:29=3$ келтириб чиқарадилар.

3. Жадвалда қолдиқли бўлиш. Бу мавзуу 2-синфда қўйидаги тартибда олиб борилади.

1. Қолдиқли бўлиш мисоллар ёрдамида түшүнтирилади. Масалан, 12 дафтарни 2 ўқувчига бўлиб бериш топширилади. $12:2=6$ деб доскага ёзилгандан кейин, 13 та дафтарни 2 ўқувчига бўлиб бериш топширилади, бунда 1 та дафтар ортиқча бўлиб қолганлиги кўринади. $13:2=6$ (қолдиқ 1) дегани ёзувни ўргатади.

2. Ўқувчиларга бўлишдан чиқсан қолдиқ бўлувчидан кичик бўлиши керак деган қоида ўргатилади. Масалан, 10, 11, 12, 13, 14, 15 сонларни 2, 3, 4 га кетма-кет бўлишда ҳосил бўладиган қолдиқларни кўргазмали жадвал билан түшүнтирилади.

	10	11	12	13	14	15
2	1	-	1	-	1	
3	1	2	-	1	2	-
4	2	3	-	1	2	3

Бунда мисол сифатида $2 < 4$, $1 < 4$, $3 < 4$ ёзувларни түшүнтиради. Дарсликда қўйидаги мисоллар бор: $18:3$, $28:7$, $19:3$, $29:7$, ... мисолларни ишлаб ўқувчилар қайсиси қолдиқли, қайсиси қолдиқсиз бўлинини ҳақида маълумотга эга бўладилар. Охирида қолдиқли бўлишда тахмин қилиб бўлиш ва қолдиқни аниқлаш тўғрисида түшунча берилади. Масалан, $47:5$ ни ҳисоблашда 47 га яқин сон 5 га бўлинади? 45 дейилади, демак $45:5=9$. Яна неча бирлик қолди? 2 бирлик, у ҳолда $47:5=9$ (қолдиқ 2) деб ўргатилади.

5. "Минглик" мавзусида арифметик амалларни ўрганиш

Бир хонали ва иккى хонали сонлар ичидаги арифметик амалларни бажариб бўлганларидан кейин 1000 оғзаки ва ёзма

хисоблаш, қүшиш ва айириш амалларини бажаришга ўтадилар. 1000 ичидаги қүшиш ва айиришнинг оғзаки усуллари 100 ичидагига кўп жиҳатдан ўхаш томонлари бор. Бу ерда ҳам олдин сонни йиғиндинга қўшиш, йиғиндини сонга қўшиш, йиғиндини йиғиндинга қўшиш, йиғиндидан сонни айириш, сондан йиғиндини айириш, йиғиндидан йиғиндини айириш каби усуллар тушунтирилади. Бунда қўйидаги таркибда иш олиб борилади.

1. Оғзаки бажариш.

1. $250+30, 420+300$ кўринишдаги қўшиш ва айириш ҳоллари.

Бунинг учун $25+3, 42+30$ каби мисолларни тушунтиришни тақорорлаган маъқул, ундан кейин

$$250+30=(200+50)+30=200+(50+30)=200+80=280$$

$$250-30=(200+50)-30=200+(50-30)=200+20=220$$

$$420+300=(400+20)+300=(400+300)+20=700+20=720$$

$$420-300=(400-20)-300=(400-300)+20=100+20=120$$

Ўнликлар қатнашган қўшиш ва айириш амаллари қўйидаги усуллар билан тушунтирилади:

$$250+30=280, 250-30=220, 420+300=720,$$

$$25\text{ ўн}-3\text{ ўн}=28 \text{ ўн}, 25 \text{ ўн}-3 \text{ ўн}=22 \text{ ўн}, 42 \text{ ўн}+30 \text{ ўн}=72 \text{ ўн}$$

$$2. 840+60, 70-80 \text{ кўринишдаги қўшиш ва айириш.}$$

Навбатдаги иш камаювчининг бирликлари хонасида 0 бўлгандаги айириш. Масалан, $450-136=$ Бу мисол эса, қўйидагича тушунтирилади, камаювчида 5 та ўнликдан 1 та ўнлик майдаланиб, 10 та бирликка айлантирилади, 10 та бирликдан 6 бирлик айрилади, камаювчида энди 4 та ўнлик қолди, бу жараён давом этирилади. Колган айришлар қўйидаги тартибда бажарилади.

а) камаювчининг бирликлари айрилувчининг бирликларидан кичик бўлгандаги айириш. Масалан, 983-536

б) камаювчининг бирликлари ҳам, ўнликлари ҳам айрилувчиникидан кичик бўлган ҳол. Масалан, 963-586

Навбатдаги дарсларда 1000 ичидаги кўпайтириш ва бўлиш мавзулари кўриб чиқилади. 2 синфдан ўқувчилар 1 ёки 2 ноль билан тугайдиган сонларни кўпайтириш ва бўлиш усуллари билан танишадилар. Кўпайтириш ва бўлишларни бажариш жадвалда қўйидагича амалга оширилади:

$$60*4 \quad 80:2 \quad 540:6$$

$$6 \text{ ўн} * 4 = 24 \text{ ўн} \quad 8 \text{ ўн} : 2 = 4 \text{ ўн} \quad 54 \text{ ўн} : 9 = 6 \text{ ўн}$$

$$60*4=240 \quad 80:2=40 \quad 540:9=60$$

$$900:3 \quad 300*2$$

$$9 \text{ юз} : 3 = 3 \text{ юз} \quad 3 \text{ юз} * 2 = 6 \text{ юз}$$

$$900 : 3 = 300 \quad 300 * 2 = 600$$

7-мавзу

“Кўп хонали сонлар” мавзусида арифметик амалларни ўрганиш

Режа:

1. Кўп хонали сонларни кўшиш ва айриш.
2. Кўп хонали сонларни кўпайтириш ва бўлиш:
 - а) 1 - босқич;
 - б) 2 - босқич;
 - в) 3 - босқич.

Мавзунинг асосий вазифаси арифметик амаллар орасидаги боғланишларни умумлаштириш ва системалаштиришдан, ёзма ҳисоблашларнинг онгли ва пухта кўнкимларни ҳосил қилишдан иборат. Бу қўйидаги системада олиб борилади:

1. Кўп хонали сонларни кўшиш ва айриш

Кўшиш ва айриш бир вақтда ўрганилади, уларнинг ҳисоблаш усуллари ўхшаш ва ўзаро боқлиқ бўлганлиги учун натижада билимларни эгаллаш учун яхши шароит яратилган бўлади. Бунинг назарий асоси йигиндини йигиндига кўшиш ва йигиндидан йигиндини айриш қоидаларидан иборатдир. Булар эса олдинги синфлардаги қоидаларга асосланади. Бунда аналогия методидан фойдаланилади.

$$\begin{array}{r} +752 \quad +4752 \quad +54752 \quad -837 \quad -6837 \quad -76837 \\ \underline{246} \quad \underline{3246} \quad \underline{43246} \quad \underline{425} \quad \underline{2425} \quad \underline{52425} \end{array}$$

Бу ерда қўшилувчилардаги рақамлар йигиндиси 10 дан кичик ва камаювчининг мос рақамлари айрилувчининг рақамларидан каттадир. Секинлик билан рақамлар йигиндиси 10 дан ортиқ ва камаювчи рақамидан айрилувчи рақами катта бўлган ҳоллар ўтилади, ҳамда узунлик, масса, вақт ва бошқа бирликлар билан қўшиш ва айриш бажарилади. Камаювчи хона сонлари ноль бўлган ҳоллар ҳам қаралган.

$$\begin{array}{r} \text{Масалан, } -100 \quad -200 \quad -2000 \quad -70000 \\ \underline{6} \quad \underline{43} \quad \underline{178} \quad \underline{3241} \quad \dots \end{array}$$

Юқори хона бирликларини майдалашлар кетма-кет бир неча марта бажариладиган айирманинг мураккаб ҳоллари ҳисобланади.

Масалан, -20100

12708

7392 мисолни тушунтирамиз.

Ноль бирлиқдан 8 бирликни айириб бўлмайди. Битта юзликни оламиз. Эслаб қолиш учун устига нуқта қўямиз ва уни 10 та ўнлик билан алмаштирамиз. Бир ўнликни олиб 10 та бирлик билан алмаштирамиз. Шундай қилиб ўнта бирлик, 9 та ўнлик ва 0 та юзлик ҳосил бўлади. Энди 10 та бирлиқдан 8 та бирликни, 9 та ўнликдан 0 та ўнликни айирамиз, 92 қолади. Яна 0 та юзликдан 7 та юзликни айиришга тўғри келади. Бунинг учун 2 та ўн айлантирамиз ва ундан ҳам битта мингликни майдалаб 10 та юзликка айлантирамиз. “қарз” олинган рақамлар устига нуқта қўйиб иш охирига етказилади.

Кўп хонали сонларни қўшишда ҳам қўшишнинг ўрин алмаштириш хоссаси қўлланилади.

Масалан, $115+68+58$ ни ҳисобланг. $27+23+48+52$ ни осон усул билан ҳисобланг.

Кўп хонали исмсиз сонларни қўшиш впа айириш билан боғлиқ ҳолда узунлик, масса, юза, баҳо ўлчовлари билан боғланган исмли сонларни қўшиш ва айириш устида ишлаш амалга оширилади. Бундай сонлар устида амалларни икки усул билан бажариш мумкин.

1) сонларни исмлари билан ёзиб олиб бир хил исмли сонларни қўшиш ва айириш;

2) исмларни ёзмасдан қўшиш ёки айириш. Кўпинча иккинчи усул қўлланилади.

Исмли сонлар билан ҳам қўшиш ва айиришга кенг вақт ажратилган.

Масалан, 1) $+42$ м 65 см 2) $+4265$

26 м 83 см 2683

6948 см = 69 м 48 см

Қўшиш билан айириш орасидаги боғланишлар аниқланади, чукурлаштирилади ва бу билимлардан ҳисоблашларни текширишда фойдаланилади. Амалларни бажариш алгоритми ва қавсларни қўллаш шартлари тақоррланади. Дарсликдан қуидаги машқлар намунасини келтирамиз:

1. Ифодаларнинг қийматларини топинг. $(50*4)+(60*3)$, $(30*6)-(280:7)$, $(300-50)*6$, $(320+120):4$,... қавс ёзмаса ҳам бўладими?

2. Ифодаларни қавсларсиз шундай ёзингки, натижалар ўзгармасин. $65-(40-12)$, $(84+24)-16$, $(45+25)*9$, $40*(5+4)$, $(60+123):6$, $(75+25):10$

2. Күп хонали сонларни күпайтириш ва бўлиш

Мавзуни қуидаги 3 босқичга бўлиб ўрганамиз.

1-босқич. Бир хонали сонга күпайтириш ва бўлиш

Масалан, $150 \times 4 = 15 \text{ ўн} \times 4 = 60 \text{ ўн}$, $800 \times 7 = 8 \text{ юз} \times 7 = 56 \text{ юз}$

$= 5600 \text{ } 18000 \times 3 = 18 \text{ минг} \times 3 = 54 \text{ минг} = 54000$. Демак энг аввало

ноллар билан тугаган сонлар билан бошлиш керак экан, исмли сонларни күпайтириш ҳам қаралган.

Масалан, 8 кг $364 \text{ г} \times 6 = 50 \text{ кг} 184 \text{ г}$

Буни 8364

* 6

$50184 \text{ г} = 50 \text{ кг} 184 \text{ г}$ деб олдин исмларсиз күпайтириб, натижага исмларни қўямиз. $18 \text{ сўм} 25 \text{ тийин} \times 3 = 1825 \times 3 = 5475 \text{ тийин} = 54 \text{ сўм} 75 \text{ тийин}$.

Шундан кейин күп хонали сонни бир хонали сонга бўлиш масаласи қаралади. Энг аввало 2, 3 хонали сонларни қолдиқсиз бўлиш ўргатилади: $95:19=5$, $180:6=30$, $450:3=150$

Бир хонали сонга ёзма бўлиш алгоритмини пухта ўзлаштириб олиш керак.

Масалан, 867 | 3

289

Бир хонали сонга бўлишни бажаришда натижани күпайтириш билан текшириш учун мисоллар ечилади. Навбатдаги дарсларда 4, 5, 6 хонали сонларни бўлишга ўтилади. Айниқса, бўлимнинг охирида ёки ўртасида ноллар келиб қоладиган мисолларга алоҳида эътибор бераб, етарлича машқлар бажартириш лозим.

Масалан, $624:3=204$, $640:4=160$

Бўлишнинг қисқа, фақат қолдиқли бўлишни эътиборга олиш малакалари сингдириллади.

Масалан, 9478 | 7

24 1354

37

28

0

Исмли сонларни бўлишга ҳам катта эътибор берилган.

1. Икки хил исмли сонларни бир хонали исмсиз сонларга бўлиш $10 \text{ м} 80 \text{ см} : 8 \text{ бўлса}$, уни 10080 см деб исмсиз олиб бўламиш $10080:8=135 \text{ см}=1 \text{ м} 35 \text{ см}$.

10080 | 8

28 135 см

40

0

2. Бўлувчи бир хил номдаги бирликларда ифодаланган бўлса, уни майдалаб бўлиш.

Масалан, 13 тонна : 2 = 6 т 500 кг уни икки хил бўламиз.

13 т	<u>2</u>	тоннани кг га айлантириб	13000	<u>2</u>
1 т		куйидагича бўламиз		<u>10</u>
<u>1000</u> кг	<u>6 т 500</u> кг		0	6500 кг

3. Бўлинувчи ва бўлувчи метрик ўлчовларда ифодаланган бўлса,

$$15 \text{ м } 65 \text{ дм} : 4 \text{ дм} = 39$$

$$\begin{array}{r} 156 \\ \underline{- 36} \quad 39 \\ 0 \end{array}$$

2-босқич. Хона сонларига кўпайтириш ва бўлиш.

Олдин 10, 100, 1000 га кўпайтириш ва қолдиқсиз бўлиш холлари қаралади. Нолли сонларга кўпайтириш ва бўлиш қоидалари ўрганилгандан кейин мисоллар билан мустаҳкамланади.

Масалан, $14 \cdot 10 = 140$, яъни 14 дан кейин 1 то ноль кўйиш $160 : 10 = 16$, биттадан нолни ташлашга доир мисоллар ечилади. Шунингдек, 100, 1000 га кўпайтириш ва бўлиш усувлари ҳам мисоллар билан тушунтирилади.

$$1425 : 10 = 42 \text{ (қолдиқ 5)} \quad 24876 : 10 = 2487 \text{ (қолдиқ 6)}$$

$$1425 : 100 = 14 \text{ (қолдиқ 25)} \quad 125 \cdot 10 = (1250)$$

$$1425 : 1000 = 1 \text{ (қолдиқ 425)} \quad 125 \cdot 100 = 12500$$

Сонларни кўпайтириш ҳам кўпайтиришнинг ўрин алмаштириш хоссасидан кенг фойдаланилади. Масалан, $7 \cdot (5 \cdot 2) = (7 \cdot 5) \cdot 82 = (7 \cdot 2) \cdot 5 = 70$. Шундан кейин ноллар билан тугайдиган сонларни кўпайтириш қуийдагича амалга оширилади. $25 \cdot 38 = 25 \cdot (3 \cdot 10) = (25 \cdot 3) \cdot 10 = 75 \cdot 10 = 750$

Шунингдек, кулай усул билан $45 \cdot 14 = 45 \cdot (2 \cdot 7) = (45 \cdot 2) \cdot 7 = 90 \cdot 7 = 630$ билан ҳисоблаш мумкин.

Ноллар билан тугайдиган сонларни кўпайтирганда нолларни ҳисобга олмай кўпайтма охирига иккиласидаги нолларни кўйиш керак.

8400	1370	4820
* 70	* 500	* 80
588000	685000	385600

Нол билан тугайдиган сонларнинг намуналари қуийдагича:

$$360 : 45 = 360 : (9 \cdot 5) = 36 : 9 : 5 = 8$$

$$570 : 30 = 570 : (3 \cdot 10) = 570 : 10 : 3 = 57 : 3 = 19$$

$$5400 : 900 = 5400 : (100 \cdot 9) = 5400 : 100 : 9 = 54 : 9 = 6$$

Қолдиқли булишда “чамалаш” усулидан фойдаланиш мүмкін. Масалан, 152 ни 40 га бўлганда бўлинмада 1 та рақам бўлишилиги аниқлангандан кейин бу рақамни чамалаш билан танланади. 4 ни синаб кўринг. $4 \times 40 = 160$ ортиб кетди. Энди 3 ни танлаймиз. $40 \times 3 = 120$ тўғри келади ва қолдиқ 32. Буни $152 : 40 = 3$ (қолдиқ 32) деб ёзамиш. Нихоят бўлиш амалини кўпайтириш билан текшириб кўришга ҳам эътибор бериш керак.

3-босқич. Икки ва уч хонали сонларни кўпайтириш

Бу ерда асосий қоида - сонни йифинди га кўпайтиришдир.

Олдинги синфларда бу қоида таниш бўлганлиги учун уни 2 ва 3 хонали сонларга аналогик равишда кўллаш мүмкін. Бир хонали 7×13 , 8×14 каби сонларни икки хонали сонларга кўпайтириш оғзаки бажарилади. Шундан кейин мураккаброқ ҳоллар қаралади.

Масалан, $98 \times 74 = 98 \times (70+4) = 98 \times 70 + 98 \times 4$

Бу операция ёзма куйидагича бажарилади.

$$\begin{array}{r} 98 \\ \times 70 \\ \hline 6860 \end{array} \quad \begin{array}{r} 98 \\ * 4 \\ \hline 392 \end{array} \quad \begin{array}{r} +6860 \\ \hline 7252 \end{array}$$

3, 4, 5 хонали сонларни икки хонали, кейинроқ 3 хонали сонларга кўпайтириш ҳам шу тартибда бажарилади. Катта эътибор охирида ноллар ва ўрталарида ноллар бўлган сонларни кўпайтиришни ҳам олдинги синфлардагидек бажарилишига қаратилиши лозим.

Исмли сонларни кўпайтириш намунасини келтирамиз:

$$7 \text{ м } 83 \text{ см } * 46 * = 360 \text{ м } 18 \text{ см } \text{ бу } 783$$

* 46 каби бажарилади.

Бўлиш амалини бажаришда энг аввало бўлинмада неча хонали сон ҳосил бўлиши аниқланади, ундан кейин ортифи ва ками билан “чамалаш” асосида бўлинмадаги рақамлар кетма-кетлиги топилади. Биринчи навбатда 3 хонали сонни 2 хонали сонга қолдиқсиз, кейин эса қолдиқли бўлиш ҳоллари қаралади.

$$\begin{array}{r} 462 \cancel{85} \\ \underline{425} \quad 5 \\ 37 \end{array}$$

Шундан кейин 4, 5, 6 хонали сонларини икки хонали сонга бўлишга ўтилади.

Масалан, $29736 : 56 = 531$

Мавзу исмли сонларни бўлиш билан мустаҳкамланади.

Масалан, 35 сўм 64 тийин : $18 = 1$ сўм 98 тийин

$$\begin{array}{r} 3564 \cancel{18} \\ \underline{198} \text{ тийин} \end{array} \quad \begin{array}{r} 4824 \cancel{36} \\ \underline{134} \end{array}$$

$$48 \text{ м } 24 \text{ см} : 36 \text{ см} = 134$$

8-мавзу

Алгебра элементларини ўқитиш методикаси

Режа:

1. Бошланғич синф математика дастурида қилинган ўзгаришлар.
2. Алгебраик элементларни киритишнинг аҳамияти.
3. Сонли ифодалар устида ишлаш методикаси.
4. Ҳарфий ифодалар.
5. Билимларни умумлаштиришда ҳарфий символикадан фойдаланиш.

1. Бошланғич синф математика дастурида қилинган ўзгаришлар

- 1) 1969 йилдан нима учун математика деб аталди?
- 2) 1-3 синф дастури (3 йиллик бошланғич синфлар)
- 3) 1-4 синф дастури (4 йиллик бошланғич синфлар)
Юқоридаги 3 масалага қисқача тушунтириш берилади.

Бошланғич синфларда арифметик мәтериалларни ўрганиб якунлаш алгебраик материалларни ва математика символикани ўрганиш билан умумлаштириллади.

Бошланғич синфларда ўкувчилар алфавитни математик символ тарзида қўллай бошлайдилар. Шу орқали алгебраик ифода, тенглик, тенгсизлик, тенглама тўғрисида бошланғич маълумот оладилар.

Булар тўғрисида маълумот беришнинг асосий мақсади арифметик амалларининг моҳиятини тўлароқ очиш, шунингдек кейинги синфларда ўрганиладиган алгебра фани учун зарурый тайёргарликни амалга оширишидир.

Лекин, алгебраик мисолларни ечиш алгебра қоида ва қонуниятларига асосланмасдан арифметик қоидаларга асосланади. Масалан, $3+a=10$ дан а қўшилувчини топиш ноъмаълум компонентни топиш қоидаси билан ечилади.

Алгебра материалларини ўрганиш алгебраик таърифларга асосланмайди.

Маълумки, бошланғич синф дастурининг асосий мазмунинатурал сонларни оғзаки ва ёзма номерлаш ва улар устида 4 арифметик амалларни бажариш малакасини беришдир. Шунинг учун 1-синфдан бошлаб сонларни ўқиш ва ёзиш малакалари бир неча босқичига бўлиб ўқитилади.

Масалан, 10 ичиди оғзаки ва ёзма номерлаш 100, 1000 ва күп хонали сонлар тұғрисида маълумоттар берилади. Сонли ифодалар деганда сонни бирор амаллар билан бирлаштирилган ёки алоҳида ёзилған бир хонали ёки икки хонали ёки күп хонали сонларни үқиши ва ёзиши тушунамиз.

Сонли ифодалар фақаттана арифметик ифодаларда 4 амални бажариш эмас, геометрик масалалар, арифметик ва алгебраик масалаларни ечишда бевосита құлланилади. Масалан, учурчакнинг периметри, параллелепепед ҳажми, миқдорлар тұғрисида сонли ифодалар құлланилади. Учурчакнинг томонлари 3 см, 4 см, 5 см бўлса, унинг периметри қанча? $3 \text{ см} + 4 \text{ см} + 5 \text{ см} = 12 \text{ см}$

Йифинди сўзи билан таништиришда унинг икки хил маънода ишлатилишини тушунтириш керак.

1) икки сон орасига "+" ишора қўйиб йифиндини топиш.

2) битта сон олиб уни иккита сон йифиндиси шаклида турли кўринишда ёзиш;

Масалан, 1) $3+5$ 2) $9 = \boxed{} + \boxed{}$

2-синфда ўқувчилар "математика ифода" ва "математик ифоданинг қийматлари" тушунчалари билан танишадилар. Аввал $6:2+4$ ифодага ўхшаш 2, 3 амалли ифодаларни мисол келтиради, кейин эса унинг қиймати нечага тенг деган саволни қўяди, бу ифода 7 га тенг ва 7 ёзилған ифоданинг қиймати эканлиги тушунтирилади. Шундан кейин яна мураккаб ифодаларга мисол келтиради, кейин ўқувчиларнинг ўзига ифода туз ва унинг қийматини топ деган топшириклар беради.

Натижада $(x-5)+8=24$ ифодадаги амалларни айтинг ва тенгламадаги x ни топинг деган саволга жавоб берилади.

3. Сонли ифодалар устида ишлаш методикаси

Сонли ифодаларга:

а) ҳар бир сон сонли ифода;

б) агар а ва б сонли ифодалар бўлса, у ҳолда уларнинг айрмаси, йифиндиси, кўпайтмаси ва бўлинмаси ҳам сонли ифода бўлади.

Масалан, $30:5+4*6-2$ сонли ифода, бунда кўрсатилған амаллар бажарилса, бу сонли ифоданинг қиймати бўлади.

Энг сода сонли ифодаларнинг йифиндиси ва айрмаси билан ўқувчилар 1-синфда танишадилар. $3+2=5$ кўринишдаги ифода 3 ва 2 кўшилувчи, 5 йифинди ёки сонли ифоданинг қиймати деб тушунтирилади.

2-синфдан асосан амаллар тартиби қоидалари ўрганилади. У мураккаб ифодалар деб юритилади.

а) олдин қавсларсиз ифодаларда амалларнинг бажарилиш тартиби қарапади, бу ҳолда сонлар устида фақат 1 ёки 2-босқич амаллари бажарилади. Масалан, $42-18+9$, $63:9*4$ ифодалардаги амаллар ёзилиш тартибида бажарилишини биладилар, қийматини ҳисоблаб, уни ўқий олишини тушунадилар.

б) шундан кейин 1-2 босқич амалларни ўз ичига олган ва қавсларсиз амалларни бажаришга ўтади.

Масалан, $3*4+12$, $40-15:3$ мисоллардаги амалларнини бажарилиш тартибини ўрганадилар ва ҳисоблайдилар. Бу ерда мисол орқали амалларни бажариш тўғрисида муаммоли вазият ҳосил қилинади.

в) шундан кейин $25+(40-15)$, $(85-30):5$ каби қавслар қатнашган ифодаларни ҳисоблашга ўтадилар. Ҳисоблаш қоидасини келтириб чиқарадилар. Ўтилган материални мустаҳкамлаш мақсадида қуйидаги топшириқлар берилади.

1. Амалларни бажариш тартибини тушунтиринг ва ифодаларнинг қийматини топинг; $65+21:3$

2. Ифодаларнинг қийматларини қулай усул билан топинг. $70-(20+6)$, $48+(30+4)$, $(40+9)-(10+7)$

3. Мисолларда амаллар тўғри бажарилганини ёзинг.

$$30+26:5=10 \quad 8*3+16:4=28$$

$$30+2065=34 \quad 8*3+16:4=10$$

4. Қавсларни ва амалларни шундай қўйингки, тенгликлар тўғри бўлсин.

$$15-6*2=18 \quad 4*8-5=12$$

$$65-10*5=15 \quad 12+24:4=9$$

Ниҳоят ифодани алмаштириш тушунчаси берилади. Берилган ифодани бошқа берилган ифода қийматига тенг бўлган ифода билан алмаштириш демакдир.

Масалан, $2+2+2=23$ $26+70=(20+6)+70=(20+70)+6=90+6=96$

4. Ҳарфий ифодалар

Математика дастурига биноан ҳарфий ифодалар 1-синфдан бошлаб киритилади. Бу ерда ўкувчилар

$$a+x=v \quad x+c=d$$

қўринишидаги тенгламаларни ечишда ва масалаларни тенгламалар ёрдамида ечишда номаълум сонни белгилаш учун символ сифатида ишлатиладиган х ҳарфи билан танишадилар

2-синфда х ҳарф ўзгарувчини белгилайдиган символ сифатида киритилади. Бу бошлангич синфларданоқ ўзгарувчи тушунчасини шакллантириш ва болаларни символларнинг математик тилида ифода килиш имконини беради.

Ҳарфнинг ўзгарувчини белгилаш учун символ сифатидаги маъносини очиб беришга тайёргарлик иши 2-синфда ўқув йилининг бошида қўшиш ва айриш амалларини такрорлаш муносабати билан ўтказилади. Ҳарфларнинг киритилиши билан бир вақтда тайёргарлик даврида, болалар янги терминлар: “математик ифода” ва “математик ифоданинг қиймати” билан таърифсиз танишадилар. Бу даврда йиғинди ва қолдиқни топишга доир бир хил мазмундаги содда арифметик масалаларни ечиш бўйича иш олиб борилади.

5. Билимларни умумлаштиришда ҳарфий символлардан фойдаланиш

Ўқувчилар ҳарфий символларнинг маъносини тушуниб олганларидан сўнг, ҳарфларни ишлатишда шаклланәётган билимларни умумлаштириш воситаси сифатида фойдаланиш мумкин.

1. Арифметик амалларнинг хоссаларини, арифметик амалларнинг компонентлари ҳамда натижалари орасидаги боғланишни ва ҳ.к. ларни ҳарфлар ёрдамида ёзишда, ўқувчилар $a+a+a+a$ йиғиндисини $4*a$ кўпайтма билан алмаштиради ва бундай мулоҳаза юритадилар: бу ерда қўшилувчилар бир хил (a), демак йиғиндини кўпайтма билан алмаштириш мумкин, биринчи кўпайтувчи a , иккинчи кўпайтувчи 4 сони бўлади, чунки қўшилувчилар 4 та.

2. Арифметик амалларнинг ҳарфлар ёрдамида ёзилган хоссаларни, боғланишларини, муносабатларини ва ҳоказоларни ўқиши.

Масалан, “ $(a+35)-a$ ” ифодани ўқинг ва унинг нимага teng эканлигини топинг. Ўқувчилар куйидагича мулоҳаза юритадилар. “ a ва 35 сонларининг йиғиндисидан биринчи қўшилувчи a ни айриш керак, иккинчи қўшилувчи 35 ҳосил бўлади”. Ёзамиз: $(a+35)-a=35$.

3. Арифметик амалларнинг хоссаларини билиш асосида ифодалағни айний алмаштириш. Масалан, $(5+b)*3=(5+b)+(5+b)+(5+b)$ ёзувини тугалланг, деганда топшириқни бажараётганда ўқувчилар куйидагича мулоҳаза юритадилар: “тенгликнинг чап томонидаги 5 ва b сонларининг йиғиндисини 3 га кўпайтирамиз: ўнг томондан қанча ҳосил бўлса, чап томонда ҳам шунча ҳосил бўлиши учун 5 ни 3 га кўпайтириб ва иккинчи қўшилувчи b ни 3 га кўпайтириб, натижаларни қўшиш керак.

4. Берилган тенглик ёки тенгликларни сонли қийматларини ўрнига қўйиш ёрдамида ҳосил қилиш мумкин.

$5*(2a+b)=10a+5b$ тенгликтини $a=3$, $b=5$ да текшириңг:
 $5*(2*3+5)=5*(6+5)=5\ldots =55$, $10*3+5*5=30+25=55$.

Харфий символларни киритишнинг 2-босқичида сонли ифодани параметрлик ҳарфлар билан алмаштириш масаласи туради. Шу усулда сонли ифода ҳарфий ифодага алмаштирилади.

5	0	5+0
13	20	13+20
41	41	41+41
a	b	a+b
1-құшилувчи	2 құшилувчи	йиғинди

Шунингдек, айирма учун ҳам жадвал түзилади.

15	12	15-12
20	0	20-0
13	7	13-7
a	b	a-b
камаювчи	айрилувчи	айирма

Харфий ифоданинг қийматини ҳисоблаш 3 босқичга бўлинади.

1. Олдин ҳарфий ифода олиниб, ҳарфларнинг ўрнига сонлар қўйиш $a+b$ ни $a=5$, $b=20$; $a=13$, $b=8$ да ҳисобланг.

2. Олдин ҳарфлар ва ҳарфий ифодалар олиниб, ўкувчиларнинг ўзлари жадвалда қийматлар бераб, натижасини топадилар.

m			
n			
m-n			

3. Масаланинг шартига ҳарфлар киритиб, унинг ўрнига қийматлар бераб ҳисоблаш.

Масалан, гаражда а машина бор эди, яна с машина келди. Қанча машина бўлди? $a+c$, $a=20$, $c=5$ $a=10$, $c=50 \dots$

9-мавзу

Тенгликлар ва тенгсизликларни ўқитиш методикаси

Режа:

- Сонли тенглик ва тенгсизликларни ўқитиш методикаси.
- Тенгламаларни ўқитиш методикаси.

3. Ўзгарувчили тенгсизликларни ўқитиш методикаси.
4. Тенглама ёрдамида масалалар ечиш.

1. Сонли тенглик ва тенгсизликларни ўқитиш методикаси

Янги дастур бўйича ўқувчиларга сонларни таққослаш, ифодаларнинг $< >$ = эканлиги муносабатларини бериш мақсадида яна саволлар билан танишириш муҳим ўрин эгаллади.

Иккита тенг сон ёки иккита ифоданинг қийматлари тенг бўлса, улар орасига тенг белги кўйилади. Шунингдек, икки сон тенг бўлмаса, ёки икки ифода ва уларнинг қийматлари тенг бўлмаса, булар орасига тенгсизлик белгиси кўйилади. Шунинг учун энг аввало ўқувчиларга ишончли тенглик ва тенгсизликлар ҳақида тушунча бериш керак.

Тенглик ва тенгсизлик билан танишириш сонларни номерлаш ва арифметик амаллар билан боғланган. Сонларни таққослаш энг аввало тўпламларни таққослаш билан яъни тўпламларнинг бир қийматли мослигига боғлаб тушунтирилади. 10, 100, 1000 ичida сонларни номерлаш ва таққослаш орқали кўни синфларда тенглик ва тенгсизлик тушунчалари келтириб чиқарилади.

Мисол $75 > 48$ деганда 7 та ўнлик 4 та ўнликдан катта деган мазмунда тушунтирилади.

Миқдорларни ўлчашдаги сонларни таққослашда бир хил миқдорларга сонларни келтириб, кейин таққослаш мумкинлиги 1-4 синфларда берилади. Мисол: 1) тенг сонлар билан алмаштиринг:

7 км 500 м = ... м, 3000 кг = ... т, 2) ёзув тўғри бўлиши учун сонларни танланг: ... соат $< \dots$ мин, ... дм = ... см, ... т $> \dots$ ц = ... кг

3) шундай исмли сонларни кўйингки, тенглик ёки тенгсизлик тўғри бўлсин: 35 км = 35--- ..., 16 мин $> \dots$ сек, 17 т 5 ц = 17500

4) тенгсизликларнинг тўғри ёки нотўғри эканлигига қараб сонлар орасига белгилар кўйинг.

4 т 8 ц ... 48 кг, 100 мин ... 1 соат 50 мин, 2 м 5 дм ... 250 см,

1-синфда амалларни 10 ичida бажаришда тенглик ва тенгсизликларга кўпроқ тўхтади.

Мисол: $3+1>3$, $3-1<3$, $3=3$ ва ҳоказо.

Шу тарзда бошланғичнинг юқори синфларида ўтилган тенгламаларни ва тенгсизликларни умумлаштириб, $a=v$, $a>v$, $a>v$ каби хulosаларни келтириб чиқаради. Энди сонли ифодаларнинг тенглиги ва тенгсизлигига қадам қўйилади.

Мисол. $6+4>6+3$, $(120:3+4)<12*6$

2. Тенгламаларни ўқитиши методикаси

Бошланғич синф дастурида $7+x=10$, $x-3=10+5$, $x=(7-10)*70$, $x:2=15$ каби 1-даражали бир номаъумли тенгламалар қаралади. Бу тенгламаларни ечиш амалда қатнашаётган ҳарфнинг шундай қийматини топиш керакки, уни тенгламага қўйганда рост тенглик ҳосил бўлсин. Бундай тенгламани ечиш амал компоненти билан амал натижаси орасидаги боғланишни ўқитиши методикасидан фойдаланилади.

1. Тайёрлов босқичида 10 ичидаги қўшиш ва айришда номаъум компонентни топишга доир.

Мисол. $4+\dots=6$, $5-\dots=2$, $\dots-3=7$

2. Шунга доир содда масалалар ечиш

Мисол. Номаъум сонга 3 ни қўшиб 8 ҳосил қилинди. Номаъум қўшилувчини топинг. $\dots+3=8$. шундан сўнг номаъумни ҳарф билан белгилашни ўргатади. $k+3=8$

3. Бошланғич синфда тенгламанинг таърифи, ечими, ечиш каби таъриф ва тушунчалар берилмайди, фақат тенгламани ўқиши, ёзиши, номаъум компонентларни топиш тушунчалари билан танишадилар.

4. 2-синфда кўпайтириш ва бўлишга доир

$x*3=12$, $5*x=10$, $x:2=4$, $6:x=3$ кўринишдаги тенгламаларни ечиш ўқитилади.

5. Тенгламани ўқитишининг 1-қадамидаёқ номаъумнинг ўрнига қўйиш билан тенгликни текширишга ўргатиб борилади.

6. 2-синфда улардан мураккаброқ $x+10=80-7$, $x+(45-17)=40$ каби тенгламаларни ечишга ўқитилади.

7. 3-синфдан бошлаб 4 амалга доир мисоллар ечилади.

8. 4-синфда кўп хонали сонлар билан биргаликда 4 амалга доир тенгламаларни ечиш қаралади.

9. 2-синфдан бошлаб $a+26<30$, $a+26=30$, $a+26>30$ ифодалар қўйидаги қандай қийматда ўринли, деган жадвал билан мисол берилади.

a	0	1	3	...
$a+26$	26			

10. Бошланғич синфда $x+x=10$, $n*n=16$, $a+a=a+6$, $7*a=7$, $8*k=0$ $n+n=2n$ каби мисоллар ёчдирилади.

3. Ўзгарувчили тенгизликларни ўқитиши методикаси

$x+3<7$, $10-x < 5$, $x+4<12$, $72:x<36$ каби ўзгарувчили тенгизликлар 2-синфда ўқитилади. Лекин 1-синфдаёқ бунга

тайёргарлик машқлари ўтказилади. Мисол: ...>0, 6+4>..., 7+...<10, 2-синфдан бошлаб эса ўзгарувчи ҳарф билан белгиланади. Мисол: $x+3<10$ тенгсизликда x нинг ўрнига сонларни танлаб қўйиб тенгсизликнинг рост бўлган қийматлари тўпламини топадилар.

“Тенгсизликни ечинг”, “Тенгсизликни ечиш” терминлари бошланғич синфда киритилмайди. Фақат сонларнинг ўрнига қўйиш билан тўғри нотўғри тенглик ёки тенглик ҳосил бўлиши тушунтирилади.

Мисол: $7*x>70$ тенгсизлик x нинг қайси қийматларида ўринли? Энг аввало ўқитувчи x нинг қайси қийматларида тенглик ҳосил бўлишини сўрайди. Бунда $x=10$ жавоб бўлади. Кўпайтма катта бўлиши учун x ни 10 дан катта қилиб олиш керак, деган мулоҳаза келиб чиқади. Ўқувчилар энди 11, 12, 13, ... сонларни қўйиб мисолга тўғри жавоб қайтарадилар.

Тенгсизликлар билан бажарилган ишлар амал компонентларининг ўзгариши билан амал натижаларининг қандай ўзгаришига олиб келиши билан якунланади.

4. Тенглама ёрдамида масалалар ечиш

Мисоллар билан биргаликда матнли масалаларни тенгламалар ёрдамида ечиш ҳам катта ўринни эгаллайди. Масалан: Экскурсияга 28 та бола ва бир қанча қиз жўнатилади. Улар 2 та автобусга 25 тадан жойлашди. Нечта қиз бор?

1-усул

- 1) олдин номаълум қизлар сонини x билан белгилаймиз.
- 2) ўғил ва қизлар сонини $(28+x)$ деймиз.
- 3) иккита автобусга кетганлар сони $25*2$ деймиз.
- 4) 2 ва 3 ларни тенглаштирамиз: $28+x=25*2$

2-усул

- 1) номаълумларни x билан белгилаймиз;
 - 2) ўғил ва қизлар сони $(28+x)$ бўлади;
 - 3) уларни иккита автобусга бўлсак, $(28+x):2$;
- ҳар бир автобусга 25 тадан кетса, $(28+x):2=25$ тенгламани ҳосил қиласиз.

Энг қийин вазият номаълумни тўғри ўринда ишлатиб, тенгламани тузишдир. Масалани ечишда чизма, жадвал тузишдан ҳам ўринли фойдаланиш керак.

Мисол. Номаълум сон 42 дан 9 га кичик, бу сон қанча?

$$42-x=9, \quad x+9=42, \quad x=42-9$$

Масала. Шахмат түғарагида 24 ўғил бола ва бир нечта қызы болалар бор эди, яна 5 та қызы қўшиб олингандан кейин қызы болала сони ўғил болалар сонидан 8 та кам бўлди. Олдин шахматда қанчада бўлган?

ўғиллар	24	24	24-8=x-19
қизлар		x-24+5	
жами	x	x+5	

$16=x-19$; $x=16+19$, $x=35$ деб ечдирилади. Шундай қилиб бошланғич синфнинг бошидан охиригача сонли тенглик ва тенгсизликлар, ўзгарувчили тенгсизлик, тенгламаларни ўқитищ, тенгламалар тузиб масалалар ечиш жараёни системали оддийдан мураккабга давом эттирилади.

Тенгламалар тузиш ёрдамида содда масалалар ечиш иккинчи синфдан бошланади. Улар қўшиш, айриш, кўпайтириш ва бўлишдаги номаълум компонентни топишга доир масалалар ечади.

Масала. Вазада 11 та олма бор эди. Тушликда бир нечта олма ейилгандан кейин вазади 7 та олма қолди. Нечта олма ейилган?

Бор эди 11 та, уни $11-x=7$ кўринишдаги тенгламага келтирамиз. Бу тенглама номаълум айрилувчини топиш қоидасига асосан ечилади.

З-синфда номаълум коэффициентларни топишга доир содда масалаларни ечиш малакаси мустаҳкамланади.

Мисол. Ўйланган сон 20 дан 15 та ортиқ. У сонни топинг.

20


20 x 15

Кўргазмали чизмадан фойдаланиб тенглама тузамиз.

$$x-20=15, \quad x-15=20, \quad x=20+15$$

Тенглама тузишда мумкин бўлган барча вариантларни талаб қилмаслик керак. Чунки битта вариатни текшириш учун 2 ёки 3-вариантдан фойданиш мумкин.

Мисол. Ўйлаган сон 12 дан 3 марта катта, уни топинг?



Чизма ёрдамида қуйидаги тенгламани тузамиз:
 $x:3=12$, $x:12=3$, $x=12*3$

Мураккаб масалаларни алгебраик усул билан ечиш асосан 3-синфдан бошланади. 3-синфда тенгламалар түзиш йўли билан масалаларнинг бир неча хили ечилади.

1. Агар ўйланган сонни 3 марта ва 15 та орттирилса, 75 ҳосил бўлади. Шу сонни топинг? $x^*3+15=75$

2. Бола 3 та қалам ва 28 сўм турадиган китобга 40 сўм тўлади. 1 та қалам неча сўм туради. $3*x+28=40$ сўм.

10-мавзуу

Геометрик материалларни ўқитиш методикаси

Режа:

1. Геометрик материалларни ўқитишнинг моҳияти.
2. Тўғри ва эгри чизик, кесмани ўқитиш методикаси.
3. Кўпбурчак, бурчак, айланани ўқитиш методикаси.
4. Геометрик тушунчаларга доир масалалар түзиш.

1. Геометрик материалларни ўқитишнинг моҳияти

Бошланғич синфларда геометрик материалларни ўрганишнинг асосий вазифаси геометрик фигуранлар, нуқта, тўғри чизик, кесма, синиқ чизик, кўпбурчак, бурчак, айланалар ҳақида аниқ тушунчалар ва тасаввурлар ҳосил қилишдан иборатdir. Шунинг учун машқлар системаси ва геометрик масалаларнинг мазмуни фазовий тасаввурлар тўғрисида билим, малакалар асосида кузатишлари, таққослаш, абстраклаштириш ва умумлаштиришга қаратилмоғи лозим.

Энг аввало ўқувчиларга геометрик фигуранларни ўлчаш ва чизма чизиш, шунингдек чизиш ва ўлчаш қуроллари билан ҳамда кўз, қўл ва ҳоказолар билан малака беришдир. Шунингдек, тарқатма қуроллар, қофоз, турли хил узунликлардаги чўплар, қофозлардан турли хил фигуранларни ясаш ҳам киради. Синфда албатта чизғич, чизғич учбурчаги, циркуль бўлиши шарт. Геометрик материаллар мос ҳолда ўқитилиши лозим. Бошланғич синфлардаги геометрик материаллар мактабгача тарбия муассасаларида ўқитиладиган материаллар билан боғлиқ бўлиб, бироз мураккаблаштирилган ҳолидир. Ҳаттоқи, мактабгача даврда шар, куб, айлана, квадрат, учбурчак, тўғри бурчакли учбурчаклар билан таниш бўладилар.

2. Тўғри ва эгри чизик, кесмани ўқитиш методикаси



Бошланғич синфларда тушунчаларга аниқ билим ва тасаввурни бериш керак. Бу тушунчаларни кўрсатиш, аташ, чизиш

ва ҳаттоки, қоғоз ва доскада берилгандын узунликдаги фигуналарни ясай олиш лозим.

1-синфда ёк нұқта билан танишадилар. Катакли дафтарда нұқталар күйгандын және уларни туташтириш вазифасини беради. Нұқталар олиб уларни түғри чизиқ билан туташтириши бажартыради.

Шундан кейин үқувчилар ңұқталар, түғри чизиқ ёки ёзишни және уларни кесмалар ёрдамида бирлаштириши түшүніп оладилар. Құпбурчаклар билан танишганда уларнинг учлари нұқта эканлигини билиб оладилар.

2-синфда нұқталарни A,B,C,D, ... ҳарфлар билан белгилайдилар. Доскадаги чизилгандын айланада вә түртбурчакнинг ичида, устида және ташқарисида ётган нұқталарни ёзинг және үкінг деган топшириқ берилади.




1-синфдан бошлаб түғри чизиқ түғрисида түшніча турлы вазифаларни бажаришда берилади. У билан бир вактда әгри чизиқ ҳақида түшніча ҳам ипни тортиб туриш, бўшатиш каби машқларда тушунтирилади.

Энди чизғич орқали қоғоз және доскада түғри чизиш малакасини эгаллайдилар, уни атрофдаги предметлар билан таққослайдилар, қайсилари түғри чизиқ, әгри чизиқ эканлигини айтадилар.

Кесма билан ҳам амалий ишларни бажаришда таништиради. Масалан, иккита нұқта олиб уларни чизғич билан туташтиради. Кесма нұқта орасидаги түғри чизиқнинг қисми эканлиги ҳақида малака берилади. Үндән кейин кесмаларни ўлчаш түғрисида сантиметр, миллиметр, дециметр, метр каби бирликлар билан ҳам танишадилар.

Құпбурчакларнинг элементтері билан танишганда уннинг томонлари кесма эканлигини билиб оладилар.

2-синфда нұқталарни ҳарфлар билан белгилаганда, нұқталар ёрдамида кесмаларни иккі ҳарф билан белгилаш киритилади.



3. Күпбұрчак, бурчак, айланани үқитиши методикасы

Бу фигураналар ҳақидағы түшунча бошланғичнинг барча синфларида кетма-кет беріб борилади. 1-10 ўнликда булар дидактикалық материаллар сифатида құлланилади. Улар ёрдамида үқувчилар санаңда, сонларни таққослашда, масалалар ечишда фойдаланадылар. Кейинчалик айланана, учбурчак, квадрат шакллари билан ҳам танишадылар.

Аста-секин күпбұрчактың элементлари: томонлари, бурчаклари, уchlари кабилар билан танишадылар. Қоғоз, ёғоч ва пластмассалардан ясалған учбурчактың 3 томони, 3 бурчаги, 3 учи борлигини билиб оладылар, Кейин уларни түрли хил нарсалардан үzlари ясайдылар. Кейинги босқыларда учбурчак турлари, (түғри бурчаклы учбурчак, тенг томонлы учбурчак, үткір бурчаклы учбурчак, үтмас бурчаклы учбурчак) кабилар билан танишадылар.

Шу режа асосида түғри бурчак билан танишиб чиқади. Беш ва олти бурчакларни ҳам үрганғандан кейин умумий ҳолда уларни күпбұрчак деб аташ ва томонлари, уchlари ва бурчаклари сонлари бир жил бўлишини келтириб чиқарадылар.

1-синфда ёқ түғри бурчак түшүнчеси киритилади, уни түшүнтириш қуйидаги олиб борилади. Биргаликда қоғоз олиб уларнинг учларини бараварлаштириб, икки мартадан буклаб тенг бурчак ҳосил қиласы. Ҳар қандай қоғозни олиб шундай икки буклаганда тенг бурчаклар ҳосил бўлишини билиб, уларни түғри бурчаклар деб аташни қабул қиласылар.

Шундай түғри бурчакларга нисбатан атрофдаги мавжуд бурчакларнинг ундан катта ёки кичикигини таққослайдылар, шу асосда түғри бурчаклардан кичикларини үткір бурчаклар деб қабул қилишга эга бўлдилар. Түғри түртбұрчактың барча бурчакларининг түғри бўлишини ва уларнинг қарама-қарши томонларининг тенглигини буклаш асосида келтириб чиқарадылар. 1-2 синфларда түғри түртбұрчакны үқувчиларга чизиш орқали ясашни үргатади, 3-синфда эса чизғици ва чизғич учбурчагидан фойдаланиб түғри түртбұрчак ясашни үргатади.

Шу асосда түғри түртбұрчакнинг томонлари тенг бўлса, квадрат ҳосил бўлишини келтириб чиқаради.

Кўпбұрчакларга доир тушунчалар турли хил геометрик мазмундаги масалалар ёрдамида тушунтирилади ва мустаҳкамланди.

2-синфдан бошлаб доира ва айланада тушунчаси билан танишадилар. Циркуль ёрдамида чизиб уларнинг радиуси ва маркази тушунчаси киритилади. Радиусларнинг тенглигини ўлчаш орқали келтириб чиқарадилар. Кўпбұрчак ва айлананиң таққослаб, кўпбұрчакнинг чегараси ёпиқ синик чизиқ, айлананиң чегараси ёпиқ синик чизиқ эканлиги тушунчалари ҳосил қилинади.

2-синфдан бошлаб синик чизиқ, унинг узунлиги, кўпбұрчакнинг периметри ва уни ўлчаш, ёпиқ ва очиқ синик чизиклар тушунчалари билан танишадилар. Бу тушунчалар масалалар ёрдамида 2-3-4-синфларда мустаҳкамланади: Масалан:

1. Квадратнинг периметри 2 дм 4 см бўлса. Унинг томони қанча ва чизинг.

2. Бир томони уй ва қолган 3 томони девордан иборат квадрат берилаган. Уйнинг узунлиги 9 м бўлса, деворнинг узунлиги қанча?

Бундай масалаларни ечганда уларнинг чизмаларини чизиш фойдали, тайёр масалаларни ечиш билан бир қаторда ўқувчиларга шундай ўхшаш геометрик мазмунли масалаларни тузишга доир топшириклар бериш ҳам талаб қилинади.

Масалан, а) масала шартида тушуриб қолдирилган сонларни танлаб ўрнига қўйинг, түртбұрчакнинг периметри 25 см, 3 та томони 5, 6, 7 см, түртинчи томони қанча? б) ечилган масалага тескари масала тузинг; в) формулалар бўйича масалалар тузинг.

Масалан: $S=a^2$

11-мавзу

Каср тушунчаси билан таништириш методикаси

Режа:

1. Касрлар билан таништиришнинг моҳияти.
2. Микдорларнинг улушлари билан таништириш методикаси.
3. Касрларни ўрганиш методикаси.

1. Касрлар билан таништиришнинг моҳияти

Ўқувчиларни касрлар билан таништириш дастурга биноан 3-синфдан бошланади. Касрларнинг ҳосил бўлиши, уларни

таққослаш, соннинг улушкини топиш ва берилган улушкига кўра соннинг ўзини топиш билан танишадилар. 4-синфда 1нинг улуси ва бир неча улуси ва унинг ёзма кўриниши тасаввурларига эга бўладилар. Каср тушунчаси геометрияда кесма улуси, миқдорларнинг улуси ва бошқа геометрик шаклларнинг улушлари билан бевосита боғланган.


Каср тушунчасини ҳосил қилиш ҳар хил нарсаларни тенг бўлакларга бўлиш, кесиш, синдириш, майдалашдан келиб чиқади дейилади. Бошланғич синфдан олдин, яъни мактабгача ёшдаёқ каср тушунчасининг бошланғич тушунчалари берилган. Масалан, олма, тарвуз, бодринг, нон ва бошқаларни бир неча бўлакларга бўлиб кўрган ва бошланғич тушунчаларни олган. Шу мақсадда болаларни улушлар билан, уларнинг ёзилиши билан таништириш, таққослашни ўрганиш, соннинг улушлари ва улуш бўйича сонни топишга доир масалаларни ечиш кўзда тутилади, айтиб ўтилган барча масалалар кўргазмали қилиб очиб берилади.

2. Миқдорларнинг улушлари билан таништириш методикаси

Юқорида кўрдикки, 3-синфда бирнинг улушлари, яъни $\frac{1}{2}$, $\frac{1}{3}$, $\frac{1}{4}$ ва ҳоказо улушларга оид тасаввурларни ҳосил қилишдан иборат. Касрларни ўргатиш деярли кўргазма асосида тушунтирилади. Бу кўргазмаларга мева, қовун, тарвуз, геометрик шакл, чўп, қофоз ва бошқа атрофдаги нарсаларни олиш мумкин.

Кўргазмали тушунтиришда, масалан, олмани тенг иккига бўлиш, баъзан тенг 2 бўлиш, ёрдамида каср ҳосил қилинади. Шунга мос олмани тенг бўлмаган 2 бўлакка бўлиб, у ярим олма эмаслигини, демак, касрни ҳосил қиласликни тушунтириш керак. Факат тенг бўлакка бўлгандагина каср сон ёки бутуннинг улуси ҳосил бўлишини мустаҳкам сингдириш лозим.

Турли хил геометрик шакллар билан ишлаётганда бу шакл ёрдамида улушларни ҳосил қиласлилар, ҳамда унинг баъзи хоссаларини келтириб чиқарадилар. Масалан, квадратни тенг 4 бўлакка бўлишда, уни иккита йўл билан бўлиб, бурчакларининг ўзаро тенглигига ҳамда томонларнинг ҳам ўзаро тенглигига асосланиб, шунингдек квадрат симметрияси ҳақида тасаввурларга эга бўладилар.



Шүнингдек, бошқа ўқувчиларга доирани, баъзилариға тұғри тұртбұрчакни 4 бұлакка бўлиш топширилади. Бундан кейинги иш тенг бўлакларга бўлинган улушлардан биттасини, иккитасини, учтасини олиб уларни қандай сонлар билан ёзиш мумкинлиги ўқитилади. Касрларни иккидан бир, учдан бир, тұртдан бир каби ўкиш ва $1/2$, $1/3$, $1/4$ ларга нарсаларни қандай бўлиб, қанча қисми олинаётганлиги орасидаги бофланишни ҳосил қилиш лозим. Шу аёсса сурат ва маҳраж ҳамда каср каби янғи терминлар киритмасдан ўқилади. Лекин чизиқ чизиш, чизикнинг пастида бутунни нечага бўлган сон, юқорисига неча улушни олган сон ёзилиши тушунтирилади.

“Улушлар” мавзусида фигуralарни тенг бўлакларга бўлиш асосида улушларни таққослаш ҳам тушунтирилади. Масалан, ўқитувчи 5 та бир хил тұғри тұртбұрчакли қофоздан йўлакчали қилиб қирқишина таклиф қиласди.

Бу йўлакчанинг биринчисининг тенг иккига, иккинчисини тенг тұртга бўлиб, уларни устма-уст қўйиш асосида ҳар бир тенг бўлакларни таққослади. Унда $1/2 > 1,4$, $1/4 > 1,8$, $1/3 > 1/6$ каби эканлигига ишонч ҳосил қиладилар. З-синфда соннинг улушини топишни амалий масалалардан бошлаш керак. Масалан, узунлиги 12 см бўлган қофоз йўлакчани олиб уни иккига буқлаш топширилади. Йўлакчанинг ярми неча см? $12/2 = 6$ см. Энди йўлакчани яна икки буқлаб тұрт қисмга бўлади. Йўлакчанинг қандай қисми ҳосил бўлди ва унинг узунлиги қанча? Жавоб: $12/4 = 3$ см. $1/4$ қисм. Бу иш чизгич ёрдамида ҳам ўлчаб қўрилади.

Масала. Китоб 80 бет, ўқувчи унинг $1/4$ қисмини ўқиди. Неча бет китоб ўқилган. 80 бетнинг $1/4$ қисми қанча? $80/4 = 20$ бет.

1. Бошқа масалаларни ечаётганда чизмада фойдаланиш етарли: сон кесма орқали тасвирланади, у берилган сондаги тенг бўлакларга бўлинади, улуси белгиланади, сўнгра ечишини оғзаки ёки ёзма бажаради. Масалан, $1/2$ м да, $1/4$ м да, $1/5$ м да неча см бор? $1/2$ соатда, $1/6$ соатда неча минут бор?

Вақт ўлчовларини ўрганаётганда нима учун “бир ярим”, “чорак кам 10” деб айтилишини тушунтиришлари керак. Аксинча, соннинг улушкига қараб соннинг ўзини топишга ҳам катта эътибор берилади. Масалан, “ТУ-104” самолёт $1/3$ минутда 5 км учади. 1 минутда неча км учади? $1/3$ қисми 5 км бўлган сон неча?

$$5 \times 3 = 15 \text{ km}$$

20 бет



5 бет



2. Кейинчалик, сонни унинг улуси бўйича топишга доир масалалар билан соннинг улушкини топишга дсир масалалар аралаштириб киритилади. 3-синфда улушни ва улушга қараб сонни топишга доир фақат содда масалалар, 4-синфда эса мураккаб масалалар ечдирилади.

3. Касрларни ўрганиш методикаси

“Улушлар” мавзусига асосланган ҳолда касрларнинг ҳосил бўлиш билан 4-синфда таништирилади. Бу ерда ҳам кўргазма қурол билим беришнинг бош мезони бўлади. Нарсаларни, шаклларни ва бошқа атрофдагиларни тенг бўлакларга бўлиш ва шу бўлаклардан биттасини, иккитасини учтасини, ... олиш масаласи, уни ифодалаш ва ёзиш асосий вазифа бўлади. Бунда каср, касрнинг сурати, маҳражи каби терминлар билан таништирилади.

Масала. Маҳражи 10 га тенг бўлган касрларни йўлакчалар ёрдамида кўрсатамиз.

1/10 + 

2/10 + 

5/10 + 

Касрларни ёзишни бажаришда қўйидаги қоидага амал қилиш эслатилади. Чизиқ остига ёзилган сон касрнинг маҳражи дейилиб, бутун нарса нечага тенг бўлинишини ифодалайди. Касрнинг устига ёзилган сон касрнинг сурати дейилиб, тенг қисмлардан қанчаси олинганини кўрсатади. Бошланғич синфда маҳражи 10 дан катта бўлмаган касрлар қаралади.

Бундан кейин касрларни майдароқ улушларга майдалаш ва аксинча масалалар қаралади. Масалан, $\frac{3}{4}=6/8$ ёки $2/8-1/4$ ларни тушунтириш учун бир хилда йўлакча оламиз ва 1-сини 4 та тенг бўлакка, 2-сини 8 та тенг бўлакка бўлиб, 1-сида 3 та улушни, 2-сидан 6 та улушни оламиз. Бу иккала йўлакчадаги юзалар тенглиги кўринарли бўлади. Шунингдек $2/8=1/4$ ифода тушунтирилади.

 $\frac{3}{4}$  $\frac{6}{8}$

Соннинг касрини топишга доир масалаларни ечишда 3-синфда ўрганилган соннинг улушкини топиш масаласи асос бўлиб хизмат қиласи.

Масала. Узунлиги 10 см бўлган кесма чизилган, $\frac{3}{5}$ қисми неча см га тенг. Узунлиги 10 см бўлган кесмани чизади ва унинг

1/5 улуси неча см эканлигини 3-синфдан билади. $10:5=2$ см.
Сүнгра кесманинг 3/5 қисмини топишда $2*3=6$ см ишни бажаради
ёки бирданига $10:5*3=6$ см деб бажариш ҳам мүмкін.

Масала. Дафтар 24 бетлик, ўкувчи дафтарнинг 5/8 қисмини
тұлдиради. Неча бет ёзилмай қолди? Масала шартининг қисқача
ёзуви қуидагича:

Бор эди - 24 бет

Ёзилди - 5/8 қисми

Қолди - ?

Ечиш. Масаланы ечишда кесма тасвиридан фойдаланамиз.
Кесмани 24 бет деб олиб, уни 8 та teng бүламиз ва унинг 5 қисмини
ажратамиз.

$$1) 24:8=3 \text{ бет}$$

5 қисми

$$2) 3*5=15 \text{ бет}$$

24 бет

$$3) 24-15=9 \text{ бет ёзилмади.}$$

Умумий ифода күринишда $24-24:8*5=9$ бет.

4-синф дарслигіда берилған соннинг касрини топишга
доир баъзи масалаларни ечишда катта, мураккаб ифодалар ҳосил
бўлади. Бундай масалаларнинг ечимларини амалларни бажариш
ёрдамида ифодалаш керак бўлади. Масалан: ўрамда 240 и сим
бор эди. Шу симнинг 5/8 қисми ишлатилади. Қолганидан неча
метр ортиқ сим ишлатилади?

Ечимнинг ифода күринишидаги ёзувини қуидагича
бажарамиз:

$$1) 240:8*5=150 \text{ м.}$$

$\frac{5}{8}$

қолди?

$$2) 240-150=90 \text{ м.}$$



$$3) 150-90=60 \text{ м.}$$

Умумий ифодаси $240:8*5-(240-240:8*5)$

Касрларни тақослашда teng тўғри тўртбурчакларнинг
тасвиrlаридан ҳам фойдаланиш қулайдир. Ўкувчиларга
дафтарларида бўйи 16 см га, эни 1 см бўлган тўғри тўртбурчак
чиши топширилади. Бу битта тўғри тўртбурчакка 1 сонини ёзамиз.
1-тўғри тўртбурчак тагида шундай тўғри тўртбурчак чизинг ва уни
teng иккига бўлинг. Қандай улушлар ҳосил қилдингиз? (иккидан
бир, ярим улушлар).

Тагида шундай түгри түртбүрчак чизинг ва уни тенг түрт бүлакка бўлинг. Ҳар бир бўлак нима деб аталади ва қандай сон билан ифодаланади? 1 бутунда нечта чорак (түртдан бир) бор? Яримда нечта чорак бор? Шу жараён давом этказилади ва куйидагича тасвирланади.

1							
1/2				1/2			
1/4		1/4		1/4		1/4	
1/8	1/8	1/8	1/8	1/8	1/8	1/8	1/8
1/16	1/16	1/16	1/16	1/16	1/16	...	

Куйидаги саволлар берилади? Унга жавоб шаклга қараб айтилади:

1) қайси бири катта? $1/2$ ми ёки $2/4$ ми? $1/4$ ми ёки $3/4$ ми? $2/2$ ми ёки $4/4$ ми?

2) 1 бутунда нечта $1/8$ улуш бор?

3) $>$, $<$, $=$ белгиларини қўйинг: $3/8 \dots 3/4$, $4/5 \dots 1$, $4/8 \dots 1/2$

4) шундай сонни танлангки, тенглик ёки тенгсизлик ўринли бўлсин.

$$5/10 = \dots /2, 3/8 > \dots /4, 1/2 < \dots /4$$

12-мавзу

Арифметик масалалар ва уларнинг турлари

Режа:

1. Масалалар ечишнинг аҳамияти.
2. Масалаларни билиш ва тарбиявий функциялари.
3. Арифметик масалаларнинг турлари.
4. Масалаларни таҳлил қилиб ечиш методикаси.
5. “Ўнлик” мавзусида масалалар ечиш.

1. Масалалар ечишнинг аҳамияти

Математикани ўқитиш системасида масалалар ечиш самарали машқ қилиш турларидан биридир.

Масалалар ечиш аввало болаларда мукаммал математик тушунчаларни шакллантириши, уларнинг ўқув дастурида белгилаб берилган назарий билимларни ўзлаштиришларида муҳим аҳамиятга эга.

Масала. Ўқувчида 4 та рангли ва 2 та оддий қалам бор. Ўқувчида ҳаммаси бўлиб нечта қалам бор?

Бу масала орқали ўқувчиларда кўшиш ҳақидаги тушунчани шакллантириш, мустаҳкамлаш ва йифиндини топишга доир билимлар ҳосил бўлади.

Масалалар ечиш орқали ўқувчиларда янги билим вужудга келади ва мавжуд билимлар тадбиқ қилинади, шу орқали мустаҳкамланади. Масалан, билимларнинг шаклланишида назарияни амалиёт билан ўқитишни турмуш билан боғлиқ олиб бориш имконини беради. Масала ечиш орқали харид қилинган нарсанинг нархини, квартира таъмиглашнинг баҳоси, поездга кечикмаслик учун уйдан қачон чиқиш керак, деган турли хилдаги амалий ҳисоблашларни ҳал қилиб беради.

Ўқувчилар масалаларни ечаётганда турли хил математик тушунчалар - сон, арифметик амал, кўшилувчи, йифинди, қолдиқ кабилар билан танишадилар, шунингдек атроф мухитдаги, фандаги, техникадаги турли хил боғлиқли муаммолар билан танишадилар ва уни ечадилар.

2. Масалаларнинг билиш ва тарбиявий функциялари

Юқоридан келиб чиқсан ҳолда масаланинг 2 та муҳим функцияси мавжудлигини биламиш.

- а) масаланинг билиш характеристидаги функцияси
- б) масаланинг тарбиявий характеристидаги функцияси

Масалалар ечиш жараёнининг ўзи методикада ўқувчиларнинг ақлий ривожланишига анча ижобий таъсир кўрсатиши маълум. У ақлий операцияларни; анализ ва синтез, конкретлаштириш ва обстраклаштириш, таққослаш, умумлаштириш кабиларни ривожлантиради. Турмушда сонлар билан боғлиқ бўлган турли хил - ҳаётий ҳисоблашлар вужудга келадики, уни ҳал қилиш учун арифметик амаллар бажаришга тўғри келади.. Бундай ҳисоблаш ишини талаб қиласиган мазмун масала дейилади.

Ҳар бир масала берилган (маълум) ва изланаётган (номаълум) сонларни ўз ичига олади. Масаладаги сонлар, тўпламлар сонини ёки миқдорларнинг қийматини характеристлайди, муносабатларни ифодалайди ёки топилиши керак бўлган ноаниқ сонлар бўлади. Ҳар бир масалада шарт ва савол бўлади. Масала шартида берилган сонлар орасидаги ва берилган сонлар билан изланаётган сонлар орасида боғланиш кўрсатилади; бу боғланишлар тегишли арифметик амалларни танлашни белгилаб беради. Савол эса қайси сон изланаётган сон эканини билдиради.

Масала: Енгил машина 4 соат йўлда 56 км тезлик билан юрган. Машина қанча масофа юрган?

Шарти: Енгил машина 4 соат йўлда 56 км тезлик билан юрди (маълум ёки берилган).

Савол: Машина қанча масофа юрган? (изланаётган ёки номаъпум) Масалани ечиш: бу масала шартида берилган сонлар ва изланаётган сонлар орасидаги боғланишни очиб бериш ва шу асосда арифметик амалларни танлаш, кейин эса уларни бажариш ҳамда масала саволига жавоб бериш демакдир.

3. Арифметик масалаларнинг турлари

Арифметик масалаларни 2 турга бўлиш мумкин.

а) 1 та арифметик амаллар билан ечиладиган содда масалалар;

б) 2 та ва ундан ортиқ амаллар билан ечиладиган мураккаб масалалар.

Турли хилдаги содда масалаларни ечиш жараёнида ўқувчилар арифметик амалларнинг маъносини тушуниб, қайси ҳолда қайси амални қўллаш мумкинлигини билиб оладилар. Арифметик амалларни қўллашда мураккаб масалаларни ечишга аста-секин ўтиб борилади.

Арифметик масалаларни ечиш орқали курилишни, хўжалик ва маданиятини, мамлакатнинг қурилиш маданияти, қишлоқ хўжалиги, ишлаб чиқариш соҳасидаги ютуқлар билан танишиб борадилар.

Масалалар ечиш орқали ўувучилар ёзма ва оғзаки ҳисоблаш қобилиятини, мураккаб масалаларни ечиш орқали эса сонли формулаларни ўзлаштириш қобилиятини ривожлантиради.

Арифметик масалаларни ечишда арифметик амалларнинг хосса ва қонуниятларидан фойдаланилади.

Масала ечиш кетма-кетлигига куйидагиларни амалга ошириш лозим:

1. Масалани танлашни ўрганиш ва уни мустақил ўқий олиш.

2. Масалани дастлабки тахлил қилиш, маълумни номаълумдан, муҳимни номуҳимдан ажратиш, берилган билан изланаётганлар орасида боғланиш ўрнатиш.

3. Масалани қисқа ёзиш малакаси.

4. Содда масалаларни ечишда амал танлашни асослаб бериш ва мураккаб масала таҳлилини амалга ошириш, сўнгра ечиш режасини тузиш.

5. Ечимни бажариш, уни ўқитувчи талабига мос қилиб дафтарга ёки доскага ёзиб масала саволига жавоб бериш.

6. Масала ечимини текшира олиш.

Масалан, 2-синфда масалаларни турли хил йўл билан ечиш тавсия этилади. “Икки қишлоқдан бир-бирига қарама-қарши икки ўкувчи чиқди. Биринчи ўкувчи 4 км/сбилин, иккинчи эса 3 км/с билан юрди. Агар икки ўкувчи учрашунга 2 соат вақт ўтган бўлса, бу қишлоқлар орасидаги масофа қанча?” Бу масалани иккита сонли формула ёзувида бериш мумкин.

$$x=(4+3)*2 \text{ ва } x=4*2+3*2$$

иккаласини ечиш орқали кўпайтиришнинг қўшишга нисбатан қонуни тўғрилигига ишонч ҳосил қиласди.

“Нечта кўп ва неча марта кўп”, “Нечта кам ва неча марта кам” каби гапларнинг маъносини арифметик амалларда қўллайдилар.

Масалалар ечишда энг аввало берилганлар ва излананаётган сонлар ва улар орасидаги боғланишни аниқлаш керак.

Содда масалалар йифинди, айирма ва қолдиқни топишга доир бўлиши мумкин.

1. Предметлар тўпламнинг йифиндисини топишга доир.
2. Бир нарсадан иккинчисини айирганда қанча қолишга доир.
- 3-4. Айирмани билишга доир.

а) бир нарса иккинчисидан қанча катта;

б) бири иккинчисидан қанчага кам.

Содда масалаларда берилганлар орқали излананаётганини топиш, аксинча изланган сон орқали берилганини топиш мумкин. Бундай амаллар бажаришни ўзаро тескари амаллар дейилади.

1. Ўкувчи 4 та қизил ва 3 та кўк байроқ тайёрлади. Ўкувчи қанча байроқ тайёрлаган.

Масалада йифиндини топиш талаб қилинади.

1. Ўкувчи 7 та байроқ, шундан 3 таси кўк байроқ тайёрлади. Нечта қизил байроқ тайёрлаган?

Масалада 1-қўшилувчини топиш талаб қилинади.

2. Ўкувчи 7 та байроқ тайёрлади, шундан 4 таси қизил, бир нечтаси кўк байроқ, қанча кўк байроқ тайёрланди.

Масалада иккинчи қўшилувчини тогиши талаб қилинади.

Кўпайтиришга ва бўлишга доир ҳам ўзаро тескари масалалар тузиш мумкин. Содда масалаларни ечишда мураккаблигига қарағ қўйидагиларга бўлиш мумкин.

а) масалаларни ўзларининг малакалари билан ечиладиган масалалар;

б) содда фикрлаш билан ечиладиган масалалар;

в) мазмунида “нечта кўп”, “нечта кам” саволларини ўз ичига оладиган масалалар.

4. Масалаларни таҳлил қилиб ечиш методикаси

Масала таҳлили аналитик, синтетик метод билан амалга оширилади, чунки масалани ечишда ўувчининг фикри ҳамма вақт берилганлардан излаётганларга ва изланашётганлардан берилганларга бориши керак.

Масала у ёки йўл билан таҳлил қилингандан кейин ечим режаси тузилади, яъни масаланинг якуний саволига жавоб бериш учун олдин нимани билиб олишимиз, кейин нимани билишимиз белгилаб олинади.

Масалан, устахонада кўйлаклар ва шунча костюм тикилди. Ҳар бир кўйлакка 3 метр, ҳар бир костюмга 4 метр материал кетади, агар кўйлаклар учун 24 метр материал кетган бўлса, костюмлар учун қанча материал кетган. Масала таҳлилини қуидаги жадвал орқали изоҳлаймиз.

	1 та кийим учун сарфланди	кийимлар сони	сарфланган материал
кўйлак костюм	3 м 4 м	бир хил	24 м ?

Масала таҳлили масала саволидаги берилганларга қараб боради:

1. Масалада нимани билиш талаб қилинади? (костюмга кетган материални)
2. Буни бирданига билиб бўладими? (йўқ)
3. Нега? (нечта костюм тикилганини билмаймиз)
4. Нечта костюм тикилганини билиб бўладими? (бўлади)
5. Қандай қилиб? (нечта кўйлак тикилган бўлса шунча костюм тикилган)

Нечта кўйлак тикилган? ($24 \text{ м} / 3 \text{ м} = 8$ та кўйлак тикилган).

6. Костюм ҳам 8 та бўлса, ҳар бир костюмга 4 м дан материал кетса жами м материал кетган. ($8 * 4 = 32 \text{ м}$)

7. Масала саволига жавоб бердикми? (ха)

5. “Ўнлик” мавзусида масалалар ечиш

1-синфдан бошлаб содда масалалар ечиш кетма-кет тартибда бериб борилади. Энг аввало ўкувчилар ўкувчининг топшириғи билан амалий характердаги машҳуларни бажарадилар.

Масалан, 3 та чўпга бир чўпни кўшганда нечта чўп бўлади, деган ўқувчининг саволини ўқувчилар бевосита чўплар орқали бажарадилар. Ўқитувчи раҳбарлигидаги ўқувчилар масалада берилганларни элементар мулоҳазаларга ажратадилар.

а) масалада берилганлар ёки бизга нималар маълум деган савол қўяди;

б) масаланинг саволи ёки нимани билиш керак;

в) керакли амални бажариш.

г) масаланинг жавобини келтириб чиқариш.

Бундан кейин ўқувчилар масалалар ечишда сонли берилганларни тасвирловчи расмлардан фойдаланадилар. Масала ечиш малакалари ривожланган сари ўқувчилар тушунадиган предмет ва ҳодисалар орасидаги боғланишга доир масалаларни еча бошлайдилар.

Номаълум кўшилувчи қатнашган масалаларни ечишга муҳокама қилишдан фойдаланиш керак. Бундай масалаларни қийналмасдан ечиши учун ўқувчиларнинг ўзларига кузатиш асосида масалаларни мустақил туздириш керак.

Масалан, номаълум сонга 3 қўшилди ва 8 ҳосил қилинди. Немаълум сонни топинг.

Номаълум сонни х билан белгилаймиз, уни ўқувчи тушунтириб $x+3=8$ ни ҳосил қиласи.

а) мисолда нима маълум? (2-кўшилувчи ва йифинди)

б) нима номаълум? (1-кўшилувчи)

в) номаълум кўшилувчи 3-кўшилувчидаги ҳосил бўлган (8)

г) партага 8 та учбурчак кўйинг, 8 сони қандай ҳосил бўлди? (номаълум сонга 3 қўшилди ва 8 сони ҳосил бўлди)

д) шу 3 та учбурчакни олинг, олдин нечта учбурчак бўлган? (5)

е) уни қандай билдингиз (8 дан 3 ни ажратдик)

ф) биз нимани билдилик, 8 дан учни айирдик, (1-кўшилувчини топдик). Ўқувчиларга қуидаги ёзувларни кўрсатамиш.

$$x+3=8 \quad x=8-3 \quad x=5$$

13-мавзу

“Юзлик” ва “Минглик”, “Кўп хонали сонлар” мавзуларида масалалар ечиш

Режа:

1. “Юзлик” мавзусида масалалар ечиш.

2. “Минглик” мавзусида масалалар ечиш.

3. “Кўп хонали сонлар” мавзусида масалалар ечиш.

1. “Юзлик” мавзусида масалалар ечиш

“Юзлик” мавзуси иккинчи синфдан бошлаб ўқитилади. Шундан бошлаб содда масалалардан секин мураккаб масалалар ечишга ўтиш жараёни бошланади.

Бунда ҳам энг аввало масала шартини таҳлил қилишдан бошламоқ керак. Масалан 1-кутида 6 та, 2-кутида ундан 2 та қалам кам, иккала кутида қанча қалам бор. Масаланинг шартини кўргазмали таҳлилдан бошлаш керак. 1-кутидаги 6 та қаламни кўрсатади. 2-кутида ундан 2 та кам қалам бор, деб ёпиқ ҳолда кўрсатилади. Иккала кутини бир-бирига яқинлаштириб, жами қанча қалам борлигини топишни айтади. Унинг чизмаларини доскада тасвирлайди.

Савол: а) иккинчи кутида қанча қалам бор? $6-2=4$ та;

б) иккала кутида қанча қалам бор? $6+4=10$

Шундан кейин масалаларнинг умумий ечимини ифодаловчи ифода тузамиз. $6+(6-2)=10$

Кўшиш ва айришга доир мураккаб масалалардан ташқари яна куйидаги мазмунларда ҳам масалаларни ечиш тавсия қилинган:

1) кўпайтириш ва бўлишга доир;

2) сонни бир неча марта орттириш ва камайтиришга доир;

3) сонлари каррали таққослашга доир. Масалан, катакли тахтачага учта квадрат кўйилади ва ундан 2 марта кўп учбурчак олишни таклиф қиласди.

Содда масалаларни ечаётганда баъзилари учун масала мазмунининг қисқача ёзувини доскада ёзиш мумкин, чунки ўқувчилар доскадаги ёзувга қараб масаланинг мазмунини эсдан чиқармайди.

Мураккаб масалаларнинг дэярли ҳаммаси учун қисқача ёзув зарур бўлади. Бу ёзувдан масалани тақрорлашда, қайта-қайта эслашда фойдаланилади. Ёзувда асосан масала шарти ва савол қисми орасидаги боғланиш кўрсатилиши керак.

Масалага доир қисқача ёзувда куйидаги қоидаларга амал қилиш керак:

1) қисқача ёзув масала мазмуни билан танишилгандан кейин тузилди ва ечиш йўлларини излашнинг муҳим воситаси бўлиб хизмат қиласди. Шу асосда масалани таҳлил қилиш мумкин.

2) қисқача ёзув ихчам, аниқ бўлиши ва миқдорлар орасидаги боғланишларни ҳар хил шаклда (жадвал, чизма, расм, схема) тасвирлаш мумкин.

3) қисқача ёзувнинг ҳар бир босқичини бажаришда ўқитувчи раҳбарлик қиласди;

4) дарснинг мақсадлари ва масаланинг қийинлик даражасига қараб, ўқувчи ёки ўқитувчи доскага ёзиши мумкин.

Масалан, болалар боғчасига икки бидонда сут келтиришди. Бир бидонда 32 л, иккинчи бидонда эса 30 л сут бор. Тушлик учун 40 л сут ишлатилади. Неча л сут қолди?

Масаланинг қисқача ёзуви қуидагича бўлади:

Келтиришди - 32л ва 30 л

Ишлатишди - 40 л

Қолди - ?

Масала: ўқувчилар 80 кг узум узишди. Шундан 20 кг ни мактаб учун қолдириб, қолган узумларни яшикларга жойлаб боғчага жўнатишиди. Ҳар бир яшикка 10 кг дан узум кетса, боғчага неча яшик узум жўнатишган?

Бу масалада иккита ҳар хил катталиклар бор: узум массаси ва яшиклар сони. Буни қуидаги жадвал билан ёзув қилиб ечамиз.

узилган узум	мактабда қолди	қанча узум жўнатилди	ҳар бир яшик масаси	нечя яшикка жой бўлади?
80 кг	20 кг	?	10 кг	?

2. “Минглик” мавзусида масалалар ечиш

Энди “Ўнлик”, “Юзлик”, мавзуларига оид масалаларга таянган ҳолда учхонали сонлар устида ҳам масалалар ечилдӣ. Масалан, бир бола учта китоб ўқиди. Уларнинг ҳаммаси 653 бетдан иборат. 1-китоб 256 бетли, 2-китоб ундан 58 бет кам, 3-китоб неча бет? Масала шартини қуидагича ёзамиз.

1к-256 бет, 2к-58 бет кам, 3к-?

Ечиш.	1) 256	2) 256	3) 653
	- 58	+198	- 454
	198 б	454 б	199 б

Умумий ифодаси $653 - ((256 - 58) + 256) = 199$

3. “Кўп хонали сонлар” мавзусида масалар ечиш

4-синфда ечиладиган мураккаб масалаларни шартли равишда қуидаги турларга бўлиш мумкин:

1) нисбатлар усули билан ечиладиган масалалар. Бирликка келтириш қоидасига асосан ечилади. Оддин бир сон иккинчи сондан неча марта ортиқ ёки камлигини билиш керак, сўнгра орттириш ёки камайтириш керак, охирги саволга жавоб топиш керак.

Мисол. 2та кулча 12 сүм туради. 6 та кулча қанча туради?

1) 1 та кулча $12:2=6$ сүм. 2) $6 \times 6 = 36$. Умумий ёзувда $(12:2) \times 6$ бўлади. 2) Пропорционал бўлишга доир масалалар. Бундай масалалар ечишдан олдин тайёрлов машқлари бажарилади. Мисол. Олдин 3 та пиёла сотиб олинди, кейин шундан 2 та олинди. Ҳаммаси учун 250 сүм тўланди. Ҳар қайси олган пиёлаларга неча сўмдан тўланган?

Чизмада тасвиirlаб қуидаги саволларга қўямиз:

- 1) ҳаммаси бўлиб қанча пиёла олинган: $3+2=5$ пиёла;
- 2) битта пиёла қанча туради? $250:5=50$ сүм;
- 3) 3 та пиёла қанча туради? $3 \times 50 = 150$ сүм;
- 4) 2 та пиёла қанча туради? $2 \times 50 = 100$ сүм.

Масалани ечиб бўлгандан кейин масала жавобини текшириб ҳам қараш керак. Тўланган ҳамма пул $150+100=250$ сүм бўлади.

Пропорционал бўлишга доир масала таҳлилини ва қисқача тушунтиришни жадвалда кўрсатиб, ундан кейин яхши натижага эришиш мумкин.

Мисол. Бир бўлақда 5 м газлама, иккинчи бўлақда шундай 7 м газлама бор. Агар иккала бўлак учун 3600 сүм тўланган бўлса, ҳар бир бўлак газлама қанча туради?

баҳоси	миқдори	жами	жами пул	1м газлама газлама	5м	7м
бир хил	5м, 7м	3600 сүм	12 м	?	?	?

3) икки айирмага кўра номаълумни топишга доир масалалар. Бунга тайёрлов машқларини қуидагича тузиш мумкин: бир тўпдаги газлама иккинчи тўпдаги газламадан 4 м ортиқ бўлиб, биринчидан 2400 сам ортиқ тўланди. 1 м газлама қанча туради?

Бундан кейин айирмага доир мураккаброқ масалаларга ўтилади: мисол, 1-тўпда 3 м, 2-тўпда 7 м газлама бор. 2-тўпдаги газлама 1-га қараганда 2400 сүм ортиқ туради. 1 м газлама ва ҳар бир тўп қанча туради?

Масалани ечиш учун саволлар тузамиз:

- а) неча м газлама 2400 сүм туради? $7-3=4$ м
 - б) 1 м газлама қанча туради? $2400:4=600$ сүм
 - в) 3 м газлама қанча туради? $600 \times 3 = 1800$ сүм
 - г) 7 м газлама қанча туради? $600 \times 7 = 4200$ сүм
- 4) ҳараккетга доир масалалар. Тезлик, вақт, масофани ҳисоблашга доир масалалар: а) тезликни топишга доир. “Пиёда З соатда 12 км йўл юрган, унинг тезлиги қанча?” Бунда тезликни

топиш учун масофани вақтга бўлиш керак, - деган қоидани келтириб чиқаради.

тезлик	вақт	масофа
?	3 соат	12 км

б) масофани топишга доир. Пиёда 3 соатда 6 км тезлик билан йўл юрди. У қанча масофа ўтган?

тезлик	вақт	масофа
6 км	3 соат	?

$$6 \cdot 3 = 18 \text{ км}$$

Масофа тезлик билан вақтнинг кўпайтмасига teng, - деган қоидани келтириб чиқаради.

в) вақтни топишга доир. Вақт масофанинг тезлика бўлинмасига teng.

тезлик	вақт	масофа
~ 6 км	?	12 км

Бу 3 та катталиктининг ҳар бирини топиш ўзаро тескари бўлган 3 турдаги масалани ечиш демакдир. Умумий ҳолда қуидагича бўлади.

тезлик	вақт	масофа
6 км	3 соат	?
6 км	?	12 км
?	3 соат	12 км


5) учрашма ҳаракатга доир масалалар. Тайёрлов машқ сифатида қуидаги масалани ечиш мумкин. Иккита бола бир-бирига қараб югурмокда, учрашгунга қадар биринчи бола 48 м, 2-си 37 м югурди. Иккаласи неча м югурган?

Шундан кейин бир вақтда ва учрашганда каби сўзларнинг моҳиятини ва масала шаклини кўрсатиб уларга таалуқли масофа, тезлик, вақтларни хисоблаш мумкинлигини тушунтиради.

Мисол. Иккита шаҳардан бир-бирига қараб 2 поезд турли вақтда йўлга чиқди. 1-поезд соат 7 да, 2-си соат 9 да, улар соат 11 да учрашди. Ҳар қайси поезд учрашгунча қанча вақт юрган? Бундай масалаларни ечишда s, v, t каби белгилашларни киритиш тавсия этилади.

Масалан: 2 қишлоқдан бир вақтда 2 пиёда бир-бирига қараб йўлга чиқди ва 3 соатдан кейин учрашди. Биринчисининг тезлиги 4 км, 2-синики 5 км. Қишлоқлар орасидаги масофани топинг?


Уни $4 \cdot 3 + 5 \cdot 3 = 27$ ёки $(4+5) \cdot 3 = 9 \cdot 3 = 27$




Кўринишларда ечиш мумкин.

Бу ерда ҳам комбинация қилиб, 3 та компонентдан иккитасига кўра 3-сини топишга доир тескари масалалар тузиб ечиш мумкин. Тескари масала: 27 км масофани 1-си 4 км, 2-си 5 км тезлик билан юриб учрашдилар. Учрашгунча қанча вақт ўтган?

$$4+5=9 \text{ км}, 27:9=3 \text{ с}$$



Тескари масала: 27 км масофани бир-бирига қараб йўлга чиқиб 2 пиёда 2 соатдан кейин учрашдилар 1-сининг тезлиги 4 км бўлса 2-синики қанча?



14-мавзу

Математика ўқитиши методикаси тарихи ва унинг келажакда такомиллашуви ва ривожланиш йўллари

Режа:

1. Арифметика ўқитиши тарихи ҳақида.
2. 4 йиллик ва 3 йиллик бошланғич таълимда математика ўқитишининг аҳволи.
3. Мустақиллик даврида бошланғич математика ўқитиши.

1. Арифметика ўқитиши тарихи ҳақида

Арифметика ўқитиши предмети сифатида жуда эрта пайдо бўлди ва уй ҳамда мактабда аниқ ва мустаҳкам ўринни эгаллаган. Уни ўқитиши методикаси эса анча кейин яратилди. XVIII аср хирига қадар арифметика методикаси мустақил ўқув қўл имаси

сифатида мавжуд эмас эди. Уни биринчи марта Пётр I кўрсатмасига асосан 1701 йилда Россияда умум таълим мактаби бўлиши, яъни “Математика ва навигацион фанлар мактаби” очилди. 1703 йилда бу мактаб учун Л.Ф.Магницкий “Арифметика сиречь наука числительная” номли дарслик ёзди. Бу китобда алгебра, геометрия ва тригонометрияга доир материаллар ҳам кирган эди.

Арифметика методикасини биринчи марта П.С.Гурьев яратди. Унинг “Арифметические листи” (1832), “Руководство и преподаванию арифметики малолетним детям” (1839, 1842) “Практическая арифметика” (161) китоблари ўқитила бошланди. XIX асрнинг 60-йилларга келганда янги ўқитиш йўналишлари ҳосил бўла бошланади. Паульсоннинг “Арифметика по способу немецкого педагога Грубе” китоби чиқди. Уни рус методисти В.А.Евтушевский қайта ишлаб рус бошлангич мактабларида кўллади.

Кейинчалик В.А.Латишев арифметик амалларни ўрганиш методикасини яратади. У “Руководство к преподаванию арифметики” (1880) китобида амалларни соддароқ бажаришга уриниб кўрган.

Бундай кейин А.И.Гольденберг “Методика” китобида амалларни ўрганишни уч концентрга бўлиб тавсия қилган:

а) ўнлик; б) юзлик; в) кўп хонали сонлар.

XX аср бошига келиб арифметика курсини ўрганишнинг 6 йиллик режасини Ф. И. Егоров ишлаб чиқди. Бу ўқитишида назарий материал билан амалий машқлар аралаштирилиб мукаммал ҳолга келтириб берилди.

С. И. Шохор-Троцкий “Методика арифметики” (1886), “Геометрия на задачах” (1908), “Методика начального курса математики” (1924) китоблари билан катта ҳисса қўшди.

Арифметик амаллар, уларнинг хоссалари, кўрсатмали тушунтириш, арифметик чўт, оғзаки ҳисоблаш жадвали каби кўпгина методик тавсияномаларни берди. Шу асосида XX аср бошигача арифметикани яратиш ва уни ўқитиш соҳасида анча силжишлар бўлади. Арифметика онгни ривожлантиришда олдинги ўринда туришлиги исботланди.

2. 4 Йиллик ва 3 йиллик бошлангич таълимда математика ўқитишнинг аҳволи

XX аср бошигача методистлар илмий асосланган методика яратса олишмади. Чунки назарияни тасдиқлаш учун мактаблар, матбуот, тажриба, ўқитувчи, педагог-психолог олимлар етишмас эди. Собиқ совет мактаби ривожланишида 3 та даврни ажратиб кўрсатиш мумкин:

1) революциянинг дастлабки йилларида ва комплекс система шароитида математик таълим.

2) 1931-1969 йиллар давридаги кадрлар билан ишлаган таълим.

3) Министирлар Советининг 1966 йил 10 ноябрдаги “Ўрта умум таълим мактаби ишини бундай кейинги яхшилаш тадбирлари” қарори асосида ишлаган таълим.

Бу даврдаги таълим тизимининг гоҳ 4 йиллик, гоҳ 3 йиллик бўлиб алмашиб туриши турли хил асоссиз назарияларнинг вужудга келиши, амалиётга мустаҳкам ўз аскини топмаган ўқитишни жорий қилишdir.

КПСС МКнинг 1984 йилда қабул қилинган “Ҳалқ таълимини ислоҳ қилиш тўғрисидаги” қарорига асосан 6 ёшдан болаларни тайёрлаб синфларига қабул қилиш ва 6 ёшдан 1 - синфга қабул қилиб ўқитиш жараёни ва 4 йиллик бошлангич таълим жорий қилинди. 1986-1991 йилларда мактабларда баъзи ижобий ишлар амалга оширилсада ўз ниҳоясига, мақсадига эриша олмади.

Унда кўрсатилишича болаларни 6 ёшдан бошлаб ўқитишга ўтишни, 1986 йилдан бошлаб қўшимча ўкувчи ўринлари яратиши, ўқитувчи кадрлар тайёрлашига қараб, ота-оналар истакларини, болаларнинг ривожланиш даражасини, маҳаллий шароитини ҳисобга олган ҳолда секинлик билан амалга ошириш кўзда тутилган эди.

1-4 синфда ўқитиш давомийлиги бир йил ортиб, болаларни ўқиши, ёзиш ва санашга, элементлар меҳнат кўникмаларига асослироқ ўқитиш имконини беришини, шу билан ўкувчилар юкламасини бироз камайтиришини, фан асосларини изчил ўзлаштириши осонлаштириш кўзда тутилган эди. Шу билан беш кунлик ўкув ҳафтасига ўтиш режаси ҳам бор эди.

3. Мустақиллик даврида бошлангич математика ўқитиш

Ўзбекистон Республикаси президенти И. А. Каримовнинг “Таълим-тарбия ва кадрлаш тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, баркамол авлодни вояга етказиш тўғрисида” ги фармонида ва Олий Мажлис томонидан қабул қилинган “Таълим тўғрисида” ги қонун ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” да таълим тизимини назорат қилиш ва шакллантиришга катта эътибор берилган.

Бу ҳужжатларда кўрсатилишча таълим тизимида бошлангич таълим энг асосий, таянч манба бўлиб ҳисобланиши қайд қилинган. Бошлангич синф ўкув дастурини, дарсликларини қайта тузиб

чикиш, бошланғич синф ўқитувчиларини қайта тайёрлаш, ўқитиш сифатини оширишга эътибор берилган.

1-4 синфлардаги таълимнинг тури бошланғич таълимни қамраб олади, ҳамда ўқувчиларнинг фан асослари бўйича мунтазам билим олишларини, уларда билим ўзлаштириш эҳтиёжини, асосий ўқув-илмий ва умум-маданий билимларни миллий ва умумбашарий қадриятларга асосланган маънавий ахлоқий фазилатларни, меҳнат кўникмаларини ижодий фикрлаш ва атроф муҳитга онгли муносабатда бўлиш ва касб танлашни шакллантиради.

И. А. Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси 9-сессияда 1997 йил 29 августда сўзлаган нутқида қуйидагилар баён қилинган: “Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори” маъruzасида: “Болаларимиз неча ёшдан ўқишга қабул қилиниши маъқул?” Олимларнинг фикрига кўра нормал ривожланган болаларни 6 ёшдан мактабга қабул қилиш уларнинг ақлий, руҳий ва жисмоний камолотига, ўкув дастурларини яхши ўзлаштиришида ижобий самара беради. Айни замонда болаларни 6 ёшдан ўқишга жалб этишда уларнинг ҳар бирига алоҳида ёндошиш, биринчи навбатда уларнинг саломатлиги ва зехни, шуури қай даражада шаклланганлиги эътиборга олиниши лозим.

Шу билан бирга мустахассислар ўтказган илмий тадқиқотлар шуни кўрсатадики, болаларимизнинг 10-30% юқорида айтилган сабабларга кўра ҳозирги кунда 6 ёшдан мактабга юборишга тайёр эмас. Айниқса, бу ҳол қишлоқ шароитида ўсаётган болаларнинг тахминан 50%ига тегишилидир. Жисмонан ва ақлий томондан ҳам тўлиқ шаклланманган болаларнинг 6 ёшдан мактабга мажбуран қабул қилиниши, уларнинг ўқиш давомида ўз ожизлигини сезиши ва қийналишига олиб келиши мумкин.

Юқоридагиларни назарда тутиб, болаларнинг жисмоний ва ақлий етуклигини эътиборга олган ҳолда уларни 6-7 ёшдан қабул қилиш мақсадга мувофиқдир.

“Таълим тўғрисида” ги қонуннинг 12-моддасида “Бошланғич таълимнинг умумий ўрта таълим олиши зарур бўлган саводхонлик, билим ва кўникма асосларини шакллантиришига қаратилгандир. Мактабнинг 1-синфига болалар 6-7 ёшдан қабул қилинади” - дейилган.

Мундарижа

Умумий методика режаси	3
Хусусий методика режаси	4
Түшүнтириш хати	5
Дастур	7
1 - мавзу	13
2 - мавзу	17
3 - мавзу	21
4 - мавзу	27
5 - мавзу	31
6 - мавзу	37
7 - мавзу	42
8 - мавзу	47
9 - мавзу	52
10 - мавзу	59
11 - мавзу	63
12 - мавзу	67
13 - мавзу	72
14 - мавзу	79
15 - мавзу	84
Хусусий математика ўқитиши методикаси	88
1 - мавзу	88
2 - мавзу	94
3 - мавзу	99
4 - мавзу	103
5 - мавзу	109
6 - мавзу	115
7 - мавзу	123
8 - мавзу	128
9 - мавзу	132
10 - мавзу	137
11 - мавзу	140
12 - мавзу	145
13 - мавзу	150
14 - мавзу	155

Enl